

Прокуратура органлари фаолиятида ҳуқуқий таҳлил: муаммо ва еҷимлар

*Бош прокуратура Академияси
магистранти Г.М. Таированинг
магистрлик диссертация иши*

Тошкент – 2020 йил

Мундарижа

Кириш.....3-5

I боб. Таҳлилий фаолият (аналитика)нинг ўзига хослиги ва уни прокуратура органларида шаклланиши

1.1.§ Аналитик фаолиятнинг моҳияти ва ҳуқуқий анализаторнинг ўзига хос хусусиятлари.....	6-19
1.2.§ Прокуратура органларида анализатор фаолиятни шаклланиши.....	20-35

II боб. Ҳуқуқий анализаторнинг прокуратура органларига хос услублари ҳамда айрим турларига хос технологиялар

2.1.§ Прокуратура органлари фаолиятида қўллаш мумкин бўлган ҳуқуқий анализатор услублар таҳлили.....	36-50
2.2.§ Юридик ҳодиса ва жараёнлар сифатида қилмиш, қонунийлик ва жиноятчилик аҳволини таҳлил қилишга доир айрим технологиялар.....	51-76

III боб. Прокуратура органларида анализатор фаолиятни такомиллаштириш масалалари

3.1.§ Прокуратура органларида анализатор фаолиятни ташкил этишга оид муаммолар таҳлили	77-89
3.2.§ Прокуратура органларида анализатор фаолиятни такомиллаштиришга доир айрим масалалар	90-101

Хулоса.....102-104

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....105-108

Диссертация ишига иловалар рўйхати109

КИРИШ

Мавзунинг долзарбилиги. Маълумки, прокуратура органлари фаолияти кенг қамровли бўлиб, мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида қонунийликни таъминлашга йўналтирилган. Қолаверса, сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан прокуратура органлари зиммасига кўплаб вазифалар юклатилмоқда ҳамда мамлакатнинг барча соҳалари қатори, прокуратура тизимида ҳам қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда, прокуратура органларини том маънода халққа хизмат қиласиган хукуқ тартибот идорасига айлантириш чоралари кўрилмоқда.

Бу ҳолат, ўз навбатида, мамлакатда, шу жумладан маҳаллий ҳудудларда ва жамият ҳаётининг алоҳида соҳаларида қонунийлик ва жиноятчилик аҳволининг ҳамда прокурор фаолияти самарадорлигини тизимли равишда таҳлил этиб бориш зарурлигини тақозо қиласига.

Мазкур диссертация иши айнан прокуратура органларига хос бўлган хукуқий анализик фаолиятнинг мазмун-моҳиятини очиб бериши ҳамда прокуратура органларида бугунги таҳлилий фаолиятнинг ҳолатидан келиб чиқиб, уни такомиллаштириш чораларини кўришга йўналтирилганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади.

Мавзунинг илмий янгилиги. Хукуқий аналитика МДҲ давлатлари миқёсида сўнгги 10-15 йиллар давомида шаклланиб келаётган анализик фаолиятнинг ўзига хос йўналишларидан ҳисобланади.

Англо-саксон хукуқ тизимига асосланган қатор ривожланган ғарбий Европа давлатларида “юридик анализ” методи юрдик соҳадаги тадқиқотларга хос маҳсус услуг сифатида кенг тарқалган бўлсада, у юридик соҳадаги анализик фаолият мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб бера олмайди. Қолаверса, хукуқ тизимлари турлича бўлган давлатларда хукуқий аналитика бир-биридан бир мунча фарқ қиласи.

Афсуски, давлатимиз хукуқ тизимига ўхшаш бўлган постсовет диёрларида хукуқий соҳадаги аналитика у қадар ривожланмаганлиги билан, бизнинг мамлакатда эса деярли ривожланмаганлиги билан ажралиб туради.

Шундай бўлсада, асрмизнинг бошидан буён қатор рус хукуқшунос олимлари, хусусан, В.В.Лунеев, С.Г.Ольковлар жиноят-хукуқий соҳа нуқтаи назаридан, В.Б.Исаков давлат-хукуқий нуқтаи назардан хукуқий соҳадаги анализикани алоҳида фан соҳаси сифатида тадқиқ этишга уринганликлари, бу борада дарслик ва ўкув курслар ташкил этганликлари маълум бўлади.

Мамлакатимизда 1992-2019 йиллар давомида хукуқий соҳада номзодлик ёки докторлик илмий даражаси учун тадқиқот олиб борган олимларимиз диссертация ишлари доирасида илмий таҳлил, қиёсий-хукуқий

таҳлил ва статистик таҳлил методларидан фойдаланишган, бироқ, ҳуқуқий анализикани алоҳида фан соҳаси, юриспруденция соҳаси ёки ҳуқуқий институт сифатида тадқиқ этишмаган.

Шунга кўра, мазкур магистрлик диссертация иши мамлакатимизда ҳуқуқий аналитика соҳасида илк тадқиқот ишларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот объекти ва предмети. Айни даврда мамлакатимизда илмий соҳадаги ва сиёсий соҳадаги анализикани нисбатан ривожланган, иқтисодий соҳадаги анализикани ривожланаётган, ҳуқуқий соҳадаги анализикани эса, айни асос солинишини тақозо қилиб турган илм-фан соҳаси сифатида эътироф этиш ўринли бўлади.

Шунга кўра, тадқиқот ишининг объекти этиб – анализик фаолиятнинг бир кўриниши бўлган ҳуқуқий анализиканинг прокуратура органлари фаолиятида намоён бўлиши масаласи белгилаб олинди.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Диссертант ушбу тадқиқот ишини олиб бориш орқали, прокуратура органлари фаолиятининг самарадорлиги нуқтаи назардан ундаги ҳуқуқий анализик фаолият қандай бўлиши лозим деган саволга жавоб топишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Мазкур мақсадга эришиш борасидаги вазифалар сифатида қуйидагилар белгиланди:

- анализик фаолиятнинг моҳияти ва ҳуқуқий соҳадаги анализиканинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;
- мустақил мамлакатимиз прокуратураси органларида 1992-2019 йилларда таҳлилий фаолиятни шаклланишини ўрганиш;
- прокуратура органлари фаолиятига қўллаш мумкин ва лозим бўлган анализик услублар ҳамда ҳуқуқий анализик фаолият кўринишларини тадқиқ қилиш;
- прокуратура органлари тизимидағи бугунги анализик тузилмалар ҳамда таҳлилий жараёнлар ҳолатидан келиб чиқиб, ундаги ҳуқуқий анализик фаолиятни такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни белгилаб олиш.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Ҳар қандай тадқиқот, шу жумладан илмий тадқиқотлар 2 хил услубда олиб борилади:

- априор (лот. a priori – тажрибага қадар ёки тажрибадан ташқари деган маънони англатади) услуби, унда гипотеза, яъни илмий фараз илгари сурилади ҳамда фикран эксперимент ўтказиш орқали фаразни дедуктив ёндашув асосида исботлаш чоралари кўрилади;
- апостериор (лот. a posteriori – тажрибадан сўнг ёки тажрибадан келиб чиқувчи деган маънони англатади) услуби, унда муайян кузатувлар асосида билимлар ҳосил қилинади.

Ушбу тадқиқот иши илмий жиҳатдан янгилиги ва прокуратура органларидаги аналитик фаолиятда мавжуд муаммоларни тадқиқ этишга йўналтирилганлиги, яъни муайян бир фаразни исботлаш эмас, балки муаммо ечими (саволга жавоб топиш) юзасидан фаразларни шакллантиришга қаратилганлиги боис, унда апостериор – кузатув методидан фойдаланиш лозим топилди.

Қолаверса, хукуқий соҳа амалий жиҳатдан аниқ саволларга аниқ жавоб топиш билан характерли бўлиб, танланган тадқиқот мавзуси кўп жиҳатдан амалий аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли ҳам ушбу тадқиқот услубига мурожаат қилинди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг назарий аҳамияти унинг мамлакатимизда хукуқшунослик ва аналитика (шу билан бирга математика) илм-фан соҳаларининг бирикиши оқибатида фанлараро янги илм-фан соҳаси – хукуқий аналитикани назарий асосларини яратиш заруратини англашга йўналтирилганлигига ифодаланади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти эса, прокуратура органлари тизимида хукуқий аналитик фаолиятни такомиллаштириш юзасидан аниқ амалий чора-тадбирларни белгилаб олишга қаратилганлигига намоён бўлади.

Диссертация ишининг тузилмаси тавсифи. Диссертация иши ҳар бир боби 2 та, жами 6 та параграфдан иборат бўлган қуйидаги 3 бобни ўз ичига олади:

- таҳлилий фаолият (аналитика)нинг ўзига хослиги ва уни прокуратура органларида шаклланиши;
- хукуқий аналитиканинг прокуратура органларига хос услублари ва айрим турларига хос технологиялар;
- прокуратура органларида аналитик фаолиятни такомиллаштириш масалалари.

І БОБ. ТАҲЛИЛИЙ ФАОЛИЯТ (АНАЛИТИКА)НИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ ВА УНИ ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИДА ШАКЛЛАНИШИ.

1.1.§ Аналитик фаолиятнинг моҳияти ва хуқуқий анализканинг ўзига хос хусусиятлари.

Ўзбек тилида аксарият ҳолларда “анализ” сўзининг ўрнига таҳлил ибораси қўлланилсада, миллий луғатларимизда анализ¹ (юн. *analisis* - ажратиш), анализик² (юн. *analytique* - анализ, таҳлил усулига асосланган, таҳлилий) ва анализика³ (юн. *analytike* - таҳлил қилиш санъати) каби атамаларни ўзбек адабий тилидан ўрин олганлигини шоҳиди бўламиз.

“Таҳлил” ибораси анализ атамасига яқинроқ бўлсада, юончадан кириб келган ҳалқаро термин – аналитика атамасининг мазмунини тўлиқ қамраб олмайди. Шу сабабли, ушбу диссертация ишида таҳлил услубига асосланган жараённи асл ҳолида аналитика атамаси билан ифодалаш лозим деб топилди.

Аналитика ўзи нима?

Аналитика иборасига ёндашувлар турлича бўлиб, унга қатор олимлар томонидан муайян таърифлар берилган, шунингдек, анализик фаолият билан шуғулланувчи мутахассислар ҳам бу борада ўз талқинларини баён қилишга уринишган.

Хусусан, рус олими профессор, фалсафа фанлари доктори Ю.В.Курносов томонидан ўтказилган сўров жараёнида таҳлилчилар “аналитика бу -...” жумласини қўйидаги вариантларда давом эттиришган:

- ахборотни қайта ишлаш жараёнининг методологик асослари;
- янги билимларни олиш учун қатъий илмий ва интуитив усуллардан фойдаланадиган билиш методикаси;
- илмий ёндашувга асосланган фикрлаш ва муносабат шакли;
- реал дунёда кечаётган жараёнларга доир муҳим билимлар;
- интуитив ғояларни мантиқий, оқилона фикрлаш режасига айлантириш воситаси;
- бошқарув жараёнларида фойдаланиладиган ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун хизмат қиласидиган илмий билимлар;

¹Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадалиев таҳрири остида. Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти. 2007. Тошкент. 1-том. А. 81-бет.

²Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадалиев таҳрири остида. Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти. 2007. Тошкент. 1-том. А. 81-бет.

³Фалсафа қомусий луғат. Шарқ нашриёти. 2004. Тошкент. 25 -бет.

- матнлардаги ҳамда реал ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнлардаги яширин маъноларни аниқлаш учун қўллаш мумкин бўлган усуллар мажмуи;
- илмий-тадқиқот ишларининг ўзаги;
- интеллектуал қурол;
- мамлакатни назорат қилиш учун жамиятнинг элитаси томонидан ишлатиладиган интеллектуал маданиятнинг кучли резервуари;
- аналитик ишнинг қисқа номи;
- диалектик мантиқнинг синоними;
- тизимли таҳлил иборасининг синоними;
- вазият ҳақида нотўғри, тўлиқсиз ва одатда бир-бирига қарама-қарши маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил жараёни;
- объектлардаги сабабий боғлиқликлар ҳамда вақт-макон муносабатларни аниқлаш жараёни;
- схематизациялаш, лойиҳалаш ва моделлаштириш орқали объектнинг мазмунини аниқлаш;
- объектга доир билимларни умумлаштириш мақсадида уни таркибий қисмларга бўлиш;
- объектга оид бир-бирига зид билимларни аниқлаш, мураккабликдан оддийлик томон юриш;
- объект ва ундаги элементларнинг ўзаро таъсирини аниқлаш орқали объект моҳиятини очиб бериш;
- предмет, ҳодиса ва жараёнларнинг асл моҳиятини кўра олиш воситаси;
- ҳар қандай тадқиқот дастурининг ядроси ва бошқалар⁴.

Шундай бўлсада, Ю.В.Курносовнинг ўзи аналитика иборасига қўйидагича таъриф беради:

Аналитика (analytics) - бу мавжуд билимлар сифатини яхшилаш ва янги билимларни олиш мақсадида ахборотни самарали қайта ишилашга, шунингдек, оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиши учун ахборот базаларини тайёрлашга хизмат қиласидиган индивидуал ва жамоавий ақлий фаолиятни методик, ташкилий ва технологик таъминлайдиган принциплар ииғиндисидир⁵.

⁴в.Ю.Курносов. П.Ю.Конопотов. Аналитика: методология, технология и организация информационно-аналитической работы.-Москва.Русаки.2004.26-бет.

⁵В.Ю.Курносов. П.Ю.Конопотов. Аналитика: методология, технология и организация информационно-аналитической работы.-Москва.Русаки.2004.30-бет.

Бундан кўринадики, Ю.В.Курносов анализикани учта асосий компонентни ўзида бирлаштирган билимлар соҳаси сифатида эътироф этади ва бу компонентлар қаторига ахборот билан ишлаш методологиясини яратиш, ушбу жараённи ташкилий қўллаб-қувватлаш ҳамда инструментал-технологик таъминлаш кабиларни киритади.

Асримизнинг бошларида ахборот-таҳлилий ишнинг методологиясини яратишга ўз ҳиссасини қўшган олима Г.Ф.Гордукарова анализик фаолиятни “Ахборот Аналитикаси” (информацион аналитика) ибораси билан атайди ва унга шундай тариф беради:

*Ахборот анализикаси – объект ҳақида маълум хабарларни қайта ишилаш, баҳолаш ва синтезлаш орқали у ҳақда янги билимларни пайдо қилишига қаратилган ахборот билан ишилашга доир илмий-амалий, профессионал фаолиятдир*⁶.

Г.Ф.Гордукарова анализик фаолиятнинг моҳияти ахборотни таҳлил қилишдан иборат эканлиги, таҳлилчи тўғридан-тўғри тадқиқот обьектига мурожаат этмай, унга доир маълумотлар асосида обьектни информацион моделлаштириш чораларини қўриши⁷ билан изоҳлайди.

Ўз навбатида Г.Ф.Гордукарова Ю.В.Курносовдан фарқли равища аналитикани информацион, яъни ахборот билан таъминлаш фаолияти сифатида кўради ва таҳлилчи таҳлил қилинаётган соҳанинг мутахассиси бўлиши шарт эмас, балки, ахборотни излаш, қайта ишилаш ва узатиш соҳасида билим ва малакаларга эга бўлишининг ўзи кифоя⁸ деб ҳисоблайди.

Ҳа, ҳақиқатан, анализик фаолият бир неча ўн йилликлар давомида ахборот-таҳлилий фаолият (информационно-аналитическая деятельность, Information analysis) атамаси билан атаб келинган ва мазкур фаолиятга амалий жиҳатдан информацион фаолият сифатида қаралган эди.

Бироқ, анализик фаолиятни фақатгина ахборотни таҳлил қилишдан иборат фаолият сифатида қараш у қадар тўғри бўлмайди. Муайян обьект ҳақида мавжуд маълумотларнинг ўзигина бизда у обьект ҳақида ҳаққоний билимларни ҳосил қилмайди.

Аввало, мавжуд маълумот ҳақиқатга зид бўлиши мумкин. Гарчи, маълумотнинг ҳақиқатга монандлиги ва асослилиги аниқланган тақдирда

⁶ Г.Ф.Гордукарова. Анализ информации: методы, технологии и организация. Ўқув услубий қўлланма.-СПб.:Профессия.2009. 134-бет.

⁷ Г.Ф.Гордукарова. Анализ информации: методы, технологии и организация. Ўқув услубий қўлланма.-СПб.:Профессия.2009. 3-бет.

⁸ Қаранг. Г.Ф.Гордукарова. Анализ информации: методы, технологии и организация. Ўқув услубий қўлланма.-СПб.:Профессия.2009. 134, 151-бет.

ҳам, мазкур ахборот объектга оид янги билимни юзага чиқариш учун турткى бўлади.

Шунга кўра, Г.Ф.Гордукарова талқинидаги “англанганни қайта англаш” методи умумилмий услубларга зид ва бундай метод ўрганилаётган объект ҳақида нотўғри ахборотларни ҳам юзага келиши учун замин яратади.

Аналитиканинг предмети – моддий ва номоддий тизимлар, воқеа ва жараёнлар, яъни инсон англиши лозим бўлган объектлар бўлиб, ўрганилаётган объект ҳақида мавжуд маълумотлар ресурс вазифасини ўтайди, маълумотларни таҳлил қилиш усуллари эса, тадқиқот усули сифатида қаралади.

Шу билан бирга Г.Ф.Гордукалованинг таҳлилчи ўрганилаётган соҳанинг мутахассиси бўлиши шарт эмас деган фикрига ҳам қўшилиб бўлмайди. Сабаби, таҳлилчи ўрганилаётган объект ҳақида ҳар қанча чуқур билим эга бўлса, унинг тадқиқоти шу қадар атрофлича ва самарали кечади деган қарашларни қувватлайман.

Рус олими профессор, юридик фанлари доктори В.Б.Исаковнинг фикрига кўра, аналитика иборасини уч хил талқинда ифодалаш мумкин⁹. Биринчидан, аналитика англаш жараёни сифатида, иккинчидан, фаолият тури сифатида ҳамда учинчидан, алоҳида ижтимоий институт сифатида намоён бўлади.

В.Б.Исаков ўзининг бу қарашларини қўйидагилар билан асосларга интилади.

Аввало, таҳлил аввало инсон тафаккурининг ўзига хос функцияси бўлиб, у инсоннинг мавжуд билимлар ва ахборотни қайта ишлаш, янги билимлар томон интилиш қобилияти сифатида намоён бўлади.

Маълумки, анализ усули, яъни мураккаб ва йирик объектларни қисмларга бўлиб ўрганиш англаш жараёнининг муҳим элементларидан ҳисобланади. Мисол учун, машина моторини қисмларга ажратмай туриб, ундаги носозликни тушуниш ва бартараф этишининг имкони бўлмайди. Худди шундай, қилмишда жиноят таркибининг барча элементлари мавжудлигини аникламай туриб, уни малакалаб бўлмайди.

Бироқ, объектни ҳар қандай бўлиш аналитик жараённи англатмайди. Хусусан, потоанатомик тадқиқотларда жasad исталганча бўлакланмайди, балки ўлим сабабини аниклаш учун зарур бўлган органлардан тегишли миқдорда намуналар олиш билан чекланилади.

Демак, объектни қисмларга ажратиш орқали анализ қилиш, албатта, уни англаш мақсадида амалга оширилишини ҳамда келгусида қисмларни

⁹ В.Б.Исаков.Правовая аналитика.Учебное пособие.Норма.Инфра-М.Москва.2017.11-бет.

қайта жамлаш, яъни синтезлаш имкониятини юзага келтиришни назарда тутади.

Айни вақтда, *аналитика – бу ўзига хос ижодий интеллектуал фаолият ҳисобланади*.

Фаолият деганда, инсоннинг фаол, англанган, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамда унинг эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиласидиган ташқи олам билан кечадиган узвий алоқаси тушунилади¹⁰.

Ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллеклари ва XIX асрдаги кескин глобаллашув ҳар қандай фаолиятни, хох у давлат бошқаруви бўлсин, хох бизнес соҳаси, ҳатто, инсонлар шахсий турмуши зарурий ахборот билан таъминлаб бориш эҳтиёжини келтириб чиқарди.

Ахборот – бу аҳамиятга эга бўлган фактлар (воқеалар, шахслар, жараёнлар) ҳақидаги хабарлар бўлиб, унинг мавжудлиги инсонга ташқи оламни тушуниш, унда кечаётган вазиятларга тўғри баҳо бериш, ўзининг ҳулқ-атворини ташқи муҳитга адекват кўринишида шакллантира олиш имконини беради.

1980-йилларнинг охири ва 1990-йилларнинг бошида жаҳонда “ахборот инқилоби” юз берди ва ахборотни сақлаш, қайта ишлаш ва узатишнинг компьютерлашнинг тизими оммалашди. Бу эса, ўз навбатида бир неча ҳафталаб, ойлаб ва йиллаб вақт талаб этиб келган жараёнларни бир неча сонияларда амалга ошириш имкониятини, айни вақтда, ахборот билан ишловчи ходимларда алоҳида билим ва қўникмаларни шакллантириш заруратини келтириб чиқарди.

Шу тариқа, ахборот замонамизнинг қимматли ресурсига, ахборот билан самарали ишлай биладиган мутахассис ходимлар - аналитиклар нуфузли фаолият эгасига айланди.

Айни дамда ахборот оқими чексиз бўлган даврда яшаяпмиз, баъзида ахборот денгизида сузиш ва ҳатто, тубсизликка ғарқ бўлишга ҳам тўғри келмоқда. Аммо, ахборотнинг мавжудлиги ва кўплигининг ўзи бирор нарсани ҳал этмайди.

Керакли ахборотни топа билиш, етказилган ахборотни баҳолаш ва талқин қилиш, уни тўғри мақсад сари йўналтира билиш инсон омилисиз кечмайди, қолаверса, зарурий ахборотни жамлаш ва тизимлаштириб боришга доир дастурий қўрсатмаларни яратиш жараёни ҳам бевосита юксак инсоний салоҳиятга асосланади.

¹⁰И.Н.Кузнецов. Информация: сбор, защита и анализ. Учебник по ИАР. Москва.Язуа.2011.19-бет.

Айни шу каби омиллар ахборот билан ишловчи мутахассислар фаолиятига нисбатан ижтимоий сўровни янада ошиб боришига хизмат қиласди.

Шу билан бирга, *аналитика – кўпгина давлатларда сўнгги даврда кенг шакланаётган ижтимоий институт ҳамдир*.

Сабаби, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни янада мураккаблашуви оқибатида ахборотни тўплаш, қайта ишлаш ва узатиш фаолиятига ихтисослашган алоҳида ижтимоий гуруҳлар шаклланди.

Хусусан, давлат ва нодавлат секторидаги бир қанча йирик ташкилотларда соҳага йўналган ахборот-таҳлилий фаолиятни амалга оширувчи таркибий тармоқлари тузилди, шу билан бирга жамиятда халқаро, давлат ёки муайян худуд доирасида комплекс ёки соҳаларга ихтисослашган аналитик марказлар ташкил топди.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги аналитик марказлар сифатида Президент ҳузуридаги иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази, Президент ҳузуридаги стратегик ва худудлараро тадқиқот институти, Тараққиёт стратегияси маркази, Фуқаролик жамиятини ривожлантириш институти, Прогнозлаш ва макроиқтисодий тадқиқотлар Институти, Стратегик анализ ва прогнозлаш олий мактаби кабиларни санаш мумкин.

Албатта, аналитик марказлар ва ташкилотлардаги аналитик фаолиятга масъул тармоқларни мавжуд бўлиши мамлакатда аналитик фаолиятни йўлга кўйишига қаратилган дастлабки қадамлардан бўлиб, ҳали бу соҳада олдимизда таҳлилий фаолиятнинг алоҳида соҳаларга ихтисослашган методология ва технологияларини ишлаб чиқиши, профессионал даражадаги таҳлилчи кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириб бориш, аналитиклар уюшмаларини тузиш ва улар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш каби улкан вазифалар турганлигини таъкидлаб ўтиш ўринли бўлади.

Шу ўринда, *аналитика муайян илм-фан соҳаси ҳисобланадими* деган масалага ойдинлик киритиш мувофиқ ўринли бўлар эди.

В.Б.Исаков Ю.В.Курносовдан фарқли равища аналитикани фан сифатида эътироф этмайди, балки, аналитика ва илм-фаннынг ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатларини таҳлил қилиб беради.

Хусусан, В.Б.Исаков аналитика ва фаннинг ўхшаш жиҳатлари сифатида – уларнинг ҳар иккиси юқори ва мураккаб даражадаги ақлий фаолият эканлиги, ижодий характер касб этиши, янги билимларни қўлга киритишга қаратилган тадқиқот жараёни сифатида намоён бўлиши, фактларни тўплаш ва қайта ишлашда умумилмий методлардан фойдаланиши, ташкилий, ижтимоий ва институтционал хусусиятларга эга бўлган профессионал фаолият сифатида намоён бўлишини келтириб ўтади.

Айни вақтда, у аналитик фаолият ва илмий фаолият бир-биридан күйидаги хусусиятларга кўра фарқланишини кўрсатиб ўтади¹¹.

Илмий фаолият	Аналитик фаолият
<i>Мақсади</i> – ҳақиқатни излаш, яъни табиат ва жамиятнинг амалий фаолиятда қўллаш мумкин бўлган қонуниятларини аниқлаш	<i>Мақсади</i> – амалиётда, хусусан, ташқи ва ички сиёsat, давлат бошқаруви, бизнес ва бошқа соҳаларда юзга келадиган вазифаларни ҳал этиш
<i>Ташкилий структураси</i> – соҳавий принцип асосида	<i>Ташкилий структураси</i> – соҳалараро характерга эга
<i>Юзага келиши асоси</i> – тўғридан-тўғри ижтимоий буюртмага асосида шаклланмайди	<i>Юзага келиши асоси</i> – бевосита ижтимоий буюртма асосида амалга оширилади

Фикримизча, бу ўринда В.Б.Исаковнинг қарашлари билан тўлиқ келишиб бўлмайди.

Илм-фан деганда, одатда, табиат, жамият ва тафаккурга оид объектив, асослантирилган ва тизимлашган билимларни ҳосил қилишга йўналтирилган ақлий фаолият тушунилиб¹², ҳар қандай фан муайян соҳа ёки соҳалардаги фаолиятнинг назарий асосини ташкил этади ҳамда моҳиятнан амалий масалаларни ҳал этишга йўналтирилади.

Шу боис ҳам, ярим асрдан ошикроқ вақт давомида аналитик фаолиятнинг назарий асоси сифатида мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари, касбий қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида “Ахборот тизимлари ва технологиялари”, “Ахборот-таҳлилий фаолият асослари”, “Тизимли таҳлил асослари” каби фанлар ўқитиб келинади.

Илм-фан ўз таснифига кўра, шартли равишда назарий ва амалий фанларга, шунингдек, табиий, техник, ижтимоий ва гуманитар фанларга бўлинсада¹³, айни даврда илм-фанда кўплаб соҳалараро предметларни шаклланиш тенденцияси кузатилади. Мисол учун, суд тиббиёти, ҳукуқий статистика, ҳукуқий информатика, юридик психология каби фанлар шулар жумласидандир.

Ҳар қандай фаолият, у хоҳ илмий, хоҳ амалий бўлсин, ижтимоий эҳтиёж асосида шаклланади. Ижтимоий талабни қондирмайдиган илм ва амалий иш ўз-ўзидан самара бермайди.

Аналитиканинг тадқиқот обьекти, яъни предмети доираси қандай?

Аналитиканинг тадқиқот доираси жуда кенг бўлиб, у жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олади. Шу боис ҳам, соҳавий аналитик фаолиятни шакллантириш аналитик фаолиятдаги муҳим тенденциялардан ҳисобланади.

¹¹ В.Б.Исаков.Правовая аналитика.Учебное пособие.Норма.Инфра-М.Москва.2017.14-6.

¹² <https://ru.m.wikipedia.org>

¹³ Ўша ерда

Аналитик фаолиятни серқирра эканлиги, унга доир турли концептуал ёндашувлар билан бир вақтда, алоҳида аналитик услубиятлар, технологиялар ва ҳатто бир қанча умумий ва маҳсус таҳлил турларини юзага келишига шарт-шароит яратади.

Мисол учун, биргина таҳлилнинг турлари ҳақида сўз юритадиган бўлсак, унинг 200 дан зиёд кўринишлари мавжудлиги маълум бўлади. Хусусан, омилли таҳлил, ретроспектив таҳлил, вариацион (ўзгаришлар) таҳлили, дискриминант таҳлил, қиёсий таҳлил, асосий компонент таҳлили, сабаб ва оқибат таҳлили, тизимли таҳлил, ресурс таҳлили, корреляцион таҳлил, дисперсион таҳлил, кластер таҳлили, семантический таҳлил, самарадорлик қўрсаткичлари таҳлили, контент таҳлил, мантиқий-лингвистик таҳлил ва бошқалар¹⁴.

Ушбу таҳлил турлари ўзаро бирлашиб аналитик услуг ва услубиятларни (метасистемаларни) ҳосил қиласди. Мисол учун, концептуал анализ, мантиқий анализ, математик анализ, эҳтимолий-назарий анализ, статистик анализ, эксперт анализ, лингвистик анализ каби услубиятлар шулар жумласидандир.

Аналитик тадқиқот ўтказилаётган соҳа, тадқиқотнинг мақсади, тадқиқот обьектининг хусусиятлари, тадқиқотнинг шарт-шароитларидан келиб чиқиб, аналитик услубият ва услублар танланади.

Эндиликда, аналитик фаолиятнинг алоҳида кўриниши ҳисобланган ҳуқуқий аналитика ҳақида сўз юритайлик.

Тарихга назар солсак, юриспруденция соҳаси ижтимоий ҳаётни кузатиш ва таҳлил қилиш орқали унда юз бераётган масала ва муаммоларни тартибга солишга қаратилган амалий соҳа сифатида майдонга чиқди.

Шунга кўра, бу соҳани аналитик юриспруденция деб ҳам бежиз атамаганлар¹⁵.

Бироқ, ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган қоида ва меъёрларни қатъий ёзма шаклда белгилаб қўйилишини таъминлашни ўзининг муҳим вазифаси деб билган юриспруденция кейинчалик догматик мазмун касб эта бошлади.

Холбуки, ижтимоий муносабатлар тараққий этиб бориши туфайли, бугун ёзилган қонунлар эртага кутилган натижада бермай қўйиши муқаррар эди.

Айнан догматик ёндашув юриспруденциянинг тараққиётига тўсиқ бўла бошлади, уни қонун ёзиш санъатига айланиб қолиши ва амалий ҳаётдан бир

¹⁴ В.Ю.Курносов. П.Ю.Конопотов. Аналитика: методология, технология и организация информационно-аналитической работы.-Москва.Русаки.2004.30-31-б.

¹⁵ С.С.Алексеев. Восхождение к праву. Поиски и решения.Москва.Норма.2001.4-б.

мунча йироқлашишига замин яратди. Оқибатида бугунги юриспруденция турли сиёсий үйинлар, ижтимоий-иктисодий муаммолар гирдобида қолиб кетди.

Ушбу вазиятдан чиқишининг биргина ечими - ушбу соҳани асл мақомига қайтариш ва том маънодаги таҳлилий юриспруденцияга айлантиришдан иборат деб ўйлаймиз.

Афсуски, бизнес, ички ва ташқи сиёсат, журналистика каби соҳаларда аналитик фаолият бирмунча илгарилаб кетган айни даврда, юридик анатилика ўзининг илк ташкилий, методологик ва технологик пойдеворини шакллантирилишини кутмоқда. Бу ҳолат айниқса, постсовет мамлакатларида яққол кўзга ташланмоқда.

Шундай бўлсада, айни даврда МДҲ давлатлари орасида ҳуқуқий анализаторининг назарий асосини яратиш учун интилаётган С.Г.Ольков, В.В.Лунеев, В.Б.Исаков каби қатор олимларни келтириш мумкин.

В.Б.Исаков ҳуқуқий аналитика бу – қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий тарзибот, ҳуқуқий таълим ва тарбия соҳасида амалга ошириладиган профессионал аналитик фаолият¹⁶ деб таърифлайди.

Албатта, ушбу таъриф жуда содда мазмун касб этади. Қолаверса, В.Б.Исаков ўзининг “Хуқуқий аналитика” номли рисоласида ҳуқуқий анализаторини ўзига хос жиҳатларини очиб бермайди, балки, уни умумий анализаторининг метадологияси ва технологияларига асосланишини баён қиласди.

Бу борада янги асримизда ўзига хос анализатор юриспруденция йўналишини шакллантиришга уринаётган профессор, юридик фанлари доктори С.Г.Ольковнинг қарашлари эътиборли саналади.

С.Г.Ольков анализатор юриспруденция атамасига қуидагича таъриф беради:

Аналитик юриспруденция – юридик ҳодиса ва жараёнлар, улар билан боғлиқ физик, биологик ва ижтимоий воқеликлар (ҳодиса ва жараёнларни)ни математик, шу жумладан статистик ва эҳтимоллар методлари ёрдамида ўрганувчи илмий, таълимий ва амалий ҳуқуқий фандир. (exact juridical discipline)¹⁷

Бу ўринда, С.Г.Ольков юридик ҳодиса¹⁸ (воқеа) деганда ижтимоий оламда давлат-ҳуқуқий ҳодиса деб баҳоланадиган ҳар қандай воқеликни (мисол учун жиноят, интизомий ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик, жазо,

¹⁶ В.Б.Исаков.Правовая аналитика.Учебное пособие.Норма.Инфра-М.Москва.2015.11-6.

¹⁷ С.Г.Ольков.Аналитическая юриспруденция.Учебник.Сургут.СурГУ.2012.17-6.

¹⁸ С.Г.Ольков.Аналитическая юриспруденция.Учебник.Сургут.СурГУ.2012.18-19-6.

рағбатлантириш, фуқаролик, шартнома, никох, сайлов, сервитут, алимент ва бошқалар) ҳамда юридик жараён¹⁹ деганда юридик ҳодисаларни вақт ва маконда жойлашуви, ҳаракатланиши, ўзгариши, ўзаро таъсирини (мисол учун жиноят бу юридик ҳодиса, жиноятчилик эса юридик жараёндир, муайян тергов ёки суд жараёни юридик ҳодисанинг босқичлари, маълум бир давр ёки ҳудуддаги суд жараёнлари эса юридик жараённинг босқичидир) тушуниш лозим деб таъкидлайди.

С.Г.Ольков аналитик юриспруденциянинг вазифаси – юридик ҳодиса ва жараёнларни ўрганиш (1), тушунтириш (2), прогнозлаш (3) ва бошқариш (4)дан иборат эканлигини алоҳида эътироф этиб, юридик ҳодиса ва жараёнларни тадқиқ этиш қуйидаги услублардаги қатъий математик (жадвалли, графики, алгебраик формула) шаклда амалга оширилишини асослашга ҳаракат қиласди:

- юридик жараёнларни вақт ва маконда тақсимланишининг эҳтимолий қонуниятларини аниқлаш;
- юридик жараёнлардаги тенденцияларни аниқлаш;
- юридик жараёнларни ривожланиш қонуниятларини аниқлаш;
- муайян юридик жараёнларнинг кўлами (концентрацияси) ва ўзаро нисбати (дифференцияси) қонуниятларини аниқлаш;
- юридик жараёнлар, шунингдек, у билан боғлиқ ижтимоий жараёнларни ўрганиш учун турли математик усулларни ишлаб чиқиш ва мослаштириш;
- юридик жараёнларни турли миқдорий усуллар ёрдамида прогнозлаш;
- юридик ва у билан боғлиқ (ижтимоий, иқтисодий, демографик ва бошқа) жараёнларни математик моделлаштириш.²⁰

Айтиш мумкинки, мамлакатимиз илм-фан соҳасида ҳуқуқий аналитика алоҳида фан сифатида шаклланиб улгурмаган. Бироқ, юриспруденция соҳадаги таҳлилий фаолият лозим даражада кечиши учун унинг назарий асослари яратилиши учун зарурат мавжуд.

Шу билан биргаликда, ҳуқуқий аналитика ва аналитик юриспруденция атамаларини ўзаро синоним иборалар сифатида қабул қилиш мумкинми ёки йўқми деган савол туғилади.

“Ҳуқуқий таҳлил” ёки “Таҳлилий ҳуқуқшунослик” иборалари бир қарашда сўз ўйинини эслатади, аммо, мазмун жиҳатидан, ҳуқуқий таҳлил тушунчаси таҳлилий фаолиятдаги бир йўналиш сифатида, таҳлилий

¹⁹ С.Г.Ольков.Аналитическая юриспруденция.Учебник.Сургут.СурГУ.2012.20-б.

²⁰ Ўша ерда.

хуқуқшунослик эса, хукуқшуносликнинг бир кўриниши сифатида намоён бўлади.

Мазкур атамалар икки асосий тушунча - “хуқуқ соҳаси” ва “таҳлилий фаолият” билан боғлиқ бўлганлиги боис, *ҳуқуқий соҳадаги аналитика* иборасини ишлатиш, назаримизда, ўринли бўлади.

Шунингдек, С.Г.Ольков ҳуқуқ соҳасидаги аналитика юридик ҳодиса ва жараёнларни нима учун айнан математик методлар асосида ўрганиш лозимлигини эътироф этаётганлиги масаласига ҳам муносабат билдириб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

С.Г.Ольковнинг фикрига қўра, айнан аниқ математик методларгина юридик ҳодиса ва жараёнлардаги асл умумий қонуниятларни, яъни ҳақиқатни очиб беришга ҳизмат қиласди, юридик жараёнларни самарали бошқариш ва оптималь қарорлар қабул қилишга имкон яратади, юриспруденция соҳасини формал-догматизмдан қутқариб, ривожланиш сари ундайди. Ҳолбуки, ҳодиса ва жараёнларга бўлган турли қарашлар, муносабатлар, ҳатто ёзилган қонунлар ҳам ўзгаради, фақатгина умумий қонуниятлар турли вақт ва маконда ўзгармай қолаверади.

Албатта, С.Г.Ольковнинг ушбу фикрлари асослидир.

Фақатгина, бу ўринда, юридик ҳодиса ва жараёнларни тадқиқ этишда математик методлар билан бир вақтда, умумилмий ва социологик методлар ҳам қўл келишини таъкидлаб ўтиш лозим бўлади.

Хуқуқ соҳасидаги аналитикада қўлланиладиган метод кейинги бобда имкон қадар ёритилади.

Ҳуқуқий соҳадаги аналитиканинг аналитик фаолиятнинг бошқа турларидан фарқли жиҳати нимада?

Аналитик фаолиятни шартли равиша соҳалар кесимида қуйидаги турларга ажратиб олиш мумкин:



Аналитикани бундай турларга бўлиб ўрганиш унинг мазмун моҳиятини янада чукурроқ ўрганишга хизмат қилади. Сабаби, аналитик фаолиятдан кўзланган мақсад, тадқиқот объекти ва тадқиқот услублари соҳавий аналитик фаолиятда бир-биридан фарқ қилади.

Буни қуидаги жадвалли маълумот асосида кўриш мумкин.

критерийлар соҳалар	Илмий соҳадаги аналитика	Иқтисодий соҳадаги аналитика	Сиёсий соҳадаги таҳлил	Ижтимоий соҳадаги аналитика	Ҳуқуқий соҳадаги аналитика
анализ объектига кўра	борлиқдаги моддий ва номоддий тизимлар	иқтисодий вазият, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти	сиёсий майдондаги вазият ва шахслар	ижтимоий муносабатлардаги муаммолар	юридик ҳодиса ва жараёнлар
анализ мақсадига кўра	ҳақиқатни аниқлаш	фойдани ошириш, зарарни камайтириш	вазиятдан келиб чиқиб тўғри қарор қабул қилиш	ижтимоий муаммолар ечимини топиш	юридик жараёнларни самарали бошқариш
таянч (ахборот) манбасига кўра	фактлар ва илмий қарашлар	ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар	фактлар юзасидан фикрлар	ижтимоий кайфият, эътиқод ва қадриятлар	фактлар
баҳолаши индикаторига кўра	ҳақиқатга зид ёки зид эмас	фойда ёки зарар	ютиш ёки ютказиш	ишончли ёки ишончсиз	асосли ёки асоссиз
аналитик жараён мазмунига кўра	илмий ғоялар ва қарашларни танқидий таҳлил қилиш	ички ва ташки ресурсларни таҳлил қилиш	имконият ва хавф-хатарларни таҳлил қилиш	шахсларнинг вазият ва муаммога нисбатан муносабатини таҳлил қилиш	шахсларнинг килмиши, унинг сабаб ва шартшароитларини таҳлил қилиш
аналитик усул ва услугиятига кўра	илмий таҳлил умумилмий методлар	самарадорлик ва ретроспектив таҳлил графики-статистик методлар бенчмаркинг	вазият таҳлили моделлаштириш методи	муаммоли таҳлил социологик методлар	тизимли ва танқидий таҳлил статистик ва математик методлар
Аналитик фаолият натижаларини қайд этиши шаклига кўра	илмий мақола, диссертация иши, монография	маълумотлар базаси, аналитик обзор, ҳисботлар	аналитик эскпресс-маълумотнома, аналитик ҳисбот	аналитик маълумотнома, аналитик ҳисбот	статистик ҳисботлар, аналитик маълумотнома, умумлаштириш
Аналитик фаолият натижаларидан фойдаланувчи шахслар доирасига кўра	илмий ходимлар	соҳа ходимлари ва эксперталар	карор қабул қилувчи раҳбар шахслар	ижтимоий масалани кўриб, ҳал этишга масъул шахслар	соҳа ходимлари ва экспертлар

Аналитика аввало инсоннинг англаш функцияси билан бевосита боғлиқ эканлиги, қолаверса, у дастлаб фалсафа фанидан ажralиб чиққанлиги, унинг

илк методологияси Арасту томонидан яратилганлиги²¹ кабиларни инобатта оладиган бўлсак, соҳалар кесимида энг аввало, илмий соҳадаги аналитика юзага келди ва ривожланди.

Кейинчалик, бозор муносабатларининг ривожланиши иқтисодий соҳадаги аналитикани, сўнгги асрда дунё сиёсий майдонида кечган кескин сиёсий жараёнларлар эса, сиёсий соҳадаги аналитикани ривожланишига жуда катта туртки бўлди.

Инсоният ҳар қанча тараққий этмасин, ижтимоий соҳадаги муаммолар табора чуқурлашиб бораётганлиги, ҳатто, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик каби иллатлар кўлами дунёнинг энг ривожланган давлатларида (АҚШ, Буюк Британия, Франция²² каби) ошиб бораётганлиги ижтимоий ва ҳуқуқий соҳадаги аналитикани шакллантириш заруратини келтириб чиқармоқда.

Аналитиканинг шундай йўналишлари борки, бир неча соҳалар билан тўқнашиб кетади. Мисол учун, бугунги кунда ривожланаётган журналистик аналитика, унда ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий аналитиканинг элементлари кузатилади.

Шунингдек, баъзи олимлар бир соҳадаги аналитикани бир неча турларга бўлиб талқин этадилар. Хусусан, иқтисодий соҳадаги аналитикани макроиқтисод, молия, бозор, инвестиция, пул-кредит, биржа, иқтисодий разведка каби соҳалардаги аналитик фаолиятларга²³, сиёсий соҳадаги аналитикани ташки ёки ички сиёsat, ҳарбий, хавфсизлик, дипломатик соҳалардаги аналитик фаолият кўринишлари бўлиши мумкин деб ҳисоблайдилар.

В.Б.Исаков ҳатто, ҳуқуқий соҳадаги аналитикани қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқий ҳулқ-атвор, ҳуқуқий таълим-тарбия каби соҳаларга бўлиб таснифлайди.

Ушбу параграфда баён этилганларга кўра айтиш мумкинки, аналитик фаолият ақлий-ижодий фаолият бўлиб, у ижтимоий эҳтиёждан келиб чиқиб амалга оширилади.

Аналитик фаолият анализ соҳаси, обьектининг хусусияти, анализ мақсади ва шарт-шароитдан келиб чиқиб амалга ошириладиган аналитик услуг ва технологияларига кўра бир-биридан фарқ қиласиган бир неча соҳавий турларга бўлинади.

²¹ Изоҳ: Арастотель ўзининг “Биринчи аналитика”, “Иккинчи аналитика”, Органон матнлари, “Топика” трактатида мантиқий таҳлил усулларини баён қилган.

²² В.В.Лунеев.Преступность XX века. Мировые, региональные и российские тенденции.-М:Норма.1997.45-бет.

²³ Г.Ф.Гордукарова. Анализ информации: методы, технологии и организация. Ўқув услубий қўлланма.-СПб.:Профессия.2009. 147-151-бет.

Аналитик фаолиятда кўзланган мақсад ва анализ объекти муҳим рол ўйнайди.

Хуқуқий соҳадаги аналитика ҳам бошқа соҳалардаги аналитик фаолиятдан асосан анализ объекти, мақсади ва аналитик услубиятига кўра фарқ қиласди. Яъни, хуқуқий соҳадаги аналитиканинг объекти – юридик ҳодиса ва жараёнлар; мақсади – юридик ҳодиса ва жараёнларни ўрганиш, тушуниш, прогнозлаш; аналитик услубияти – математик, статистик ва бошқа методларга асосланган тизимли-танқидий таҳлил услубидан иборат эканлиги билан характерланади.

Хуқуқий соҳадаги аналитика юриспруденциянинг ривожи учун муҳим бўлиб, айни давр хуқуқий аналитиканинг аввало алоҳида фан соҳаси сифатидаги назарий асослари, шу билан бирга бу борадаги амалий фаолиятга йўналтирилган ташкилий, методолик ва технологик асосларини ишлаб чиқишни тақозо қиласди ҳамда бу жараёнда аниқ математик услублар қўл келади.

Прокуратура органлари жамиятда хуқуқий тартибот ва қонунийликни таъминлашга масъул давлат органи сифатида ўз фаолиятида хуқуқий аналитикани тўғри йўлга қўймай туриб юқори натижаларга эриша олмайди.

Прокуратура органлари фаолиятида хуқуқий аналитик фаолиятни такомиллашуви қонунчилик ва хуқуқни қўллаш амалиётида мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда уларнинг тўғри ечимларини топиш учун, алалоқибат, прокуратура органларининг давлат тизими олдидаги функциясини лозим даражада адо этиши учун замин яратади.

Ўз навбатида, ушбу тизимда хуқуқий аналитик фаолиятни тўғри йўлга қўйиши учун қатор ташкилий, услубий ва технологик муаммоларни ҳал этиши лозим бўлади. Мазкур масалалар кейинги бобларни атрофлича таҳлил қилинади.

1.2.§ Прокуратура органларида аналитик фаолиятни шаклланиши.

1992 йил 08 январь мустақил Ўзбекистон прокуратураси ташкил этилган кун сифатида тарих саҳифаларида муҳрланди.

Ўтган 28 йилдан зиёд вақт давомида мамлакат прокуратураси давлат раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор вазифа ва йўналишлардан келиб чиқиб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қиладиган давлат органи сифатида шаклланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан прокуратура учун алоҳида XXIV-бобни ажратилиши, унга ўзига хос конституциявий орган мақомини берди.

Диёrimiz суверен давлат сифатида ўзининг илк конституциясини қабул қилган қуннинг эртасига ёқ, яъни 1992 йил 9 декабрь санасида “Прокуратура тўғрисида”ги қонунни қабул қилиниши, прокуратура органлари зиммасига инсонпарвар демократик хукуқий давлат барпо этишни мақсад қилган давлатимиз олдида катта ишонч ва масъулиятни юклади.

“Прокуратура тўғрисида”ги қонун билан прокуратура органларининг вазифалари ва фаолиятининг асосий йўналишлари, прокуратура тизими ва уни ташкил этиш, прокурор назоратини амалга ошириш ҳамда прокуратура ходимларига доир муҳим меъёрий қоидалар белгилаб берилди.

Қонунда прокуратура органлари Бosh прокурор раҳбарлик қиладиган ягона марказлашган тизим эканлиги эътироф эътилди²⁴.

Ўз навбатида, мазкур тизим фаолияти Бosh прокурорнинг барча ходимлар учун мажбурий бўлган буйруқлари (кўрсатма, танбех каби бошқа хужжатлари) асосида ташкил этилиши белгиланди.

Шунга кўра, мазкур диссертация иши доирасида прокуратура органларида таҳлилий фаолиятни шаклланиш жараёни айнан Бosh прокурор томонидан 1992-2019 йилларда қабул қилинган буйруқлари асосида ўрганиб, таҳлил қилинди.

Прокуратура органларида аналитик фаолиятнинг шаклланиши босқичлари

1992-2019 йилларда қабул қилинган Бosh прокурор буйруқларининг морфологик таҳлилидан келиб чиқиб, прокуратура органларида аналитик фаолиятни шаклланиш жараёнини шартли равишда уч босқичга бўлиш мумкин:

²⁴ Каранг. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни. www.lex.uz. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.

- биринчи босқич – 1992-2003 йиллар;
- иккинчи босқич – 2004-2013 йиллар;
- учинчи босқич – 2014-2019 йиллар.

Буйруқлар мазмунини контент таҳлил қилиш натижаларига кўра айтиш мумкинки, “таҳлил” тушунчаси прокуратура органлари фаолиятида Ўзбекистон прокуратураси илк ташкил этилган йиллардаёқ мавжуд бўлган.

Мисол учун, 02.04.1993 йилги 1-сонли “Прокуратура органларининг ҳуқук тарғиботи, қонунларни тушунтириш ва ўз фаолиятига ошкоралик бериш юзасидан вазифалари ҳақида”ги буйруқда Бош прокуратуранинг Ҳуқук тарғибот ва қонунларни мужассамлаш бўлими ушбу тармоқнинг жойлардаги бўғинлари қонунларни тушунтириш ва ҳуқук тарғиботи бўйича қуий прокуратура олиб бораётган ишларни муңтазам текшириб, *таҳлил қилиб*, амалий ёрдам кўрсатиб бориши ҳақидаги қоида мавжуд бўлган.

Ёки, 28.09.1994 йилги 17-сонли “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг бажарилиши юзасидан прокурорлик назоратини янада кучайтириш тўғрисида”ги буйруқда прокуратура органларида ҳар ярим йилда фуқароларнинг мурожаатлари *таҳлил қилиниб, умумлаштирилиши*, унинг натижалари ҳайъат мажлислари ва тезкор йилишларда кўрилишига доир талаб акс этган.

28.05.1997 йилги “Қонун устуворлигини таъминлашда прокуратура идораларининг умумий назорат фаолиятини ташкил этиш, унинг сифат ва самарадорлигини ошириш ҳақида”ги 4-сон буйруқда эса, “...ҳар ҳисобот даврининг бошида текширув-назорат (контрол), иқтисодиёт ва статистика ҳамда бошқа идоралардан қонунчилик ҳақидаги маълумотларни олиш ва ёзма равиида *таҳлил қилиб, улардан назорат фаолиятини режалаштиришида фойдаланиши*” лозимлиги кўрсатилган.

Шунингдек, 04.11.1998 йилги 10-сон ҳайъат қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими ҳақида”ги Низомда бўлим ўз фаолиятида прокуратуранинг ролини кучайтиришга қаратилган барча *ташкилий ва таҳлилий тадбирларни амалга ошириши*; ҳисобот маълумотлари, ахборотларни, судларда фуқаролик ишлари кўрилишида юридик шахс ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш *амалиётини ўрганиб, таҳлил қилиши ва умумлаштириши*; суд қарорлари устидан тушган ариза ва шикоятлар юзасидан чукур текширув ўтказиб, қонуний ҳал этилишини таъминлаб, *уларни таҳлил қилиб, аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари бўйича прокурор таъсир чораларини кўриши* лозимлиги белгиланган.

Юқорида баён этилган ҳолатларда “таҳлил” тушунчаси остида алоҳида бир таҳлилий фаолият эмас, балки маълумотларни (фактларни) таҳлил қилган ҳолда жамлаш ва умумлаштиришга доир ақлий жараён тушунилган.

Шунга кўра, айтиш мумкинки 1993-2003 йилларни ўз ичига олган прокуратура органларида аналитик фаолиятни илк шаклланиш босқичида “таҳлил” жараёни аналитик фаолиятнинг бир қисми - “синтез” (умумлаштириш) сифатида намоён бўлган.

2004 йилнинг 11 марта Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 3406-сонли Фармонини қабул қилиниши, прокуратура органлари фаолиятини ташкил этишда, шу жумладан аналитик фаолиятни ривожланишида янги даврни бошлаб берди.

Мазкур Фармон асосида прокуратура органларининг янги тузилмаси тасдиқланиб, унга кўра айrim таркибий тармоқлар тугатилди ва янгилари ташкил этилди.

Хусусан, «Умумий назорат бошқармаси» тугатилиб, унинг негизида «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси» ҳамда «Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими» тузилди.

«Қуролли кучлар, маҳсус тартибли корхоналар ва транспортда қонунларга риоя қилиниши устидан назорат бўлими» ва «Миллий хавфсизлик хизмати идораларида қонунлар ижроси устидан назорат бўлими» бирлаштирилиб, «Қуролли кучлар, миллий хавфсизлик ва божхона органларида қонунларнинг ижроси устидан назорат бошқармаси» сифатида қайта ташкил этилди.

«Давлат божхона ва солиқ қўмиталари идораларида суриштирув ҳамда тергов устидан назорат бўлими» тугатилиб, «Солиқка оид қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими» юзага келган.

«Қамоққа олинганларни сақлаш ва жазони ижро этиш жойларида қонунларга риоя этилиши устидан прокурор назорат бўлими» эса, «Суд қарорларини ижро этишда ва қамоққа олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан назорат бошқармаси» сифатида қайта тузилди.

Фармон асосида Бош прокуратура тизимидағи жами 7 та тармоқ тугатилиб, янгилари ташкил этиши ҳамда 7 та тармоқни қайта номланиши²⁵, ўз навбатида, тизимда мавжуд тармоқларнинг фаолият предмети ва вазифаларини янгитдан кўриб чиқишни тақозо этди.

Шу аснода, тармоқлар ишини ташкил этишга доир низомлар ва соҳавий фаолиятни тартибга солишга доир буйруқлар янгиланди. Ушбу янгиланган соҳавий буйруқлар ва тармоқлар фаолиятига доир низомларда “соҳавий фаолиятни таҳлил қилиш”, “таҳлилий хужжатларни тайёрлаш”, “қонунлар ижросини мониторинг қилиш”, “қонунийлик ҳолати таҳлили”, “жиноятчилик аҳволи таҳлили” каби тушунчалар ўз аксини топди.

Бош прокуратурада Ахборот-таҳлил бўлимнинг ташкил этилиши

Иккинчи босқичдаги энг эътиборли ҳолат, Президентнинг 31.05.2005 йилги «Давлат вазирликлари, қўмиталари, ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ахборот-таҳлилот хизматлари фаолиятининг самарадорлигини оширишни ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори²⁶ ҳамда Бош прокурорнинг 27.06.2005 йилги 46-сон буйруғи асосида Прокуратура органларида терговни назорат қилиш бошқармаси таркибида «Ахборот-таҳлил бўлими» ташкил этилиши бўлди.

Мазкур бўлимнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қўйидагилар белгиланди:

- диний экстремизм, терроризм, наркотрафик кўринишларига, шунингдек, давлатнинг конституциявий тузумига тажовуз қилиш билан боғлиқ ўта оғир жиноятларга қарши курашишга бевосита масъул бўлган органлар фаолиятини мунтазам таҳлил қилиш (бу йўналишда прокурор назоратининг таъминланиши юзасидан амалга оширилган ишларга доир маълумотларни жамлаш, ягона тизимга солиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш) ва унинг самарасини ошириш бўйича таклифлар, тавсиялар тайёрлаш;
- мамлакатнинг худудий яхлитлиги, конституциявий тузуми, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва ахборот хавфсизлигига таҳдид солувчи маълумотларни жамлаш, тартибга солиш ва таҳлил қилишда қатнашиш;

²⁵ Бош прокурорнинг 12.03.2004 йилги 1-сонли “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларининг айrim таркибий тузилмаларини тугатиш ва қайta ташкил этиш тўғрисидаги буйруғи.

²⁶ Қаранг. www.lex.uz. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.

- мамлакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ташкилий-ҳуқуқий ва профилактика тадбирлари самарадорлигини таҳлил қилиш, уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишида қатнашиш;
- мамлакатдаги криминоген вазиятни таҳлил қилган ҳолда ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштиришга ҳаракат қилаётган ташқи ва ички кучларнинг мақсад ва режаларини ўз вақтида фош этишга йўналтирилган чора-тадбирлар тўғрисида таклифлар киритиш;
- прокуратура органлари ахборот-таҳлил фаолиятининг жорий ва истиқбол Дастурларини ишлаб чиқади, бу фаолиятнинг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш;
- диний экстремизм, терроризм, сепаратизм, наркотрафик кўринишларига, шунингдек, давлатнинг конституциявий тузумига қарши ўта оғир жиноятларни тергов қилиш хусусиятлари, оператив маълумотлар билан ишлаш, ахборот-таҳлил ҳужжатларини тайёрлаш, тергов-тезкор ҳаракатлари билан боғлиқ маълумотларни жамлаш, фаолиятни мувофиқлаштириб боришга доир услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш ва бошқалар²⁷.

Айни вақтда мазкур бўлим Боз прокуратуранинг Ички ишлар органларида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси таркибида фаолият юритиб келмоқда.

Соҳалар кесимида оладиган бўлсак, 2004-2013 йиллар давомидаги прокуратура органларидаги фаолиятда таҳлилнинг қуидаги кўринишлари акс этди:

Соҳалар	Таҳлил кўринишлари
<i>Барча тармоқлар учун умумий</i>	<p><i>Тармоқлар Низомларига кўра:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> -...қонунийлик ахволи таҳлилларидан келиб чиқсан ҳолда ...ишларни режалаштириш -...амалга оширилган ишлар бўйича таҳлилий ҳужжатларни тайёрлаш -...зарурат туғилганда қуий прокуратуралардан таҳлилий ахборотлар талаб қилиб олиш
<i>6-тармоқ фаолиятида Кадрлар</i>	<p><i>29.06.2016 йилга қадар амалда бўлган Низомга кўра:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> -...ходимларни аттестациядан ўтказиш ишларини таҳлил қилиб, умумлаштириш <p><i>22.05.2007 йилга қадар амалда бўлган Аттестация комиссияси Низомига кўра:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> -...аттестация комиссияларининг фаолиятини таҳлил қилиб, умумлаштириш <p><i>Кадрлар заҳирасини шакллантиришига доир 102-сон буйруқка кўра:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> -...устувор вазифа сифатида ходимларда ахборот-таҳлил

²⁷ Боз прокурорнинг 27.06.2005 йилги 46-сон буйруғи билан тасдиқланган Ахборот-таҳлил бўлими Низоми.

	<p>кўнималарини ривожлантириш</p> <p>-...юқори ва кенг ҳажмли лавозимлар учун номзодларга қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот аҳволини таҳлил қила олиш, вазиятни тўғри таҳлил қила олиш талабини қўйиш</p> <p>-...кадрлар заҳирасини шакллантириш ишлари ҳар 6 ойда умумлаштириш</p>
7-тармоқ фаолиятида <i>Ташкилий-назорат ва таҳлилот</i>	<p><i>07.11.2017 йилга қадар амалда бўлган Низомга кўра:</i></p> <p>...прокуратура органлари фаолиятига доир таҳлилий хужжатлар тайёрлаш</p> <p>...таҳлилий хужжатларни таркибий тармоқлардан талаб қилиб олиб, ўрганиш</p> <p>...режа ва ижро интизомига риоя этилишини мунтазам таҳлил қилиш</p> <p>...прокурор назорати, жиноятчилик ҳамда тергов аҳволи юзасидан статистик ҳисоботларни жамлаш, юритиш ва таҳлил қилиш</p> <p>...Бош прокурор раҳбарлигидаги ишчи гурухлар... ишини таҳлил қилиш</p> <p><i>05.12.2017 йилга қадар амалда бўлган соҳавий буйруқقا асосан:</i></p> <p>...таркибий тармоқлар ва қўйи прокуратуralар фаолиятини мунтазам таҳлил қилиб бориш</p> <p>...қонунийлик ва жиноятчилик аҳволи, тергов ишлари ва прокурор назорати тўғрисидаги статистик ҳисоботларни мунтазам равишида таҳлил қилиб бориш</p> <p>...Департамент органларида ташкилий назоратни таъминлаш соҳасида амалга оширилган ишларни таҳлил қилиб бориш</p> <p><i>05.12.2017 йилга қадар амалда бўлган Регламентга кўра:</i></p> <p>...иш режасига асосан жойларга чиқишига тайёрланаётган ходимлар мавжуд статистика маълумотлари, қонунийлик ва жиноятчилик ҳамда прокурор назорати ҳолатини тавсифловчи бошқа хужжатларни таҳлил қилишлари</p> <p>...Президенти Девони, Олий Мажлис палаталари ҳамда Вазирлар Маҳкамасига юбориш учун таркибий тармоқлар томонидан тайёрланган ахборотлар, таҳлилий хужжатлар лойиҳаларини ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси билан келишилганидан сўнг раҳбариятга тақдим қилиш</p>
8-тармоқ фаолиятида <i>Инспекция</i>	<p><i>15.02.2013 йилга қадар амалда бўлган Низомга кўра:</i></p> <p>...инспекцияда амалга оширилган ишлар юзасидан таҳлилий хужжатларни тайёрлаш</p>
9-тармоқ фаолиятида <i>Вояга етмаганлар ҳақидаги қонулар ижроси устидан назорат</i>	<p><i>31.08.2017 йилга қадар амалда бўлган соҳавий буйруқقا кўра:</i></p> <p>...мажбуровлар чораларини қўллаган ҳолда жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод этилган, шартли равишида ҳукм қилинган ва озодликдан маҳрум қилиш жойларидан ҳамда ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан келган болаларни ўқишига ёки меҳнатга жалб қилинмаслик сабабларини таҳлил қилиш</p> <p>...вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги ва жиноятчилиги юзасидан таҳлилий хужжатларни тайёрлаш</p> <p>...судларга вояга етмаганларнинг манфаатларини ҳимоя қилишига доир аризалар киритиш амалиётини ўрганиб, таҳлилий хужжатларни тайёрлаш</p> <p><i>14.07.2011 йилга амалда бўлган соҳавий буйруқقا кўра:</i></p> <p>...соҳада қонунийлик ва жиноятчилик аҳволи мунтазам равища</p>

<p>10-тармок фаолиятида <i>Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жасамият ва давлат манбаатларини ҳимоя қилиши</i></p>	<p>урганиб, таҳлил қилиш</p> <p>10.11.2011 йилга қадар амалда бўлган Низомга кўра:</p> <ul style="list-style-type: none"> -...қонунларнинг бузилаётганлиги тўғрисидаги шикоятлар, бошқа маълумотлар, мониторинг ва таҳлиллар асосида текширишлар ташкил этиш -...қонунийлик ҳолати, прокурор назоратининг аҳволини мунтазам равишда таҳлил қилиш <p>10.11.2011 йилга қадар амалда бўлган соҳавий буйруқقا кўра:</p> <ul style="list-style-type: none"> -...ҳуқуқбузарликни келтириб чиқараётган сабаб ва шартшароитлар чуқур таҳлил этиш (чоралар кўриш мақсадида) <p>12.03.2015 йилга қадар амалда бўлган тадбиркорлик ҳуқуқларини ҳуқуқий ҳимоясига оид соҳавий буйруқcca кўра:</p> <ul style="list-style-type: none"> -...маҳаллий ҳокимиятлар, давлат бошқаруви, назорат-текширув ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манбаатларининг таъминланиши устидан мунтазам равишда мониторинг ўтказиш, бу йўналишдаги қонунийлик аҳволини ҳар ўн кунда таҳлил қилиш -...ҳудудда рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектлари... тўғрисидаги статистика ва бошқа маълумотларни таҳлил қилиш <p>10.11.2011 – 04.08.2014 йилларда амалда бўлган Низомга кўра:</p> <ul style="list-style-type: none"> -...<u>мониторинг</u> (прокурор назоратини амалга ошириш мақсадида маълумотларни тўплаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва баҳо бериш билан боғлиқ фаолият) ва <u>қонунийлик аҳволи таҳлили</u> (тегишли идора, ташкилот, давлат назорати ва бошқа тегишли органлардан олинган статистик ва бошқа маълумотлар, оммавий ахборот воситалари хабарлари, прокуратурада мавжуд материалларни умумлаштириш ва шу асосида қонунлар ижроси аҳволини таҳлил қилиш ва унга баҳо бериш) каби тушунчаларга таъриф берилди -...тармоқ бошлиғи қонунийлик ҳолати тўғрисидаги статистик ва бошқа маълумотларнинг тўпланиши ва таҳлил қилинишини ташкил этиши -...ўринбосар..қонунийлик ҳолати тўғрисидаги статистик ва бошқа маълумотларнинг тўпланиши ва таҳлил қилинишини таъминлаши -...бошқарма (katta) прокурорлари ҳар чорақда камида бир маротаба қонунийлик аҳволини таҳлил қилиб, умумлаштириши; кўлланган прокурор назорати ҳужжатларининг самарадорлигини таҳлил қилиши; бириктирилган ҳудудда қонунийлик ҳолатига доир статистик маълумотларни ҳар ярим йилда бир таҳлил қилиши ва умумлаштириши
<p>11-тармок фаолиятида <i>қишилоқ ҳўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши</i></p>	<p>07.11.2017 йилга қадар амалда бўлган соҳавий буйруқcca кўра:</p> <ul style="list-style-type: none"> - жойларда янгидан тузилган бўлимларни ахборот-таҳлилий маълумотлар билан таъминлаш -...текширув-назорат, иқтисодиёт ва статистика ҳамда бошқа идоралардан қонунийлик аҳволи ҳақидаги маълумотларни олиш, уларни ёзма равишда таҳлил қилиш, назорат фолиятини режалаштиришда фойдаланиш
<p>12-тармок фаолиятида <i>Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор</i></p>	<p>27.10.2017 йилга қадар амалда бўлган Низомга кўра:</p> <ul style="list-style-type: none"> -...соҳадаги қонунийлик аҳволи тўғрисидаги маълумотларни, ҳисобот кўрсаткичларини таҳлил қилиш -...қонунийликни таъминлаш ва одил судловни амалга

	<p>оширилишида прокуратура органларининг ролини кучайтиришга қаратилган ташкилий, услугбий ва таҳлилий тадбирларни амалга ошириш</p> <ul style="list-style-type: none"> -...суд-прокурор амалиётини мунтазам равища таҳлил қилиш, умумлаштириш -...келиб тушган ариза, шикоятларни кўриб чиқилиши ва ҳал этилишини таҳлил қилиш
<p>13-тармоқ фаолиятида <i>Хўжалик судларида ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаши</i></p>	<p><i>27.10.2017 йилга қадар амалда бўлган Низомга кўра:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> -...соҳадаги қонунийлик аҳволи тўғрисидаги маълумотларни, хисобот кўрсаткичларини таҳлил қилиш -... прокуратура органларининг ролини кучайтиришга қаратилган ташкилий, услугбий ва таҳлилий тадбирларни амалга ошириш -...суд-прокурор амалиётини мунтазам равища таҳлил қилиш, умумлаштириш -...келиб тушган ариза, шикоятларни кўриб чиқилиши ва ҳал этилишини таҳлил қилиш
<p>14-тармоқ фаолиятида <i>Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаши</i></p>	<p><i>27.10.2017 йилга қадар амалда бўлган Низомга кўра:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> -...прокуратура органларининг ролини кучайтиришга қаратилган ташкилий, услугбий ва таҳлилий тадбирларни амалга ошириш -...суд-прокурор амалиётини мунтазам равища таҳлил қилиш, умумлаштириш
<p>15-тармоқ фаолиятида <i>Прокуратура органларида терговни назорат қилиши</i></p>	<p><i>10.10.2005 йилга қадар амалда бўлган Низомга кўра:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> -...дастлабки тергов бўйича амалга оширилган ишлар хақидаги кўрсаткичларни мунтазам равища таҳлил қилиб бориш -...прокуратура..томонидан фуқароларни ушлаш, қамоқقا олиш ва бошқа процессуал мажбурлов чораларини қўллашда уларнинг ҳуқуқларига риоя этилиши устидан прокурорлик назорати аҳволини таҳлил қилиб, умумлаштириш <p><i>18.02.2011 йилга қадар амалда бўлган Низомга кўра:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> -...прокуратура органларининг тергови, мамлакатдаги жиноятчилик ҳолатига доир статистик ва тезкор маълумотларни таҳлил қилиш, умумлаштириш -...криминалистик техника ...аҳволини таҳлил қилиш <p><i>03.09.2014 йилга қадар амалда бўлган Низомга кўра:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> -...фаолият самарадорлигини ошириш юзасидан ташкилий-услубий ва ахборот-таҳлил ишларини юритиши -...соҳада прокурор назорати аҳволини таҳлил қилиб, умумлаштириш
<p>16-тармоқ фаолиятида <i>Ички ишлар вазирлиги органларида қонунлар ижроси устидан назорат</i></p>	<p><i>20.08.2014 йилга қадар амалда бўлган Низомга кўра:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> -...соҳа фаолиятини яхшилаш...ташкилий-услубий ва таҳлилий-ахборот тадбирларини амалга ошириш -...жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ариза ва хабарларни ўз вақтида рўйхатга олиниб, ҳал этилиши, терговолди текшируви, суриштирув, тергов ўтказилишида қонунда белгиланган процессуал талабларга риоя қилинишини ҳамда қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлигини умумлаштириш ва таҳлил қилиш -...тезкор-қидирув ҳаракатлари профилактик тадбирларнинг қонуний ва тўлиқ ўтказилишини мунтазам таҳлил қилиш -...ИИВ органлари томонидан фуқароларни ушлаш, қамоқقا олиш тарзидаги эҳтиёт чораси...ва бошқа процессуал мажбурлов

	<p>чораларини қўллашда ...хукуқларига риоя этилиши устидан прокурорлик назорати аҳволини таҳлил қилиб, умумлаштириш</p> <p><i>26.12.2014 йилга қадар амалда бўлган соҳавий буйруқقا кўра:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> -...жиноятчилик аҳволини мунтазам таҳлил қилиш -...айбланувчиларнинг тергов ва суддан қочиб яширинишига имкон берган сабаб ва шароитлар чуқур таҳлил қилиш -...жиноят ишларини қўшимча терговга қайтарилган ҳолатларни ҳар ярим йилда чуқур таҳлил қилиш <p><i>10.12.2004-22.11.2017 йилларда амалда бўлган 35-сонли буйруқка кўра:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> -...гиёвандликка қарши курашиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириб, ишлар ҳар чоракда таҳлил этиш
17-тармоқ фаолиятида <i>Суд қарорларини ижро этишида ва қамоққа олингандарни саклашда қонунларга риоя этилиши устидан назорат</i>	<p><i>25.09.2017 йилга қадар амалда бўлган Низомга кўра:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> -...фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқишга доир таҳлилий-услубий ишларни амалга ошириш -...қонунларни ижроси ва қўлланилишини таҳлил қилиш ва умумлаштириш
18-тармоқ фаолиятида <i>Жиноятларни тергов қилиши бошқармаси</i>	<p><i>18.02.2011 й.гача амалда бўлган Низомга кўра:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> -...амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар ойда ҳисобот таҳлилий хужжатларни тайёрлаш
19-тармоқ фаолиятида <i>Жиноятчиликка қарши курашишини ташкилий-услубий таъминлаш</i>	<p><i>10.10.2005 йилга қадар амалда бўлган Низомга кўра:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> -...назорат самарадорлигини оширишга қаратилган ташкилий-услубий, таҳлилий-ахборот, назорат тадбирларини амалга ошириш -...жиноятчиликка қарши курашишини амалга оширадиган органлар фаолиятини таҳлил қилиш ва умумлаштириш -...тергов ва суриштирув устидан прокурор назорати, тергов ва жиноятчилик ҳолати ҳақидаги статистик ҳамда тезкор маълумотларни таҳлил қилиш, умумлаштириш
20-тармоқ фаолиятида <i>Куролли кучлар, миллий хавфсизлик хизмати ва божхона органларида қонунлар ижроси устидан назорат</i>	<p><i>16.09.2014 йилга қадар амалда бўлган Низомга кўра:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> -...соҳадаги қонунчилик аҳволи тўғрисидаги маълумотларни, ҳисобот кўрсаткичларини таҳлил қилиш -...фуқароларнинг ариза ва шикоятларини таҳлил этиш <p><i>16.09.2014 йилга қадар амалда бўлган соҳавий буйруқقا кўра:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> -...ҳарбий қисмлардаги қонунчилик аҳволини мунтазам таҳлил қилиш
21-тармоқ фаолиятида <i>Иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш</i>	<p><i>20.08.2014 йилга қадар амалда бўлган Низомга кўра:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> -...қўйи бўлимлар томонидан амалга оширилган ишлар кўрсаткичларини мунтазам таҳлил қилиш -...ҳисоботларни юритиш, умумлаштириш, жамлаш, таҳлил қилиш
22-тармоқ фаолиятида <i>Қонунчилик тарғиботи бўлими</i>	<p><i>15.08.2014 йилга қадар амалда бўлган Низомга кўра:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> -..тарғиботнинг сифати, самарадорлиги, қонунийлик ҳолатига таъсирини ўрганиб, таҳлил қилиш <p><i>12.09.2017 йилга қадар амалда бўлган соҳавий буйруқقا кўра:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> -...таҳлилий ва танқидий чиқишларга кўпроқ эътибор қаратиш -...тарғиботнинг сифати, самарадорлиги ва қонунийлик ҳолатига таъсири таҳлил қилиш

<p>23-тармок фаолиятида <i>Солиққа оид қонунчилек ижроси устидан назорат бұлыми</i></p>	<p><i>22.05.2007 ыилга қадар амалда бүлгап соғавий буйруққа күра:</i> -...соҳада амалга оширилган ишларни таҳлил этиш фаолиятта доир зарур маълумотлар ва бошқа таҳлилий хужжатларни олиш</p>
<p>24-тармок фаолиятида <i>Фуқаролар мурожсаатлари ва ҳатлар бұлыми</i></p>	<p><i>25.09.2017 ыилга қадар амалда бүлгап Низомга күра:</i> -...соҳада прокурор назорати ахволини таҳлил қилиб, умумлаштириш</p>
<p>26-тармок фаолиятида <i>Халқаро-хуқуқий бұлыми</i></p>	<p><i>28.10.2017 ыилга қадар амалда бүлгап Низомга күра:</i> -...соҳада прокурор назорати амалиётини таҳлил қилиб, умумлаштириш</p>
<p>27-тармок фаолиятида <i>Молия-иқтисод бұлыми</i></p>	<p><i>03.11.2017 ыилга қадар амалда бүлгап Низомга күра:</i> -...амалга оширилган ишлар юзасидан таҳлилий ҳисобот хужжатларини тайёрлаш -...молиявий ҳисботларни таҳлил қилиб, умумлаштириш, иқтисодий таҳлилларни қилиш</p>
<p>30-тармок фаолиятида <i>Олий ўқыукурслари</i></p>	<p><i>31.05.2018 ыилга қадар амалда бүлгап ОҮК Низомига күра:</i> -...ахборот-таҳлилий ишнинг кўникмаларини ривожлантириш -...прокурор-тергов ва суд амалиётини таҳлил қилиш</p>

Мазкур жадвалли таҳлил асосида айтиш мумкинки, 2004-2013 йилларни ўз ичига олган прокуратура органларида аналитик фаолиятни шаклланишининг иккинчи босқичи тизимдаги таҳлилий ишнинг асосий ўйналишларини белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 24 июлдаги «Қонунчилек ижросини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4636-сонли Фармони прокуратура органлари таҳлилий фаолиятида яна бир янги даврни бошланишига туртки бўлиб хизмат қилди.

Мазкур Фармонга мувофиқ, Бош прокурорнинг 25.07.2014 йилги 108 ва 109-сон буйруқлари асосида Бош прокуратурада Хуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларда қонунчилек ижроси устидан назорат, Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда жойлардаги ижро ҳокимияти органларида қонунчилек ижроси устидан назорат, Инсон хуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан назорат ҳамда Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчилек ижроси устидан назорат каби бошқармаларни ўз ичига олган Қонунчилек ижроси устидан назорат Бош бошқармаси ташкил этилди. Ўз навбатида, худудий прокуратураларнинг тузилиши ҳам шунга мувофиқлаштирилди.

2014 йилнинг иккинчи ярмидан то 2019 йилнинг иккинчи ярмига қадар бўлгап даврда прокуратура органларининг таркибий тузилмасида (шу жумладан, штатлар жадвалида) тўрт марта жиддий ўзгаришлар рўй берди,

марказий маҳкама таркибидаги тармоқлар 25 тадан 38 тага қадар, хусусан, “10” индексига доир тармоқлар 9тага қадар кўпайди²⁸.

Оқибатида, мамалакат прокуратураси тарихида 2004-2013 йилларда қабул қилинган буйруқлар сони 105 тани ташкил этган бўлса, 2014 йилнинг иккинчи ярмидан то 2019 йилнинг 2-ярмигача бўлган беш йиллик даврда улар сони 108 тадан иборат бўлди.

Хусусан, “10” индексидаги тармоқ фаолиятига доир 22.06.2004 йилдаги 25-сонли соҳавий буйруқ 2011 йилнинг ноябрь ойи, 2015 йилнинг март ойи ва 2017 йилнинг ноябрь ойларида қарийиб уч марта янгитдан қабул қилинди.

Прокуратура органларида терговни назорат қилиш бошқармаси фаолиятига доир 23.04.2004 йилги 15-сон буйруқ билан тасдиқланган Низом эса тўрт марта яъни 2005 йил октябрь, 2011 йил февраль, 2014 йил сентябрь ва 2017 йил ноябрь ойларида қайта янгиланди.

Бош прокуратурада Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш муаммоларини таҳлил қилиш бошқармасининг ташкил этилиши

Прокуратура органларида аналитик фаолиятга доир катта қадамлардан бири – 2017 йил апрель ойида Бош прокуратурада Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш муаммоларини таҳлил қилиш бошқармасининг ташкил этилиши бўлди.

Мазкур бошқарма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сонли Қарори ижросини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш омилларини тизимли таҳлил қилинишини ташкил этиш мақсадида тузилди.

Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш муаммоларини таҳлил қилиш бошқармасининг асосий вазифаси этиб қуидагилар белгиланди:

– ҳуқуқбузарликлар содир этилиш сабаб ва шарт-шароитларининг, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашга таъсир этувчи омилларнинг, айниқса ҳуқуқбузарликларнинг салбий динамикаси кузатилган соҳаларда тизимли таҳлилни ташкил этиш ва амалга ошириш;

– Бош прокуратуранинг бошқа таркибий тармоқлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига олиб келаётган сабаб ва шарт-шароитларни барҳам топтиришга қаратилган таъсирчан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

²⁸ Изоҳ: Бош прокурорнинг 1992-2019 йиллардаги буйруқлари таҳлили асосида

– хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини тизимли ҳамда танқидий таҳлил қилиш;

– қонунийлик ва хуқуқ-тартиботни таъминлаш, хуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятчиликка қарши курашишнинг замонавий усул ва шаклларини жорий этиш ҳамда бошқалар²⁹.

Бошқарма томонидан олдига қўйилган вазифаларни самарали бажарилишини таъминлаш мақсадида унинг таркибида ахборот-таҳлил ва методик таъминлаш, суд-хуқуқ соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш, давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш ҳамда ижтимоий-иктисодий соҳадаги қонунчиликни таҳлил қилиш шўйбалари ташкил этилди, шунингдек, ажратилган 22 та штат бирлигига тажрибали юристлар билан бирга иктисодчи, социолог каби турли соҳалардаги малакали мутахассислар қабул қилинди.

Бош прокуратурада жиноий-хуқуқий таҳлилни такомиллаштириши юзасидан тегишили тузилмаларни ташкил этилиши

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 октябрдаги ПФ-5566-сон Фармонига мувофиқ 2018 йил 1 декабридан бошлаб жиноятлар, уларни содир этган шахслар ва жиноят ишлари ҳаракатланишининг ягона электрон ҳисобини юритиш Бош прокуратура томонидан амалга оширилиши белгиланди.

Фармонда мазкур ислоҳотдан кўзланган мақсад - жиноий-хуқуқий статистика тизимини такомиллаштириш, жиноятлар ҳисобини юритишнинг шаффоғлигини таъминлаш, уларнинг содир этилиши сабабларини мақсадли таҳлил қилиш йўли билан жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини оширишдан иборат эканлиги кўрсатиб ўтилди³⁰.

Мазкур Фармон асосида Бош прокуратура тизимида аналитик фаолиятга бевосита алоқадор бўлган иккита тузилма ташкил этилди. Буларнинг:

бири, Бош прокуратурада Жиноий-хуқуқий статистика бошқармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратураларида жиноий-хуқуқий статистика бўлимлари бўлса;

иккинчиси, Бош прокуратура Академияси қошида Жиноятларнинг содир этилиши сабабларини тизимли таҳлил қилиш ва ўрганиш марказидир.

Фармонга кўра муқаддам ИИВ таркибида бўлган Ахборот маркази ва унинг худудий бўлинмалари тугатилиб, жиноят ишларининг ҳисобини

²⁹ Каранг. www.lex.uz. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.

³⁰ Каранг. www.lex.uz. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.

юритишнинг янгича электрон шакли 2019 йил 10 январидан синов тариқасида, 1 мартадан тўлиғича ишга туширилди.

Бош прокуратура тизимидағи Жиноий-ҳуқуқий статистика бошқармаси ва унинг қуйи прокуратуралардаги бўлимлари зиммасига қуидаги вазифалар юклатилди:

- жиноий-ҳуқуқий статистика маълумотларини йиғиш, умумлаштириш, юритиш, қайта ишлаш, тўплаш ва тақдим этиш;
- жиноий-ҳуқуқий статистика соҳасида қонунийликка риоя этилиши ҳамда Ягона ахборот тизимиға киритилаётган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги устидан назорат қилиш;
- жиноятчилик ҳолатининг, шу жумладан, ҳудудлар кесимида ва жиноят турларига кўра статистик таҳлилини олиб бориш.

Бош прокуратура Академияси қошидаги Жиноятларнинг содир этилиши сабабларини тизимли таҳлил қилиш ва ўрганиш маркази эса қуидаги вазифаларни амалга ошириш учун масъул этиб белгиланди:

- жиноятлар содир этилишининг сабаб ва шароитларини ўрганиш ҳамда диагностика қилиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, шу жумладан, алоҳида турдаги жиноятларнинг олдини олиш ҳолатини таҳлил қилиш;
- жиноятчилик аҳволи ўзгаришларини криминологик прогноз қилиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини методологик ва консультатив таъминлаш;
- ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг ижро этилишини мониторинг қилиб бориш;
- жиноят турлари, жиноятчи ва жабрланувчиларнинг шахси бўйича илмий-амалий изланишлар олиб бориш.

Фармон талабларидан келиб чиқиб, 2018 йил 30 декабрда Бош прокуратура, Олий суд, ДХХ, ИИВ ва БҚ ўртасида Қўшма Қарор имзоланиб, у билан “Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика” ягона ахборот тизимини юритиш тартиби тўғрисида Низом ҳамда жиноятчилик ҳолатини акс эттирувчи ҳисобот шакллари тасдиқланди.

Ўтган вақт давомида бошқарма томонидан нафақат жиноятлар ҳисобини юритишнинг шаффоф тизими, балки жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни рўйхатга олиш ва ҳал этилиш жараёнини қайд этадиган электрон тизим ҳам ишга туширилди.

Академия қошидаги Марказ томонидан эса, жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш, унинг асл сабабларни бартараф этишга ҳамда жамоат

хавфсизлигини таъминлашга хизмат қиладиган бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан³¹:

– туман (шаҳар)ларда жиноятчилик содир этилиши сабабларини тизимли таҳлил қилиш бўйича эксперт-таҳлил гурӯхлари ташкил этилиб, улар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш йўлга қўйилди;

– фуқаролар билан ички ишлар органлари ходимлари ўртасида ўзаро алоқа ва профилактика инспекторининг фаолиятига баҳо беришнинг кулай ва инновацион шакли - «Хавфсиз худуд» мобиљ электрон иловаси ишлаб чиқилиб, 2019 йил март ойидан тажриба асосида Тошкент шаҳрида ишга туширилди ва кейинчалик Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа худудларда ишга тушириш режалаштирилди;

– ҳуқуқбузарлик профилактикаси субъектлари ўртасида ахборот алмашиш, шахсни профилактик ҳисобга олиш, профилактик тадбирларни ўtkазиш бўйича вазифаларни тақсимлаш, мониторинг ва назорат ўрнатиш имкониятини берадиган ягона интеграциялашган «Профинспектор» электрон портали синов тариқасида Нукус ва Хўжайли туманлари ҳамда Нукус шаҳрида ишга тушди;

– профилактика инспекторларига иш фаолиятлари давомида учрайдиган муаммолар, тушунмовчиликларни ҳал қилишда юридик маслаҳат берувчи форум чат ишлаб чиқилиб, профилактика инспекторлари учун фаолиятларида тўқнаш келган масалалар юзасидан ИИВ Академияси ва Бosh прокуратура Академиясининг малакали ходимларига савол йўллаш ҳамда мукаммал жавобларни олиш имконияти яратилди.

Прокуратура органларида аналитик фаолиятни шаклланишининг учинчи босқичи тизимда нафақат янги аналитик тузилмаларни юзага келиши, балки янгиланган қатор соҳавий буйруқлар ҳамда тармоқлар фаолиятига доир низомларда прокурор фаолиятининг предметини ташкил этган масалалар юзасидан тизимли таҳлиллар олиб бориш, яъни тизимли таҳлил услугига асосланган таҳлилларни амалга оширишга доир талабларни тўғридан-тўғри кўрсатилиши билан характерли бўлди.

Прокуратура органлари фаолиятида мавжуд таҳлилий ҳужжатлар. Бosh прокурорнинг 05.12.2017 йилги 172-сон буйруғи билан тасдиқланган Бosh прокуратура Регламентига кўра, хизмат ҳужжатлари қуидаги тўрт турга бўлинади:

– ташкилий-бошқарув йўналишидаги ҳужжатлар (буйруқ ва у билан тасдиқланган низом, йўриқнома, тартиб кабилар, фармойиш)

³¹Марказ нашри. Қорақалпоғистон Республикасида жиноятчиликка қарши қураш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида жорий этилган ўзига хос тажриба ва янги методика.2019 й.

- умуммажбурий ҳужжатлар (топширик, күрсатма, танбех)
- ахборот-услубий ва таҳлилий ҳужжатлар (йўналтирув хат, услугубий қўлланма, тавсиялар, ижобий ишни оммалаштиришга доир ҳужжатлар)
- ёзишма ҳужжатлар.

Гарчи, таҳлилий ҳужжатлар ахборот-услубий ҳужжатлар билан бир қаторда берилсада, улар бир-биридан мазмуни ва тузилиши жиҳатидан фарқ қиласди.

Услубий ҳужжатлар деганда, одатда, муайян бир фаолият ёки жараённи амалга ошириш услублари тавсия этилаётган ҳужжатлар тушунилиб, улар йўналтирувчи характерда бўлади.

Таҳлилий ҳужжатт дейилганда эса, таҳлилий фаолият, яъни воқеа ва жараёнларни улар билан боғлиқ муайян қарорлар қабул қилиш мақсадида ўрганиш ва тадқиқ этишга қаратилган фаолият натижалари бўйича тузилган ҳужжат тушунилади.

Прокуратура органларида таҳлилий ҳужжат турлари сифатида – умумлаштириш ва таҳлилий маълумотномаларни келтириб ўтиш мумкин.

Маълумки, умумлаштирув, яъни синтез жараёни аналитик циклнинг анализдан кейин турувчи муҳим босқичи ҳисобланади.

Прокуратура органларида таҳлилий иш яккадан умумийликка йўналтирилганлиги, яъни аввало фактларни тўплаш, сўнг уларни умумлаштиришда ифодаланиши боис, бу борада тузилган таҳлилий ҳужжат кўп ҳолларда умумлашма деб аталиб келинган.

Сиёсий соҳадаги таҳлилда эса, умумийликдан якка томон бориш методи кўп қўлланилади, яъни умумий ғоя – гипотеза илгари сурилади ва ушбу гипотезани тасдиқловчи ёки инкор этувчи маълумотлар, фактлар таҳлил қилинади. Шу боис, сиёсий аналитикада анализ ибораси кўп ишлатилади ва фаолият натижаси ҳам таҳлилий маълумотнома деб номланади.

Фикримизча, Бош прокуратура Регламентида таҳлилий ҳужжатларни услугубий ҳужжатлар туркумидан ажратиб кўрсатиш ҳамда таҳлилий ҳужжат турларига янада аниқлик киритиб кетиш, амалда бўлган Регламентга бу ҳақда ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Мазкур параграфда баён этилганларга мувофиқ айтиш мумкинки, ўтган қарийиб 28 йил давомида мустақил мамлакатимиз прокуратура органларида аналитик фаолият аввало ҳар бир йўналишдаги соҳавий фаолиятнинг таркибий элементи сифатида шаклланди, қолаверса, жиноий-хуқуқий таҳлил ва қонунийлик муаммоларини таҳлил этишга доир алоҳида тизимларга ҳам асос солинди.

Бироқ, прокуратура органларидаги аналитик фаолият стихияли кечганлиги, яъни тизимли ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда ташкил

этилмаганлиги боис ўзининг тўлиқ натижадорлигига эриша олмади, назаримизда.

Шундай бўлсада, бугунги кунда прокуратура органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида ундаги таҳлилий фаолиятни тизимли ва мақсадли ташкил этиш лозимлиги англаб етилди.

Ўйлаймизки, мазкур тадқиқот иши бу борадаги сайъ-ҳаракатларни янада жонлантириш ҳамда аналитик фаолият унумдорлигини оширишга хизмат қилувчи дастлабки қадамлардан бўлади.

П БОБ. ҲУҚУҚИЙ АНАЛИТИКАНИНГ ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИГА ХОС БҮЛГАН УСЛУБЛАРИ ВА АЙРИМ ТУРЛАРИГА ХОС ТЕХНОЛОГИЯЛАР

2.1.§ Прокуратура органлари фаолиятида қўллаш мумкин бўлган ҳуқуқий анализик услублар таҳлили.

Биз биринчи бобда анализиканинг моҳияти ва анализик фаолият кўринишларидан бири бўлган ҳуқуқий анализиканинг ўзига хосликлари, прокуратура органлари фаолиятида анализик фаолиятни шаклланишига доир масалаларни муҳокама этдик.

Ҳар қандай фаолият самарали кечиши учун унинг назарий асослари пухта ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Шу боис, мазкур бобда ҳуқуқий соҳадаги анализиканинг назарий масаларига, ушбу параграфда эса анализиканинг методологик асослари ва прокуратура органлари фаолиятида қўллаш мумкин бўлган таҳлил услубларига имкон қадар тўхталиб ўтамиз.

Илм-фан сингари, анализиканинг назарий асоси уч қисмдан иборат. Булар: методологик (услубий), ташкилий ва технологик қисмлар.³²

"Метод" сўзи юононча "métodos" сўзидан келиб чиқкан бўлиб, у "бирор нарсага йўл" маъносини англатади. Инглиз файласуфи Френсис Бекон методни гўёки саёҳатчи (олим) учун қоронғуликда йўлни ёритувчи чироққа ўхшатади ва у нотўғри йўлдан бориб, бирон-бир масалани ўрганишда муваффақият кутиш мумкин эмас деб ҳисоблайди.

Метод - бу билиш жараёнида асосланиш лозим бўлган тамойиллар, қоида ва талаблар, восита ва йўриқлар тизими бўлиб, унинг асосий мақсади объектни билиш ёки унга таъсир кўрсатиш жараёнини ташкил этиш ва тартибга солишдан иборат. Бошқа бир томондан метод – таҳлилчини интизомга чақириб, вақт ва меҳнатни тежайди, ишончли натижаларни олишга имкон беради.³³

Методология сўзи эса - "метод" ва "логос" сўзларининг йигиндиси бўлиб, фаолиятни ташкил этилиши учун зарур усул ва воситалар ҳақидаги таълимот маъносини англатади.³⁴

Методика эса, - тадқиқот усуллари, уларни қўллаш тартиби ва улар ёрдамида олинган натижаларни изоҳлаш мажмуидир.³⁵

³²В.Ю.Курносов. П.Ю.Конопотов. Аналитика: методология, технология и организация информационно-аналитической работы.-Москва.Русаки.2004. 43-б.

³³ Н.Ф.Федотова ва бошқалар. Учебная и исследовательская работа журналиста. 2010. 55б.

³⁴ Ю.В.Курносов. «Азбука аналитики»: РУСАКИ; Москва; 2013. 39-б.

³⁵И.Н.Кузнецов.Учебник по информационно-аналитической работе.Информация: сбор, защита, анализ. М., ООО Изд. Язуа, 2001. 10-б.

Моҳиятан методика – тадқиқот модели бўлиб, таҳлил жараёнининг ҳар бир босқичи учун муайян усуллар тўпламини ўзида акс этиради.

Пухта ўйланган методика, яъни услубият аналитик фаолиятни самарали ташкил этиш, асослантирилган хуносаларни чиқариш учун замин бўлади.

Услубиятда энг устувор масала – фикрлаш технологияси, аниқроғи, илмий ёндашувдир.

Маълумки илм-фанда масалага концептуал ёндашувнинг 30 дан ортиқ кўриниши бор. Булар жумласига - тизимли ёндашув; онтологик (объектив) ёндашув; гносеологик (субъектив); синергетик (ўзаро мувофиқлик асосидаги) ёндашув; тарихий ёндашув; мантикий ёндашув; таҳлилий ёндашув; фалсафий ёндашув; социологик ёндашув; диалектик ёндашув; морфологик (шаклий) ёндашув; эҳтимолли-статистик ёндашув; семиотик (белгили) ёки коммуникатив ёндашув; муаммоли-мақсадли ёндашув; интуитив ёндашув; психологик ёндашув; аксиологик (қадрият нуқтаи назаридан) ёндашув; холистик (интеграл) ёндашув; алгебраик ёндашув кабиларни киритиш мумкин.

Хуқуқий соҳадаги аналитика учун мазкур ёндашувларнинг - тизимли, онтологик, гнесеологик, тарихий, эҳтимолли-статистик, муаммоли-мақсадли ва таҳлилий-қиёсий ёндашув кабилари қўл келади.

Тизимли ёндашув хуқуқий соҳадаги аналитиканинг ядроси сифатида

Тизимли ёндашув – шундай ёндашувки, унга кўра борлиқдаги барча нарсалар ўзаро боғлиқликда ривожланади. Борлиқ тизимлардан ташкил топиб, ҳар бир тизим ўзидан юқори турувчи катта тизимга ва қуи турувчи кичик тизим(лар)дан иборат бўлади.

Муайян тизимга ташқаридан киритилган ўзгартириш, бутун борлиқка муайян таъсир кўрсатади. Жумладан, ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб Орол денгизига қуйилувчи Амударё ва Сирдарёнинг сувларидан худудларни ободонлаштириш ва сугориш жараёнида оқилона фойдаланмаслик охир-оқибат Орол денгизининг бугунги аячли сабаб бўлганлиги барчамизга аёндир.

Шу каби, АҚШ Аризона Штатининг Кейбаб адирлигига камайиб кетаётган 10 000га яқин кийикларни кўпайтириш мақсадида у ердаги бўриларни қириб юборишади. Оқибатида кийиклар 50 000га қадар кўпайиб, адирликдаги ўсимликларни етишмаслигидан очарчиликка юз тутишади дарахтларни пўстлоғигача еб ташалашади). Натижада 10 000га кийиклар нобуд бўлади, яшил табиатга зиён етади.³⁶

³⁵ www.animalkingdom.su/books/item

Қуидаги қонуниятларга тұғри тушуниб олиш тизимли ёндашувнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади:

- бугунги муаммолар, кечаги хатоларнинг натижаси ҳисобланали;
- бизимга ташқаридан қанчалар күч билан ўзгартыриш киритишга уринсак, у бизга шунчалар кучли қайта таъсир күрсатади;
- тизимли киритилган ижобий ўзгартышилар, аввал, салбий оқибатларга, кейинроқ, асталик билан ижобий натижаларга олиб келади;
- тизимни такомиллаштиришга доир одатий (энг оддий) чоралар ҳеч нарсаны ўзгартирмайды, аввалги ҳолатни келтириб чиқаради;
- баъзан тизимни “соғломлаштириш” (даволаш), ундаги иллатлар (касалликлар)дан ҳам ёмон бўлиши мумкин;
- тизимга тез таъсир қилиш дегани, аслида жуда секин дегани, айниқса, мураккаб тизимларга нисбатан тезкор ҳаракатларни амалга оширсак, у тизим фаолиятини узоқ вақт издан чиқишига сабаб бўлади;
- сабаб ва оқибат бир вақтда ва бир маконда юз бериши мумкин эмас, улар бир-биридан айри ҳолатда юз беради;
- бир ердаги кичик ўзгаришилар, бошқа вақтда бошқа маконда катта натижаларни келтириб чиқариши мумкин;
- бир ҳаракат бир-бирини истисно қилувчи 2 та бир хил оқибатни келтириб чиқариши мумкин эмас³⁷.

Услубиятда принциплар ҳам муҳим роль ўйнайды. Қолаверса, принциплар ҳар қандай фаолиятнинг илмий-аҳлоқий доирасини, кези келганда чегарасини белгилаб беради.

Аналитиканинг хусусан, хуқуқий соҳадаги аналитиканинг принциплари сифатида қўйидагиларни санаб ўтиш лозим³⁸:

- борлиқни адекват қабул қилиш (онгли рефлексия);
- комплекслилик (бутунлик, яхлитлик);
- тизимлилик;
- предметли тақсимланиш;
- муаммони аниқлаш;
- ўзаро боғликлықда ривожланиш;
- функционаллик;
- детерминизм;
- муҳим алоқаларни аниқлаш;
- шакл ва мазмун бирлиги;

³⁷Ю.В.Ямашкин. О.А.Новокрещенова. Системный подход к организации. Учебное пособие – Москва.:Саранск. 2016

³⁸Ю.В.Курносов. «Азбука аналитики»: РУСАКИ; Москва; 2013. -34 бет

- сон ва сифат хусусиятларининг бирлиги;
- назария ва амалиёт бирлиги.

Ушбу принципларнинг барчаси прокуратура органларидағи аналитик фаолият учун зарур бўлсада, улар орасида детерминизм принципи алоҳида аҳамият касб этади.

Детерминизм (лот. determine - аниқлайман) — барча воқеликларни ўзаро объектив боғлиқлилик қонуниятлари ва сабабиятларини ўрганишга қаратилган таълимот бўлиб, воқеа-ходисалар ўртасидаги барча шаклдаги сабабий ва функционал боғлиқлик детерминизм тушунчаси остида бирлашади.

Энди бевосита усуллар ҳақида сўз юритадиган бўлсак, илм-фандаги барча методларни, шу жумладан прокуратура органларидағи аналитик фаолиятда ҳам қўллаш мумкин бўлган методларини шартли равишда З гурухга бўлиш мумкин³⁹:

- умумфалсафий ёки умуммантиқий усуллар (анализ ва синтез, индукция ва дедукция, абстракция, аналогия, структуравий ва тизимли усуллар);
- умумилмий усуллар (кузатиш, эксперимент, таққослаш, тавсифлаш, ўлчаш, расмийлаштириш усули);
- технологик ёки маҳсус усуллар (статистик, математик, социологик, психологик ва бошқа усуллар).

Умумфалсафий ёки умуммантиқий усуллар фикрлаш ва тафаккур усуллари деб ҳам аталади. Улар нафақат илм-фанга, балки тафаккур субъекти бўлган умумбашариятга хослиги ҳамда алоҳида ёки бошқа методлар билан бир вақтда доимий қўлланилиб келиши билан характерланади.

Анализ – объектни ҳар томонлама ўрганиш мақсадида унинг таркибий қисмларига реал ёки фаразан бўлиш бўлиб, у орқали объект қандай қисмлардан (элементлардан) иборат эканлиги, унинг қисмлари (элементлари) ўртасида қандай боғланиш ва ўзаро алоқалар мавжудлиги, бу қисмларнинг (элементларнинг) асосий хоссалари ва хусусиятлари ҳамда функциялари аникланади.

Анализ деярли ҳар доим *синтез* билан бирга бажарилади. Синтез объектнинг олдиндан танланган қисмларини бир бутунликка қўшилиши бўлиб, у ўрганилаётган объектнинг яхлитлиги гояси сифатида доимо мавжуд бўлади.

Абстракция – онгли равиша тасаввурда ўрганилаётган объектнинг моделини яратиш усули бўлиб, объектни тушуниш ва тавсифлашга ёрдам

³⁹ Н.Ф.Федотова и др. Учебная и исследовательская работа журналиста. 2010. 55-56 б.

беради.

Индукция – лотинча “*inductio* - олиб кириш” маъносини англатиб, унда умумий хулоса хусусий фикрлар асосида шакллантирилади. Индукция тажриба, кузатиш, эксперимент орқали юзага келади. Унда биз воқеликка юзланиб, қизиқтирган масала юзасидан фактлар тўплаймиз. Сўнгра бу фактлар (далиллар)ни таҳлил қилиш орқали ўрганилаётган ўхшаш ҳодисалар қаторининг умумий ва тақорорланувчи хусусиятларини белгилаймиз ҳамда умумий хусусиятлар ҳодисалар гуруҳига тўлиқ мансублиги ҳақида индуктив хулоса чиқарамиз⁴⁰.

Индукция усулини қўллашни ilk бор XVII асрнинг инглиз файласуфи Френсис Бекон таклиф қилган. У Аристотелнинг "Органон"идан илҳомланиб, ўзининг "янги Органон" (1720) асарини ёзган. Агар Аристотел формал мантиқни билиш органони (юононча воситаси) деб ҳисоблаган бўлса, Бекон индукция усулини билиш воситаси сифатида эътироф қилган ва ҳақиқатни илоҳий матнлар ёки инсон онгидга эмас, балки эмпирик тажрибалар орқали аниқланишини таъкидлаб, "тажриба отаси" унвони олган⁴¹.

Дедукция – лотинча "deductio - олиб чиқиши" маъносини англатиб, умумий фикрдан хусусий характердаги фикрни ҳосил қилишда ифодаланади. Моҳиятан дедукция индукциянинг тескариси бўлсада, кўпинча бу икки усул бир-бирини тўлдиради, дедукциядаги умумий хулосалар индукция йўли билан ҳосил қилинади ҳамда ушбу умумий хулоса дедукция йўли билан индуктив фактлар асосида исботланади.

Шу ўринда, нима учун машхур детектив Шерлок Холмснинг методи кўринишидан индукцияни эслатсада, айнан дедуктив метод деб номланганлигига аниқлик киритиб кетсан.

Дедуктивлик соҳасида бой тажрибага эга бўлган маҳоратли Шерлок жиноий воқеа юз берган жойга борар экан, у ўша ердаги ҳолатни майда деталларигача кузатиб ва таҳлил қилиб, содир бўлган жиноятни, мисол учун қотилликни умумий фаразий суратини кўз олдига келтиради (дедуктив метод) ва ушбу фаразий суратда етишмаётган қисмлар – далилларни излашга тушади (индуктив метод). Шерлокнинг топқирлиги унинг дедуктив фаразидан келиб чиққанлиги боис – унинг методи дедуктив метод сифатида машхур бўлди ҳамда тезкор-кидирув фаолиятида эътибор қозонди.

Аналогия – грекчадан таржима қилинганда ўхшашлик ёки мувофиқлик деган маънони англатиб, унда муайян ўхшаш хусусиятларга эга объектлар бошқа хусусиятларига кўра ҳам ўхшашдир деб ҳисобланади. Ушбу методни

⁴⁰ <https://ru.m.wikipedia.org>

⁴¹ <https://ru.m.wikipedia.org>

“маълумдан номаълум томон юриш” деб ҳам атайдилар⁴².

Аналогия асосида хулоса тузиш кўп ҳолларда ҳақиқатга яқин бўлиши боис, ҳуқуқий соҳадаги анализикада ундан кенг фойдаланади, хатто, юриспруденциянинг қиёсий ҳуқуқшунослик деган соҳалари ҳам мавжуд.

Аналогия асосидаги хулосаларни ишончли бўлиши учун қуйидаги қоидаларга риоя қилиш лозим:

- 1)объектларни фақат уларнинг муҳим хусусиятларига кўра солишиши;
- 2)объектларнинг ташқи эмас, балки ички хусусиятларига эътибор бериш;

3)ўзаро ўхшаш хусусиятларнинг доира иложи борича кенг бўлиши;

4)нафақат ўхшашликлар, балки объективларнинг фарқли тарафларини ҳам инобатга олинниши⁴³.

Аналогияда фоиз усули кенг тарқалган усуллардан. Мисол учун, бир-бирига мутаносиб даврдаги жиноятчиликнинг ўсиш ёки пасайиш суратлари фоизларда баён этилади. Ушбу усулдан фойдаланиб асосида прокурор фаолияти ёки суд-тергов фаолиятини ёхуд ҳудудлардаги қонунийлик ахволини ҳам ўрганиш мумкин бўлади.

Умумилмий усуллар таҳлилчини қизиқтирган фактлар ҳақида бирламчи маълумотларни тўплашга имкон беради.

Шу билан бирга *кузатии* ва *эксперимент* усуллари тадқиқот вазиятини яратиш ва ўрганилаётган объектив интерактив муносабатини ҳосил қилиш учун, *тавсифлаш*, *таққослаш* ва ўлчаш каби усуллар маълумотларни структуралаш учун ҳам хизмат қиласди.

Кузатии – сезги аъзоларининг фаол ҳаракати ёрдамида теваракатрофдаги предмет, ҳодиса ва жараёнларни мақсадли идрок этиш бўлиб, унда кузатувчининг вазифаси ўрганилаётган объект ҳақида керакли маълумотлар тўпламини олиш ҳамда келгусида таҳлил қилиш учун қулай шаклда қайд этишдан иборат бўлади.

Эксперимент (лот. *тажриба*, *синов*) – ўрганилаётган жараённинг боришига фаол ва мақсадга мувофиқ аралашув, махсус яратилган ва назорат қилинадиган шароитларда воқеликни такрор ижро қилиш орқали унга ўзгартириш киритиш имкониятларини текширишда ифодаланади. Эксперимент давомида ўрганилаётган объективнинг асл ҳолини тиклаш ва сақлаб қолишига ҳаракат қилинади. Ҳар қандай экспериментнинг мақсади

⁴²И.Н.Кузнецов.Учебник по информационно-аналитической работе.Информация: сбор, защита, анализ. М., ООО Изд. Язуа, 2001. 44-б.

⁴³Ўша ерда.

ўрганилаётган жараённи назорат қилишнинг энг юқори даражасига эришишдан иборатдир⁴⁴.

Баён қилиши (тавсиф) – таҳлил натижаларини илм-фанда қўлланиладиган муайян белгили тизимлар (матн, схема, графика, жадвал, диаграмма, суратлар ва б.) ёрдамида қайд этиш усулидир. Баён қилиш тадқиқот обьектини тушунтириш учун биринчи қадам бўлиб, келгусида ўрганилаётган масаланинг умумий таҳлили ва шакллантириладиган хуносалар мазмуни пировард натижада таҳлилчининг олинган натижаларни қанчалик аниқ ва тўлиқ акс эттиришига боғлиқ бўлади.

Тизимли таҳлил услугига – хуқукий соҳадаги, хусусан, прокуратура органларидаги аналитик фаолият учун ҳам умумфалсафий, ҳам умумилмий ҳам маҳсус метод сифатида қаралади.

Тизимли таҳлил – юридик ҳодиса ва жараёнларни атрофлича таҳлил қилиш, уларнинг моҳияти ва ривожланиш қонуниятларини англашга хизмат қиласидиган энг самарали аналитик услуг ҳисобланади. Услуб дейишимизга сабаб, у яна бир қатор умумфалсафий, умумилмий ва маҳсус усувларни ўз ичига қамраб олади.

Тизимли таҳлилнинг моҳияти шундаки, унда таҳлил объектига – маълум бир тизим сифатида ёндашилиб, унинг таҳлили тизимга хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

Тизимлар назариясининг асосчиси Л.Берталанфининг таърифига кўра, *Тизим – бир-бiri билан ўзаро узвий таъсир кучига эга бўлган элементлар мажмуасидир*. Элемент эса, ўз навбатида тизимнинг ундан ажратиб бўлмайдиган компонентидир.

Тизимга хос хусусиятлар қўйидагилардан иборат⁴⁵:

1) *Ташкиллашганлик* – ўз структураси ва муайян функционал ҳулқатворга эга эканлиги;

2) *Функционаллик* – ташқи муҳит билан ўзаро муносабатга киришиб, муайян натижани бериши лозимлиги (тизим функцияси уни тузиш мақсадидан келиб чиқади);

3) *Структуравийлик* – ундаги элементлар ва уларнинг ўзаро муносабати тартибга солинганлиги;

4) *Ривожланиши циклига эга эканлиги* – тизимлар янги, ривожланадиган, ривожланган, таназзулга юз тутаётган ривожланиш босқичларига эга эканлиги;

⁴⁴ В.В.Лунеев. Юридическая статистика. Учебник. — М.: Юристъ, 1999. 77-79 б.

⁴⁵ Берталанфи Л. фон. Общая теория систем: критический обзор – Москва.: Прогресс. 1969

5) Доимий ҳаракатда бўлишилик – тизим хулқ-аворининг унинг функциясидан келиб чиқиб вақт кесимида, шунингдек, ташки муҳит таъсирида ўзгариб туриши;

6) Барқарорлик – ташки таъсирларга қарши туро олиш қобилиятига эга эканлиги;

7) Ишончлилик – таркибидаги айрим элементлар йўқотилган тақдирда уларни алмаштириш ёки такрорий тиклаш орқали ўзини сақлаб қолиш қобилиятининг мавжудлиги;

8) Яшаб қолишига қодирлиги – салбий хусусиятларни тўлиқ бартараф эта олишга лаёқатлилиги;

9) Мослашувланик – ташки муҳитдаги ўзгаришларга мутаносиб равишда янги хусусиятларни қўлга киритиш, сақлаб қолиш ва яхшилаш мақсадида ўз хулқ-авори ёки структурасини ўзгартириши (қайта алоқанинг мавжудлиги);

10) Барча элементларнинг ўзаро боғлиқлиги ва умумий бир бутунликда ҳаракат қилиши – тизимни иккига бўлсак 2 та алоҳида тизим эмас, балки нофункционал тизимни юзага келиши;

11) Ҳар қандай тизим ўзидан юқори турувчи бир тизимнинг элементи эканлиги – тизим функцияси айнан ундан юқори турувчи тизим томонидан белгиланши;

12) Тизимни бошқариши, яъни уни ўзгартириши мақсадида унга бевосита таъсир кўрсатиши ундан юқори турувчи тизим томонидан амалга оширилиши.

Тизимли таҳлилдаги энг самарали усуулардан бири – ТРИЗ (ихтирочилик муаммоларини ҳал этиш назарияси) усули бўлиб, унда таҳлил обьекти бўлган тизим қуидаги схематик шаклда таҳлил қилинади⁴⁶:

Тизимнинг ўтмиши	Тизимнинг айни вақтдаги (актуал) холати	Тизимнинг келажаги
Юқори турувчи тизим	Юқори турувчи тизим	Юқори турувчи тизим
Ўрганилаётган тизим	Ўрганилаётган тизим	Ўрганилаётган тизим
Куйи турувчи тизим	Куйи турувчи тизим	Куйи турувчи тизим

Тизим таҳлилининг бошқа услублари ҳам мавжуд, улар жумласига қуидагиларни киритиш мумкин:

- тизимни ташкил этган элементлар (компонентлар)ни аниқлашга доир тизим-элемент таҳлили;
- тизим элементларининг ўзаро таъсирини аниқлашга доир тизимли-структуравий таҳлил;

⁴⁶ В.Петров. Основы ТРИЗ. Теория решения изобретательских задач – Москва.2019

- тизим ва унинг таркибий элементлар функциясини ўрганишга доир тизимли-функционал таҳлил;
- тизимнинг бошқа тизимлар билан муносабатини акс эттирувчи тизимли-коммуникацион таҳлил;
- тизимни сақлаш, такомиллаштириш ва ривожлантириш омилларини кўрсатадиган тизимли-интегратив таҳлил;
- тизимнинг тарихий ривожланишига доир тизимли-тарихий таҳлил⁴⁷.

Прокуратура органларидағи ҳуқуқий анализикага хос маҳсус (технологик) методлар

Илм-фандаги энг муҳим қийинчилик асл воқеликни топиш эмас, балки ушбу воқеликларни юз бериш қонуниятларни аниқлашга доир ҳақиқий услубларни топишдир дея таъкидлаган эди инглиз тарихчиси ва файласуфи Генри Tomas Boeskle (1821-1862).

Ҳуқуқий соҳадаги анализикада ҳам унга хос бўлган асл услубларини топа билиш муҳим аҳамият касб этади.

Прокуратура органларининг фаолият предмети – юридик ҳодиса ва жараёнлар ижтимоий аҳамият касб этиши ва кўлами кенг бўлганлиги боис, унга хос маҳсус методлар сифатида статистик, социологик, қиёсий, тарихий, тизимли, математик, ижтимоий-психологик, мантиқий-ҳуқуқий услубиятларни келтириш мумкин.

Афсуски, бугунги кунда юриспруденция соҳасида ҳукмронлик қилувчи мантиқий тафаккур реал воқелик ҳақида етарлича билим бера олмайди. Реал воқеликни англаш тизимли равишда фактларни тўплаш, катта ҳажмдаги фактлар асосида воқеликни ривожланиш қонуниятларини аниқлаш, воқеликни прогнозлаш ҳамда уларга таъсир кўрсата олиш учун айнан статистик таҳлил методлари қўл келади.

Статистик таҳлил методлари. Жиноятчилик ва қонунийлик аҳволига доир маълумотларнинг асосий манбалари бўлиб ҳам айнан статистик маълумотлар ҳисобланади⁴⁸.

Маълумки, статистиканинг – демографик статистика, иқтисодий статистика, ижтимоий статистика ва ҳуқуқий статистика каби бўлимлари мавжуд.

Прокуратура органларидағи анализик фаолиятда барча турдаги статистик маълумотлардан фойдаланилсада, биз кўпроқ ҳуқуқий статистика ҳақида сўз юритамиз.

⁴⁷ Ю.В.Курносов. Азбука аналитики – Москва.: Русаки.2013

⁴⁸ В.В.Лунеев. Курс мировой и российской криминологии :Учебник. В 2 т. Т. I. Общая часть. — М. : Издательство Юрайт, 2011. — 233-234 б.

Хуқуқий статистика дастлаб “аҳлоқий статистика”, “жиноий статистика”, “суд статистикаси” каби атамалар билан ҳам аталган.

Хуқуқий статистикани 1)жиноий-хуқуқий статистика, 2)фуқаролик-хуқуқий статистика, 3)маъмурый-хуқуқий статистика ва 4)прокурорлик назорати статистикаси каби тармоқларга ҳам ажратиш мумкин⁴⁹.

Хуқуқий статистиканинг энг кўп ривожланган тармоғи – жиноий статистикадир.

Ўтган асрнинг 20-йилларида собиқ иттифоқ мамлакатларида судланган шахсларга оид статистик маълумотларни ўзида акс эттирган тўпламлар нашр этила бошланди. Бироқ, 30-йилларга келиб бу соҳадаги статистика идоравий ва ёпиқ характерга бўлиб қолди⁵⁰. 90-йилларга келиб мустакил давлатимиздаги статистикага масъул давлат органи томонидан тайёрланадиган очиқ умумий статистик маълумотларда жиноятчилик ва хуқуқбузарликка оид айрим кўрсаткичлар келтирилиши йўлга қўйилди. Бироқ, хуқуқий статистик маълумотлар идоравий хусусиятини йўқотмади.

Юридик ҳодиса ва жараёнларни статистик таҳлил қилиш услубияти ўз ичига қўйидаги хос услубларни қамраб олади:

- хуқуқий аҳамиятга молик ҳодисаларни оммавий статистик кузатиш;
- кузатиш давомида олинган маълумотларни сифат хусусиятларига кўра йиғиш (сводка) ва гурухлаш;
- йиғма ва гурухланган кўрсаткичларнинг статистик миқдорий таҳлили;
- статистик материалларни сифат жиҳатдан комплекс таҳлил этиш.⁵¹

Статистик таҳлил методлари асосида юридик ҳодиса ва жараёнларни комплекс таҳлил қила билиш статистик методнинг нуфузини янада оширади.

Танлов методи. Сир эмаски, статистик ҳисботларнинг имкониятлари маълум маънода чекланганлиги сабабли, уларда барча параметрларни акс эттиришнинг имкони бўлмайди. Статистик ҳисботларга одатда асосий ва зарур деб топилган параметрлар киритилади.

Юридик жараёнлар эса, барча ижтимоий жараёнлар сингари ўзгарувчан бўлиб, муайян вақт ва маконда уларнинг статистик ҳисботларда акс этмаган томонларини ўрганиш эҳтиёжи тугилади.

Бу ўринда, тадқиқот учун зарур бўлган обьектни, унинг миқдор ва сифат доирасини аниқлаш, тадқиқотни тўғри ўтказиш ва натижалари тўғри баҳо беришда – *танлов усулидан* самарали фойдаланиш лозим бўлади.

⁴⁹ В.В.Лунеев. Юридическая статистика. Учебник. — М.: Юристъ, 1999. 356- б.

⁵⁰ В.В.Лунеев. Курс мировой и Российской криминологии :Учебник. В 2 т. Т. I. Общая часть. — М. : Издательство Юрайт, 2011.238-б.

⁵¹ И.Н.Андрюшечкина и др. Правовая статистика: учебник и практикум для академического бакалавриата — М. : Издательство Юрайт, 2017. 21-б.

Танлов усули статистик усулларга нисбатан кенгроқ кузатиш ва зарурат түгилда тегишли корректировкаларни киритиш имконини бергани боис ҳам нисбатан ишончли ҳисобланади⁵².

Танлов усулини амалга ошириш учун икки асосий масалани ҳал этиб олиш лозим:

- танлаб олиниши лозим бўлган йиғинди доирасини аниқлаш;
- танловдаги ҳатоликни аниқлаш.

Буни мисоллар ёрдамида кўриш осонроқ. Ҳукуқбузарлик содир этган шахсларнинг сони 500 та деб тахмин қиласлий. Уларнинг 30 %и тўлиқсиз (отаси ёки онаси йўқ) оилада ўсган. Танлов асосида уларнинг 50 нафари ўрганилди, бироқ, мазкур ўрганилган шахсларнинг 25 фоизи тўлиқсиз оила тарбияланган шахсларга тўғри келди. Бу ерда танлов жараёнида 5 %га янглишилди ($30\% - 25\% = 5\%$).

Социологик методлар ҳам статистик ҳисботлар орқали олишнинг имкони бўлмаган ёки расмий статистик маълумотларда акс этмаган маълумотларни тўплаш борасида энг мақбул усуллардан ҳисобланади.

Бироқ, таъкидлаш лозимки, социологик методлар асосида олинган маълумотлар ҳам статистик ишлов беришни талаб этади.

Социологик методларнинг сўров, социологик кузатув, социологик эксперимент каби бир неча кўришлари мавжуд.

Сўров – эмпирик маълумотларни олиш борасида кенг тарқалган социологик усул бўлиб, уни қонунчилик, ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти, давлат ҳукуқий сиёсати, алоҳида юридик ҳодиса ва жараёнлар юзасидан жамоатчиликнинг фикри, шунингдек, муайян гурухга мансуб фуқаролар, юридик муассасалар ходимлари, эксперталар гурухи кабиларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш мақсадида қўллаш мумкин.

Сўров усулидан, айниқса, криминологик тадқиқотларни ўтказиша кўп фойдаланилади. Хусусан, бевосита сўров йўли билан жиноятчилик ва ҳукуқбузарликларнинг сабаблари, латент жиноятчилик, аҳолининг виктимизация даражаси, профилактик тадбирнинг самарадорлиги, жиноий жазоларнинг таъсирчанлиги, ўрнатилган ҳукуқий-тартибот, мавжуд аҳлоқий-ҳукуқий қадриятларга нисбатан муносабат, аҳолининг ҳукуқий онги ёки ижтимоий-ҳукуқий йўналганлиги, ҳукуқбузарликлар мотивациясини ўрганиш каби масалаларни сўров усули билан ўрганиш мумкин.

⁵² В.И.Добреньков. А.И.Кравченко.Методы социологического исследования. Учебник.– М.:ИНФРА-М, 2009. 81-95 б.

Сўров жараёнига, албатта, керакли маълумотларни бера оладиган респондентлар жалб этилади. Сўров сұхбат, интервью ва анкета шаклида ўтказилиши мумкин⁵³.

Социологик кузатув усули – ижтимоий-хуқуқий ва криминологик тадқиқотларда қўлланилади. Ушбу усул хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида бошқа аналитик методлар қаторида жиноятчиликни олдини олиш, ўз фаолиятини таҳлил қилиш, жиноятчиликка қарши курашга доир стратегияларни ишлаб чиқишида самара беради. Бу ўринда, кузатувнинг холис бўлиши ва натижаларни тўғри интерпретация қилиниши муҳим аҳамиятга эга.

Кузатув пассив ажралган ҳолда (ташқаридан), бевосита ажралмаган ҳолда (ичкаридан) ёки фаол иштирокчи-кузатувчи шаклида намоён бўлиши мумкин⁵⁴.

Ижтимоий эксперимент – табиий фанлардаги экспериментдан фарқ қилиб, хуқуқий соҳада уни қўллашда белгиланган талабларга риоя этиш лозим бўлади. Мисол учун, қонун ижодкорлиги ёки дастлабки тергов жараёнидаги эксперимент тегишли норматив меъёрлар асосида олдиндан белгиланган процедураларга мувофиқ ўтказиласди. Криминологик экспериментда норматив рухсат талаб этилмасада, у фақат ижобий мазмунда (криминоген шарт-шароитларни юзага келтирмаган ҳолда) ўтказилишига йўл қўйилади. Мисол учун, жиноятчиликни олдини олиш ёки хуқуқий тарбия усулларини такомиллаштириш каби мақсадларда.

Эксперимент пухта тайёргарликни талаб этсада, бошқа методлар орқали олиб бўлмайдиган ҳақиқатга мос эмпирик билимларни қўлга киритиш имконини беради⁵⁵.

Квазиэксперимент тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, у олдиндан режалаштирилмайди, балки стихияли равища юзага келган шарт-шароитларда шу вазият юзага келганидан то бартараф бўлгунинг қадар давр давомида кузатув олиб борилади. Мисол учун, ер қимирилашида ифодаланган табиий офат юз берди ёки Covid-19 каби эпидемия ҳолати вужудга келди ҳамда бу ҳолатлар жиноятчилик динамикаси ва структурасига қандай таъсир кўрсатганлиги таҳлил қилиб борилди.

⁵³ В.И.Добреньков. А.И.Кравченко.Методы социологического исследования. Учебник.— М.:ИНФРА-М, 2009. 283-б.

⁵⁴ В.В.Лунеев.Курс мировой и Российской криминологии :Учебник. В 2 т. Т. I. Общая часть. — М. : Издательство Юрайт, 2011. 289-б.

⁵⁵ Ўша ерда.

Прогнозлаш методлари. Прогнозлаш барча соҳалар каби хуқуқий соҳада ҳам бошқарув қарорларини қабул қилиш, ишларни режалаштириш ва лойиҳалаш олдидан амалга оширилиши лозим.

Прогнозлаш жараёнида қайси метод устувор аҳамият касб этганлигидан келиб чиқиб, унинг қуидаги турлари фарқланади:

- экспертлик прогнози (интуитив ахборот асосида);
- функционал-мантиқий прогнозлаш (фактлар асосида);
- структуравий прогнозлаш (блок-схемы, моделлар, графикадан фойдаланиб);
- математик прогнозлаш (статистик маълумотлар ва математик формулалар асосида);
- аналогия асосида прогнозлаш (кенг доирадаги ахборотдан фойдаланиб);
- комплекс прогнозлаш (бир неча прогнозлаш усулидан фойдаланиб).

Прогноз қилинаётган даврнинг давомийлигини инобатга олиб оператив, қисқа, ўрта ва узоқ муддатли прогноз турларига ажратилади. Бироқ, интенсив ўзгаришлар даврида оператив ва қисқа муддатли прогноздан фойдаланиш мақсадга мувофиқ саналади.

Прогностикада сценарий усули, экспертлик усули, экстрополяция каби қатор усуллар мавжуд. Хуқуқий аналитикада экстрополяция усули кенг қўлланилади.

Экстрополяция – лотинча “extra” ва “polio” сўзларидан олинган бўлиб, “олдиндан тўғирлайман, ўзгартираман” деган маъноларни англатади. У мантиқий-методологик томондан ҳодиса ва жараёнларни ўтмишдаги ва бугунги ҳолатидан келиб чиқиб тузилган хulosаларни келажакка қўчиришда ифодаланади⁵⁶.

Экстрополяциянинг моҳияти тадқиқот обьектида кечеётган ривожланишнинг барқарор тенденцияларни ўрганиш ҳамда ушбу тенденцияга таяниб обьектнинг келажагини прогноз қилишдан иборатdir.

Ушбу метод нафақат обьектнинг келажагини прогноз қилиш, балки аввало, унинг бугунги ҳолатини диагностика қилиш учун ҳам хизмат қиласди.

Қиёслаш усули – хуқуқшунослиқда кенг тарқалган методлардан ҳисобланади. Ҳатто, қиёсий хуқуқшунослик, қиёсий криминология, қиёсий жиноятчилик каби тушунчаларнинг борлиги ҳам бежиз эмас.

Хусусан, қиёсий хуқуқшунослик давлатдаги хуқуқий тизимларни таққослаб ўрганса, қиёсий криминология глобал, минтақавий ва миллий

⁵⁶ Методы информационно-аналитической деятельности. Науч.-практ. сб. / науч. ред. И.С. Пилко. – Кемерово: КемГУКИ, 2010. 98-112-б.

жиноятчиликка ҳос тенденция ва бошқа хусусиятларни, криминологик назариялар ва стратегияларни таҳлилий ўрганади.

"Қиёсий жиноятчилик" тушунчаси француз социологи ва криминалисти Г.Тард томонидан XIX асрнинг 80-йилларида таклиф этилган бўлиб, у бир қатор мамлакатлардан олинган жиноятчиликка доир маълумотларни таҳлил қилиб, жиноятчиликка ҳос умумий қонуниятларни аниқлашга ҳаракат қилган⁵⁷ эди. 1970 йилларга келиб, қиёсий жиноятчиликка оид қиёсий тадқиқотлар дунёда БМТнинг жиноятчиликка оид нашрларида акс акс эттирила бошланди. Улар турли мамлакатлардаги муаммолар, тенденциялар ва қонуниятлар ўртасида фарқларга қараганда ўхшашликлар кўпроқ эканлигидан далолат бериб келмоқда.

Криминологик қиёсий тадқиқотлар, одатда, бир вақтнинг ўзида бир неча давлат ёки регионларда (синхрон), шунингдек, маълум бир давлат ёки регионда турли тарихий даврларда (диахрон) таққослаш усусларида амалга оширилиши мумкин⁵⁸.

Математик усуслар – одатда, юридик ҳодиса ва жараёнларга ҳос қонуниятларни ўрганиш, жараёнларни моделлаштириш, тадқиқот объектларининг тартиби ва типологиясини аниқлаш, статистик маълумотларнинг ишончлилигини баҳолаш кабиларда кўлланилиб, улар асосан, статистик, социологик, қиёсий-тарихий методларнинг чуқурроқ таркибий қисми ҳисобланади.

Ҳар қандай илм-фан қиёсий таққословларни ўлчашдан бошланади, бу ерда матаматикасиз иш битмайди. Тўғри, сифат хусусиятларни сон хусусиятларга кўчириш ҳар доим ҳам осон кечавермайди. Бироқ, математик билимларни ўзлаштириш юристлар, хусусан прокурор ходимларни теран фикрлашга ундайди.

Ижтимоий-психологик усуслар – аҳолининг қонунларга ва ҳуқуқий тартибот тизимиға муносабати, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик психологияси, жиноят мотиви, жиноят содир этган шахснинг руҳий ҳолати ва унинг руҳиятидаги психологик оғишлар, ақли норасолик ва аффект ҳолатлари кабиларни аниқлашга хизмат қиласи. Баъзан жиноий ҳулқ-атворни ўрганиш учун патопсихологик методлардан фойдаланишга тўғри келади.

Мантиқий-ҳуқуқий усуслар – қонун ижодкорлигига, қонунларни шарҳлаш ёки талқин қилиш, ҳуқуқни қўллашга доир актларни аргументлашда муҳим ҳисобланади. Хусусан, ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда

⁵⁷ Тилле А. А., Швеков Г. В. Сравнительный метод в юридических дисциплинах. М., 1978.

⁵⁸ Ўша ерда.

исботлаш жараёнида формал мантиқ қонуниятлари ҳамда дедуктив хulosса чиқарып қоидаларига амал қилиш лозим бўлади.

Экспертлик усуллари – одатда, ҳуқуқий соҳада тизимли равища тўпланган маълумотлар бўлмаган ёки етарли бўлмаган, яъни номаълум ёки хавф юқори бўлган шарт-шароитларда бошқарув қарорларини қабул қилиш олдидан кўлланилади. Улар жумласига, эксперт баҳоси, дельфи, ақлий ҳужум каби усулларни киритиш мумкин. Эътиборлиси, мазкур усуллар асосида қабул қилинган қарор нималарга олиб келиши номаълум бўлади.

Контент-таҳлил усулидан ҳуқуқий соҳада ҳужжатлар билан ишлашда ва ундаги маълумотларни таҳлил қилиш, шунингдек, ОАВ, интернет ва ижтимоий тармоқлардаги хабарларни ўрганишда фойдаланиш мумкин.

Контент таҳлил – “content-analysis” инглиз тилидан таржима қилинганда “мазмун таҳлили” деган маънони англатади. Ушбу усул дастлаб XIX аср охири ва XX аср бошларида АҚШда оммавий ахборотни таҳлил қилиш ва ўша вақтдаги нью-йорк матбуоти танқид қилиш учун қўлланилган эди⁵⁹.

Ушбу методга сиёсий аналитикада, журналистик аналитикада ва разведка фаолиятида кўп мурожаат қилинсада, уни ҳуқуқий соҳага мослаштириб қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Мазкур параграф доирасида биз ҳуқуқий соҳадаги аналитика, айни вақтда прокуратура органларидағи аналитик фаолият жараёнида қўллаш мумкин бўлган асосий методларни қўриб чиқишига ҳаракат қилдиқ. Бироқ, таъкидлаш лозимки, аналитик фаолият ижодий жараён бўлиб, у ҳар қачон таҳлилчининг салоҳияти, таҳлил мақсади ва шарт-шароитларидан келиб чиқиб, таҳлил методларни эркин танлай билиш билан характерланади.

⁵⁹ Методы информационно-аналитической деятельности. Науч.-практ. сб. / науч. ред. И.С. Пилко. – Кемерово: КемГУКИ, 2010. 35-б.

2.2.§ Юридик ҳодиса ва жараёнлар сифатида қилмиш, қонунийлик ва жиноятчилик ахволини таҳлил қилишга доир айрим технологиялар.

Мазкур параграфда прокуратура органларига хос айрим таҳлилий фаолият турларига оид технологияларини күриш чиқамиз.

Одатда, *аналитик фаолият технологияси* деганда – янги билим ёки муайян натижани қўлга киритишга қаратилган маълум бир мантикий кетма-кетлиқда амалга ошириладиган аналитик тадқиқот жараёнини тушунамиз⁶⁰.

Технология (юн. *techne* — моҳирлик ва *logos* — таълимот, яъни моҳирлик ҳақида таълимот маъносини англатади) – ижтимоий фан тармоқларидан бири бўлиб, у тадқиқот жараёнида қўлланиланиши лозим бўлган восита ва техникалар (инструментлар) ҳамда уларни қўллаш оқибатида қўлга киритиладиган ижтимоий-техник натижалар ҳақидаги таълимотдир⁶¹.

Аналитик фаолиятида ахборот энг муҳим ресурслардан саналиши боис, ундаги технологияларни *ахборот технологиялари* ибораси ҳам атайдилар.

Ушбу сўз бирикмаси остида – муйаян вақт ва маконда ташкил этилган, қўллаш имкониятлари нисбатан барқарор бўлган кўзланган ахборот маҳсулини яратишга йўналтирилган маълумотлар билан ишлаш методлари йиғиндисини тушунишимиз лозим⁶².

Ахборот маҳсулоти – бу маълумотларни қайта ишлаш оқибатида юзага келган, муайян талқинга (интерпретацияга) эга бўлган ва келгусида фойдаланиш мумкин бўлган ахборот ресурсидир.

Ахборот технологияларини ноинструментал ва инструментал (автоматлаштирилган) турлари фарқланади.

Ахборотлар моддий ташувчига кўчирилган пайтдан бошлаб “маълумот” мақомига эга бўлади, сабаби у дастлабки, яъни моддий ташувчига киритилаётган вақтдаги интерпретациясини йўқотиб, келгусида у билан танишадиган шахс учун турлича интерпретациялаш имконини яратади.

Ахборот оқими кенг бўлган даврда таҳлилий фаолиятни инструментал технологик қўллаб-қувватлаш ва жараённи автоматлаштиришни такомиллаштириб бориш эҳтиёжи туғилади. Сабаби, таҳлилий фаолият унумдорлиги ахборотларни тўплаш ва дастлабки қайта ишлаш жараёнини қай даражада (тўлиқ ёки қисман) автоматлаштирилганлигига бевосита боғлиқ бўлади.

Мазкур параграфда биз ҳуқуқий соҳадаги таҳлилий фаолиятнинг

⁶⁰ И.Н.Кузнецов. Учебник по информационно-аналитической работе. Информация: сбор, защита, анализ. М., ООО Изд. Язуа, 2001. 21-б.

⁶¹ Ўша ерда.

⁶² В.Ю.Курносов. П.Ю.Конопотов. Аналитика: методология, технология и организация информационно-аналитической работы.–Москва.Русаки.2004.47-б.

инструментал ёки ноинструментал технологияларнинг ташкилий хусусиятлари ҳақида эмас, балки имкон қадар уларнинг мазмун-моҳияти ва гоявий асосларини баён этамиз.

Прокуратура органлари фаолиятида ҳуқуқий анализиканинг 4 та асосий кўриниши мавжуд. Булар:

- қилмиш ёки вазиятнинг ҳуқуқий таҳлили;
- жиноятчилик таҳлили;
- қонунийлик ҳолати таҳлили;
- прокурорлик фаолияти таҳлили.

Кўйида уларнинг ҳар бирига хос технологик жараённи кўриб чиқамиз.

Қилмиш ёки вазиятни ҳуқуқий таҳлили

Вазиятни таҳлил қилиши деганда – вазиятни моделлаштириш, яъни унинг таркибий элементлари, шарт-шароитлари, келтириб чиқарган оқибатлари ва унда ҳаракатланувчи шахсларни ўрганишга йўналтирилган таҳлил тушунилади.

Вазият – аввало, ижтимоий ўзгаришларнинг натижаси бўлиб, у ўзидан аввалги вазиятлар сабабли юзага келади ва ўзидан муайян оқибатлар - янги вазиятларни келтириб чиқаради. Аналитиклар вазиятни қўйидагича таснифлашади:

<i>Вазиятни таснифи</i>	<i>Вазият турлари</i>
Реал ҳаётта мослигига кўра	Реал вазият Шартли вазият
Меъёрийлигига кўра	Нормал вазият Девиант (нормадан оғишган) вазият Экстремал вазият
Вақтга мутаносиблигига кўра	Юз берган вазият Амалдаги (актуал) вазият Келажак юз бериш эҳтимоли мавжуд вазият
Мураккаблигига кўра	Оддий вазият Мураккаб вазият Ўта мураккаб вазият
Ривожланиш характерига кўра	Олдиндан кутилган вазият Тасодифий вазият
Янгилик даражасига кўра	Маълум вазият Ўхшаш вазият Номаълум вазият
Назорат қилиш имконига кўра	Назорат қилинадиган вазиятлар Назорат килинмайдиган вазиятлар
Эркин ҳаракатланиш имконига кўра	Мақбул вазият Мажбурий вазият Критик (қийин, мушкул) вазият Чорасиз вазият

Прокуратура органлари фаолиятида одатда фактлар, яъни реал ўтмишда юз берган ва айни дамда юз бераётган, мураккаб, нормадан оғишган вазиятларга тўқнаш келинади. Фаолиятда вазиятни ўзи эмас балки вазиятга алоқадор субъектлар қилмиши ҳуқуқий жиҳатдан, яъни қонунларга зид ёки

зид эмаслиги нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Бироқ, вазиятга алоқадор шахсларнинг қилмишига тўғри ҳуқуқий баҳо бериш учун вазиятни комплекс таҳлил қила билиш фойдадан ҳоли бўлмайди

Прокуратура органлари фаолияти қуйидаги вазиятлар энг кўп учрайди:

1) *Муаммоли вазият* – якка шахс(лар)нинг муайян вазиятга нисбатан субъектив муносабатида ифодаланадиган ва ушбу шахс(лар) ечим топишга қийналаётган вазият;

2) *Низоли вазият* – икки ёки ундан ортиқ шахснинг манфаати, мақсади, позицияси ва қарашлари ўртасидаги зиддият кўринишида ифодаланадиган вазият;

3) *Экстремал вазият* – ижтимоий хавфли ёки талофотли бўлган вазият, одатда жиноятлар экстремал вазиятларга киради.

Аввалига инсон ҳаётида муаммоли вазиятлар юзага келади, шахс уларни ечиш учун ўзида ирода ва ресурсларни топа олмагач, у атрофдагилар билан низолашиб босқичига кириб боради, низо бартараф этилмагач эса, жиноий вазиятларни юзага келиш эҳтимоли кучаяди. Муаммоли ва низоли вазиятни комплекс таҳлил қилиш учун кўп ҳолларда психолог, социолог, иқтисодчи ва бошқа эксперtlарни жалб қилиш зарурати туғилади.

Жиноятчилик таҳлили

Жиноятчилик – жамиятнинг яшаб қолиши, айни вақтда таназзулга юз тутишининг бир шаклидир дея таъкидлаган экан профессор В.В.Лунеев. Албатта, мазкур қарашлар ҳақиқатга бир мунча яқин. Шу нуқтаи назардан, жиноятчилик таҳлили ҳақида сўз бошлашдан аввал жиноятчилик тушунчасининг моҳиятини англашга уриниб кўрайлик.

Жиноятчилик – муайян даврда маълум мамлакат (*минтаقا, дунё*)да содир этилган жиноятларнинг бутун иигиндисини ичига олган, миқдор (*ҳолати, динамикаси*) ва сифат (*структураси, хусусиятлари*) кўрсаткичларига эга бўлган ижтимоий-ҳуқуқий, тарихан ўзгариб турадиган, салбий оммавий ҳодисадир⁶³.

Ушбу таърифдан кўринадики, жиноят аввало, ижтимоий ҳодиса бўлиб, у инсоннинг биологик табиатидан келиб чиқмайди (гарчи у жиноий ҳатти-харакатларнинг генезисига муайян криминоген таъсир кўрсатиши мумкин бўлсада), балки жамиятдаги ижтимоий муносабатлар ва зиддиятларнинг табиати ва мазмунига бевосита боғлиқ бўлади.

Жиноятчиликнинг ижтимоийлигини тарихан дунёнинг турли мамлакатлари ва минтақаларида олиб борилган кўплаб тадқиқотлар

⁶³ В.В.Лунеев.Курс мировой и российской криминологии: Учебник. В 2 т. Т. I. Общая часть. — М. : Издательство Юрайт, 2011. 298-б.

тасдиқлайди. Хусусан, БМТнинг 1955-2020 йиллар давомида жиноятчиликнинг олдини олиш ва хукуқбузарлар муомала қилиш борасида бўлиб ўтган жами 14 та конгресси резолюциялари, кўрсатмалари ва бошқа ҳисобот материалларида (1955, 1960, 1965, 1970, 1975, 1980, 1985, 1990, 1995, 2000, 2005, 2010, 2015, 2020) жиноятчиликни тушунтириш, олдини олиш ва назорат қилишга доир халқаро позиция жиноятчиликнинг ижтимоий табиатига асосланиши эътироф этилган.

Жиноятчилик фақат ижтимоий ҳодиса эмас, балки ҳуқуқий ҳодиса ҳамдир. Ҳуқуқ аслида ижтимоий категория бўлсада, у жиноятчиликни хусусиятини очиб берувчи бош мезондир. Сабаби, фақатгина жиноят қонунчилиги билан таъкиқланган қилмишгина жиноят сифатида эътироф этилади.

Жиноятчилик – *салбий ҳодиса*. Унинг “нархи” жуда катта. Жиноятлар давлатларга, шахсларга, иқтисодиётга, экологияга, жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигига тузатиб бўлмайдиган даражада зарап келтиради.

Жиноятчилик – *оммавий ҳодисадир*. Маълумотларга кўра, дунёда бир йил давомида қайд этилган жиноятларнинг умумий сони 500 миллионга яқинлашмокда. Жумладан, АҚШда йилига 12-15 млн.га яқин, Россияда 3 млн.дан ортиқ, Европанинг қатор ривожланган давлатларида 4-5 млн. жиноят рўйхатга олинади.

Жиноятчиликнинг оммавий ҳодиса эканлиги бир тарафдан ташвишли ҳисоблансада, иккинчи тарафдан унга қарши курашиш борасида давлатлар ўртасидаги куч ва воситаларни бирлаштиришга, шу жумладан, жиноятчиликни тадқиқ қилишга доир билим ва тажрибалар билан ўртоқлашишга ундайди.

Жиноятчиликни таҳлил қилиш жараёни – 1) жиноятчилик аҳволини диагностика қилиш, 2) унинг яқин келажакдаги ҳолатини прогнозлаш ва 3) жиноятчилик ва унинг оқибатларини минимизация қилиш чораларини кўриш каби босқичларни ўз ичига олади.

Жиноятчиликни диагностика қилиш учун уни тавсифловчи қуйидаги 5 та хусусиятни атрофлича таҳлилий ўрганиш лозим бўлади⁶⁴:

- жиноятчилик ҳолати;
- жиноятчилик даражаси;
- жиноятчилик структураси;
- жиноятчилик динамикаси;
- жиноятчилик географияси.

⁶⁴ В.Н.Курдяев. Популярная криминология: монография. – М.: Норма, 2018. 116-117-б.

Кўп адабиётларда жиноятчиликнинг хусусиятлари 2 та катта турга, яъни миқдор ва сифат хусусиятларга ажратилади.

Одатда, миқдорий хусусиятлар жиноятчиликнинг ҳолати, даражаси ва динамикасини, сифат хусусиятлари эса жиноятчиликни структуравий характеристи ва географик тақсимланишини тавсифлайди. Бироқ, жиноятчилик таҳлили жараёнида миқдор ва сифат хусусиятлари бир-бири билан узвий боғланиб, умумийликни ҳосил қиласди.

Жиноятчилик ҳолати – абсолют, яъни мутлақ кўрсаткичларда ифодаланиб, у жиноятчиликни маълум бир даврда муайян ҳудуддаги (дунё, давлат ёки региондаги) умумий сонини ташкил этади⁶⁵.

Мисол учун, Ўзбекистон ҳудудида 1987 йилда 66307 та жиноят қайд этилган бўлса, 2017 йилда 73 692 та жиноят ҳисобга олинган.

1987-2018 йиллар давомида мамлакатимиздаги умумий жиноятчилик кўрсаткичларини қўйидаги диаграмма орқали янада аниқроқ кўриш мумкин.



Криминологлар орасида жиноятчиликнинг умумий сонини қандай кўрсаткичлар асосида, яъни жами рўйхатга олинган жиноятлар ёки жиноят содир этган шахслар ёки суд томонидан жиноят содир этишда айланган шахслардан келиб чиқиб ҳисоблаш лозимлиги ҳақида баҳслар мавжуд. Сабаби, рўйхатга олинган жиноятлар сони билан жиноятда айланган шахслар сони бир-бирига тўғри келмайди.

Жиноят содир этган шахслар сони қайд этилган жиноятларга нисбатан такорорий жиноят ҳисобига камайиб кетса, гуруҳ таркибида содир этилган жиноятлар ҳисобига ортиб кетиши қузатилади.

⁶⁵ В.Н.Кудрявцев. Популярная криминология: монография. – М.: Норма, 2018. 117-6.

Айрим жиноят ишларининг дастлабки тергов жараёнида тўхталиши ёки тугатилиши сабабли, жиноят ишларининг муайян микдоригина судга чиқарилади. Қолаверса, судда дастлабки терговда айб эълон қилинган шахсларнинг барчаси ҳам айбдор деб топилавермайди.

Бундай ҳолатда дунёнинг аксарият давлатларида жиноятчиликнинг умумий кўрсаткичи рўйхатга олинган жиноятлар сонидан келиб чиқиб ҳисоблансада, АҚШда жиноят содир этган шахслар сони инобатга олинади.

Қолаверса, жиноятчилик кўрсаткичлари борасида лидерлик қилиб келаётган АҚШ давлатида федерал, яъни марказлашган миёсда 8 турдаги (қотиллик, номусга тегиш, талончилик, босқинчилик, бузиб кириш орқали ўғирлаш, киссавурлик, автомобиль ўғирлаш, ёкиб юбориш) жиноятнинг ҳисоби юритилади. Эҳтимол бу ҳолат уларда жиноятларнинг ҳаддан ташқари кўплиги, оқибатида жиноятларни ҳисобга олиш жараёнини соддалаштириш ёки камайтириб кўрсатиш важи билан боғлиқдир.

Жиноятчиликка қарши курашишга астойдил бел боғлаган постсовет мамлакатларида барча турдаги жиноятлар ва уларни тавсифловчи характер-хусусиятлар ҳисобга олинади. Ҳатто, бу борада Россия давлатининг амалиёти халқаро майдонда ижобий баҳоланади.

Айрим давлатларда (Буюк Британия, Австрия ва бошқа) жиноятчилик ҳолатини баҳолашда латент (яширин) жиноятчилик ҳам инобатга олинади, хусусан, турли социологик методлар орқали яширин жиноятларнинг эҳтимолий кўрсаткичлари аниқланиб, умумий жиноятчилик кўрсаткичига қўшилади. Тадқиқотлар, жамиятдаги яширин жиноятлар расман қайд этилган жиноятларга нисбатан 2-5 баробар кўплигини кўрсатади.

Шунингдек, жиноятчилик ҳолатини янада чуқурроқ таҳлил қилиб, таҳлил доирасига қўйидагиларни ҳам киритиш мумкин бўлади:

- ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ёки ўта оғир жиноятчилик кўрсаткичи;
- қасдан ёки эҳтиётсизликдан содир этилган жиноятчилик кўрсаткичи;
- айрим турдаги жиноятлар кўрсаткичи;
- исёнкорлик, ғаразгўйлик, зўравонлик, анархик ёки бепарволик мотиви остида содир этилган жиноятчилик кўрсаткичи;
- вояга етмаган, аёллар, ишсизлар, мансабдор шахслар ёки бошқа тоифадаги шахслар ўртасидаги жиноятчилик кўрсаткичи;
- жиноятчиликдан жабрланиш (вафот этган ёки бошқача жабрланганлар сони, етказилган зарар микдори) кўрсаткичи.

Жиноятчилик даражаси. Маълумки, давлатлар ва ҳудудлар ўзининг ижтимоий-иктисодий хусусиятлари билан бирга демографик хусусиятлари, хусусан ахолисининг сони билан бир-биридан фарқ қиласиди.

Шунга кўра, аҳоли сони турлича бўлган худудлардаги жиноятчилик ҳолати кўрсаткичларини таққослаш тўғри бўлмайди.

Муайян давлатда маълум даврдаги жиноятчиликни даражасини кўрсатиб берувчи асосий омил бўлиб жиноятчилик коэффиценти ҳисобланади. *Жиноятчилик коэффициенти* – аҳолининг сонига нисбатан (ҳар 1000, 10 000 ёки 100 000) $\text{Жу}^*100\ 000$ олинган нисбий кўрсаткичларда ифодаланиб, у қўйидаги формула асосида ҳисоблаб чиқарилади:

$$\text{ЖК} = \frac{\text{Ау}}{\boxed{\text{Жу}}}$$

бу ерда, ЖК — жиноят коэффиценти, Жу — жиноятчиликни умумий сони, Ау — аҳолининг умумий сони.

Ҳар икки кўрсаткич, яъни жиноятчилик ва аҳолининг умумий сони аниқ бир худуд бўйича ва бир вақт оралиғида олиниши лозим.

Жиноятчилик кўрсаткичи йил яқунлари бўйича олингани боис, худуд аҳолисининг ҳисбот йили бошидаги сонидан келиб чиқиш тўғри бўлмайди, балки, ҳисбот йили ўртасидаги (1 июль) ёки келаси ҳисбот йили бошидаги кўрсаткичларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Одатда, жиноятчилик коэффициенти аҳолининг ҳар 100 минг жон бошига тўғри келаётган жиноятлар сонини кўрсатади. Жиноятлар ёки аҳолининг оз-кўплигидан келиб чиқиб, ЖК 10 минг ёки 1 минг киши бошига ҳам ҳисобланиши мумкин.

Қуйида 1987-2018 йиллар учун республикамиздаги жиноятчилик коэффициенти ҳисоблаб чиқарилган жадвал келтирилади.

Йиллар	Жиноят сони (та)	Аҳоли сони (минг)	Жиноят коэффи. (%) 100 000 аҳолига	Йиллар	Жиноят сони (та)	Аҳоли сони (минг)	Жиноят коэффи. (%) 100 000 аҳолига
1987	66 307	19 026	349	2003	78 925	25 427	310
1988	70 050	19 430	361	2004	79 129	25 707	308
1989	84 459	19 905	424	2005	79 883	26 021	307
1990	88 155	20 322	434	2006	82 352	26 675	309
1991	88 630	20 708	428	2007	83 905	26 945	311
1992	93 926	21 207	443	2008	88 007	27 212	323
1993	90 028	21 703	415	2009	89 388	27 476	325
1994	73 561	22 192	331	2010	90 050	27 736	325
1995	67 026	22 563	297	2011	90 617	27 998	324
1996	65 980	23 607	279	2012	90 660	28 262	321
1997	66 982	23 444	286	2013	90 152	28 528	316
1998	68 953	23 868	291	2014	89 360	30 488	293
1999	75 423	24 231	311	2015	87 946	31 026	276
2000	73 904	24 500	302	2016	87 412	31 807	275
2001	74 314	24 900	298	2017	73 692	32 121	230
2002	77 199	25 116	307	2018	49 011	32 900	149

Мазкур жадвалдан кўринадики, жиноятчиликнинг абсолют кўрсаткичлари ва нисбий кўрсаткичлари моҳиятан бир-биридан фарқ қиласди. Мисол учун, 1987 йилдаги жиноятларнинг абсолют кўрсаткичи 2017 йилдаги жиноятларнинг абсолют кўрсаткичидан 7385 тага ($73692-66307=7385$) кам бўлсада, ахоли сонини инобатга олганда жиноятчилик даражаси 1987 йилда 2017 йилга нисбатан юқори бўлганлиги ($349>230$) маълум бўлади.

Сабаби, мамлакатдаги ахоли сони 1987 йилда 19 026 мингни, 2017 йилда эса 32 121 мингни ташкил этиб, жиноятчилик коэффициенти 1987 йилда 349 га, 2017 йилда 230 га teng бўлганлиги аникланади.

Шунингдек, юқоридаги жадвал асосида айтиш мумкинки, охирги 30 йилликда Ўзбекистонда жиноятчиликнинг энг юқори кўрсаткичи ва даражаси 1992 йилда қайд этилиб, унда жиноятлар сони 93 926 тани, жиноятчилик коэффициенти 443 ни ташкил этган. Жиноятчиликнинг энг қути кўрсаткичи 2018 йилда қайд этилиб, унда жиноятлар сони 49 011 тадан, жиноятчилик коэффициенти 149 дан иборат бўлган.

90-йилларнинг бошида жиноятчиликнинг кўпайиши аксарият постсовет мамлакатларида кузатилган ва бу ҳолатни собиқ иттифоқни парчаланиши оқибатида айrim криминоген гурухларнинг фаоллашуви билан изоҳлаш мумкин бўлади.

Маълумот учун таъкидлаш лозимки, 2018 йилда МДҲ давлатларида жиноятчилик коэффициенти ўртacha 1080 ни ташкил этиб, хусусан, Қозоғистонда 1599, Россияда 1356, Украинада 1157, Беларуссияда 884, Қирғизистонда 470, Озарбайжонда 265, Тожикистанда 243 га teng бўлган, Ўзбекистонда энг кам коэффициент кузатилган⁶⁶.

Таъкидлаш лозимки, жиноятчиликнинг абсолют кўрсаткичи ва жиноятчилик даражасининг оз ёки кўплигига қараб ҳудуддаги криминоген вазият ва унда ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига баҳо бериб бўлмайди.

Мисол учун, 1991 йили Швецияда 1 045 306 та жиноят, собиқ СССРда 3 223 147 та жиноят, яъни 3 баровар кўп жиноят қайд этилган. Бироқ, Швеция ахолининг собиқ иттифоқ ахолисидан 35 бароварга камлигини инобага олсак, жиноятчилик коэффициенти Швецияда ҳар 100 000 кишига 12 154 тани, собиқ иттифоқда 1115 тани ташкил этган, яъни Швецияда жиноятчилик коэффициенти 11 баровар юқори бўлган⁶⁷. Бундан, Швециядаги ҳукуқий-тартибот ҳолати қониқарсиз бўлган дея хулоса чиқариш тўғри бўлмайди.

⁶⁶ www.ksgp-cis.ru

⁶⁷ В.В.Лунеев.Курс мировой и российской криминологии: Учебник. В 2 т. Т. I. Общая часть. — М. : Издательство Юрайт, 2011. 308-б.

Жиноятчилик даражасини жиноятчиликнинг алоҳида турлари бўйича ёки аҳолининг алоҳида тоифалари бўйича ҳам ҳисоблаш мумкин.

Мисол учун, 2018 йил учун мамлакатимизда қотиллик жиноятчилиги коэффициентини (ҚЖК) қўйидагича ҳисоблаймиз:

$$ҚЖК = \frac{\frac{ҚЖ * 100\,000}{Ay}}{\frac{432 * 100\,000}{33\,255\,500}} = 1.3$$

яъни, ҳар 100 минг киши бошига 1.3 та қотиллик тўғри келади. Ушбу коэффициент республикамизда 1988 йилда 4.0 ни, 2008 йилда 3.54 ни ташкил этган бўлиб, 2018 йилга келиб у қарийиб уч бароварга камайганлиги кузатилган.

Жиноятчилик таҳлилида *криминоген заарланиш коэффициенти* тушунчаси мавжуд бўлиб, у аҳолининг муайян қатламида жиноятчиликнинг тарқалиш даражасини акс эттиради⁶⁸.

Мисол учун, мамлакатимизда аёлларнинг криминоген заарланиш коэффициентини кўриб чиқадиган бўлсак, бунда қўйидаги формулага мурожаат қиласиз:

$$КЗКа = \frac{Жуа}{Ауа}$$

бу ерда, КЗКа – аёлларнинг криминоген заарланиш коэффициенти; Жуа – аёлларнинг умумий жиноятдаги улушки; Ауа – аёлларнинг аҳоли умумий сонидаги улушки. Демак, 2018 йил учун КЗКа ни ҳисоблаб чиқарамиз:

$$КЗКа = \frac{13.7}{49.8} = 0.27 \text{ яъни, жами аёлларнинг } 0,27 \text{ фоизи}$$

жиноятчилика иштирок этган.

Мазкур формула асосида 2018 йил учун эркакларнинг криминоген заарланиш коэффициентини чиқарадиган бўлсак, у 1.72 ни ташкил этиб, эркакларнинг жиноятчилиқдаги иштироки мазкур даврда республикамизда аёлларнинг жиноятчилиқдаги иштирокига нисбатан 6.4 баровар юқори бўлганлигидан далолат беради.

Хусусан, 2008 йилда эркаклар ва аёлларнинг криминоген заарланиш коэффициенти ўртасидаги фарқ 5,6 бароварни ташкил этганлиги (1.7 / 0.3)ни инобатга олсак, мамлакатимизда аёллар ўртасида криминоген заарланиш ҳолатлари камайганлигини кўрамиз. Ҳолбуки, дунёда аёлларнинг криминоген заарланиш коэффициентининг ошиб бориш тенденцияси

⁶⁸ С.Г.Ольков.Аналитическая криминология (курс лекций).Учебное пособие. Казань. Познание.2008.57-б.

кузатилаётган бўлиб, қайсиdir маънода бизда аёллар жиноятчилигига қарши кураш борасида олиб борилган чора-тадбирлар ўз самарасини берган бўлиши мумкин деб ҳисоблаймиз.

Худди шунингдек, қriminogen заарланиш коэффицентини вояга етмаганлар, ишсизлар, муқаддам судланганлар, шаҳар ёки қишлоқ аҳолиси, талабалар, мактаб ўқувчилари кабилар учун ҳам ҳисоблаб чиқариш мумкин.

Жиноятчилик структураси – жиноятчиликнинг сифат хусусиятлари, яъни мазмуни ва табиатини янада очиб беришга хизмат қиласи. Жиноятчилик структурасини таҳлил қилиш орқали жиноятчиликни барча таркибий элементлари ва уларни ўзаро муносабати; ҳар бир элементнинг умумий жиноятчиликдаги ўрни ва улуши ҳамда алоҳида элементнинг ўзига хосликлари аниқланади⁶⁹.

Шу билан бирга, жиноятчилик структурасини узоқ вақт тадқиқ қилиш жиноятчиликдаги аниқ тенденциялар ва қонуниятларни кўра билиш ва тушуниш учун ҳам кўмаклашади.



Табиийки, турли давлатларда ёки ҳудудларда жиноятчилик ҳолатининг кўрсаткичлари турлича. Бироқ, бу ҳеч нарсани англатмайди. Сабаби, бу ҳолат давлатлардаги ҳуқуқ тизимлари, жиноятларни ҳисобини юритиш шакллари, жиноятчиликнинг сабаблари ва шарт-шароитлари, жиноятчиликка қарши кураш усуллари ва воситалари бир-биридан фарқ қилиши билан изоҳланади.

Хусусан, Шимолий Америка ва Ғарбий Европадаги ривожланган давлатларда ҳар 100 минг киши бошига 6-12 минг жиноят тўғри келса, қатор ривожланаётган давлатларда бу кўрсаткич 2-4 мингни ташкил этади. Бу жиноятчиликнинг миқдор кўрсаткичи⁷⁰. Аммо, ривожланган давлатда ғаразгўйлик мотиви остида содир этиладиган мулкчиликка қарши жиноятларнинг умумий жиноятчиликдаги улуши юқори бўлиб (85-95 фоизгача бориб этади), ривожланаётган давлатларда зўравонлик мотиви остида содир этиладиган шахсга қарши жиноятларнинг салмоғи юқори эканлигини кузатилади. Ўз навбатида, шахсга қарши жиноятларнинг оғирлик даражаси мулкка қарши жиноятларга нисбатан юқори саналиб, улар салмоғининг кўплиги мамлакатда қriminogen вазият моҳиятан хавфлироқ эканлигидан далолат беради.

Қуйида республикамида 1992 ва 2018 йилги жиноятчиликни жиноят турлари бўйича структурасига доир таққослама графики майлумот тақдим этилади:

⁶⁹ В.Н..Кудрявцев. Популярная криминология: монография. – М.: Норма, 2018. 120-121-б.

⁷⁰ В.В.Лунеев.Курс мировой и Российской криминологии: Учебник. В 2 т. Т. I. Общая часть. — М. : Издательство Юрайт, 2011. 322-б.



Жиноятчилик структураси жиноятчиликка хос қўйидаги бир қатор белги-хусусиятларга кўра таҳлил қилиниши мумкин:

жиноий-ҳуқуқий хусусиятлар (жиноят турлари, тоифалари, объектлари, субъектлари)га кўра кўра;


криминологик хусусиятларга (қилмишнинг характеристи, мотивлари) кўра;

процессуал хусусиятларга (суд-тергов фаолиятининг процессуал хусусиятлари, босқичлари, қабул қилинган қарорлар мазмуни) кўра;

ижтимоий хусусиятлар (жиноятчиликка таъсир кўрсатган омиллар, келиб чиқсан оқибатлар)га кўра;

айбланувчи ва жабрланувчининг шахси хусусиятлари (ёши, маълумоти, бандлиги, иқтисодий ҳолати, ижтимоий ҳолати, миллати, фуқаролиги, эътиқоди, оиласвий аҳоли, муқаддам судланганлиги)га кўра ва бошқалар.

Мисол учун, жиноят содир этган шахсларнинг ёши бўйича таркибни кўриб чиқайлик.



Ушбу диаграммадан 2008 йилга нисбатан 2018 йилда вояга етмаганлар томонидан, шунингдек, 18-24 ёшгача ва 25-30 ёшгача бўлган шахслар томонидан жиноят содир этиш ҳолатлари бир мунча камайганлиги боис, 31 ёш ва ундан катталар томонидан жиноят содир этиш ҳолатлари кўпайганлигини кузатиш мумкин. Бироқ, бу ерда жиноий-хукуқий статистикада шакллантирилган ёш интерваллари билан келишиб бўлмайди. Сабаби, улар жиноят содир этган шахсларнинг ёш хусусиятларини атрофлича очиб бермайди.

Жиноятчилик структураси жиноятчилик характерини, турли объектларга бўлаётган жиноий тажовузнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини, воқеа ва жараёнларни ўзаро боғлиқлигини ўрганиш учун ҳам хизмат қиласди.

Мисол учун, ғараз мақсадларга амалга оширилаётган мулкий жиноятларнинг сабаблари маълум маънода жамиятдаги иқтисодий жараёнлар билан, зўравонлиқда ифодаланган шахсга қарши жиноятларнинг сабаблари эса ижтимоий-демографик ва ижтимоий-психологик жараёнлар билан боғлиқ бўлади.

Жиноятчилик структурасини вақт оралиғида кузатиб бориш орқали криминоген вазиятга таъсир қилаётган ижтимоий-иктисодий жараёнларни аниқлаш, жиноятчиликнинг алоҳида турларини прогнозлаш ва олдини олиш мумкин бўлади.

Жиноятчилик характери — жиноятчиликнинг муҳим сифат кўрсаткичи бўлиб, у жиноий хулқ-атворнинг мазмун-моҳиятини, жиноятчилик таркибида айrim жиноятларнинг авж олиши ва бошқа жиноятларга таъсир кўрсатишини, жиноятчиликни аҳолининг муайян гурухлари ҳамда муайян ижтимоий соҳаларда орасида тарқалишини тавсифлайди⁷¹.

Жиноятчилик аввало жиноят қонунчилиги билан қўриқланадиган тажовуз обьектидан келиб чиқиб характерланади. Мисол учун, амалдаги жиноят қонунчилигимизда тажовуз обьектлари қуйидаги катта гурухларга

⁷¹ В.В.Лунеев.Курс мировой и российской криминологии: Учебник. В 2 т. Т. I. Общая часть. — М. : Издательство Юрайт, 2011. 325-б.

тавсифланади: шахсга қарши жиноятлар; тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар; иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар; экология соҳасидаги жиноятлар; давлат ҳокимияти ва бошқаруви тартибига қарши жиноятлар; жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар; ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар.

Мазкур катта гурухлар ўз навбатида яна кичик гурухларга (тажовуз объектининг тоифаларига) бўлинади.

Бироқ, жиноятчиликнинг асл субъектив омиллари (мотивлари) ҳамда объектив омиллари (сабаблари, шарт-шароитлари)ни аниқлаш учун жиноятчиликни фақат тажовуз объектига кўра характерлашни ўзи камлик қиласди. Жиноятчилик мотиви (шахснинг муайян эҳтиёжини қондириш истаги) ҳамма вақт ҳам жиноят қонунчилиги маҳсус қисмининг бўлимлари ва боблари билан мос келавермайди. Шахс ғараз мақсадда қотиллик жиноятини содир этиши ёки шахсий адован замирада мулкка тажовуз қилиши ҳам мумкин.


Шундай бўлсада, криминологлар жиноятчиликни мотивларига кўра қўйидаги характерлашга уринадилар: сиёсий-гоявий мотив остидаги жиноятлар; зўравонлик мотиви остидаги жиноятлар; ғаразгўйлик мотиви остидаги жиноятлар; тартибузарлик (анарак) мотиви остидаги жиноятлар; масъулиятсизлик мотиви остидаги жиноятлар; аралаш ёки мураккаб мотивли жиноятлар⁷².

Булардан ташқари жиноятчилик таркибини қўйидаги бир қатор критерийлардан келиб чиқиб таҳлил қилиш мумкин: иқтисодий жиноятчилик; коррупциявий жиноятчилик; уюшган жиноятчилик; профессионал жиноятчилик; такрорий ёки рецидив жиноятчилик; маст ҳолатдаги жиноятчилик; ёшлар жиноятчилиги; вояга етмаганлар жиноятчилиги; аёллар жиноятчилиги; шаҳар худудидаги жиноятчилик; қишлоқ худудидаги жиноятчилик; жамоат жойларида жиноятчилик; хонадонлардаги жиноятчилик; кўча жиноятчилиги; гиёхвандлик билан боғлиқ жиноятчилик; қурол-яроғни қўллаш билан боғлиқ жиноятчилик; кабағаллик билан боғлиқ жиноятчилик; тўқчилик билан боғлиқ жиноятчилик; ҳокимият билан боғлиқ жиноятчилик; фош этилмаган жиноятчилик; латент жиноятчилик ва бошқалар.

Жиноятчилик динамикаси – жиноятчилик ўсиши (камайиши)нинг абсолют ёки нисбий қўрсаткичларида ўлчаниб, жиноятчиликни муайян вақт оралиғида ўзгаришини қўрсатади.

⁷² В. В. Лунеев. Мотивация преступного поведения. М., 1991. С. 184—191

Мисол учун, қуидаги графика орқали мамлакатимизда 1987-2018 йиллардаги жиноятчилик динамикасини кўришимиз мумкин.



Жиноятчилик динамикасини таҳлил қилиш жараёнида, одатда, қуидаги параметрлар инобатга олинади: жиноятчиликни абсолют ўсиши; жиноятчиликни ўсиш темпи; жиноятчиликни ўртача абсолют ўсиши; жиноятчиликни ўртача ўсиш темпи; ўсиш коэффициенти; оғиш коэффициенти⁷³.

Куида ушбу параметрларни тегишли формулаларни қўллаган ҳолда республикамиз ҳудудида 1990-2018 йиллардаги жиноятчиликни динамик таҳлилини кўриб чиқамиз.

Йил	Жиноят сони, та Жа – абсолют жиноят	Абсолют ўсиш, та		Ўсиш темпи, %		Ўсиш коэффициенти	
		занжирили $\dot{Y}_3 = \dot{Ja} - \dot{Ja}_{-1}$	базага (1990 й.) нисбатан $\dot{Y}_b = \dot{Ja} - \dot{Jb}$	занжирили $\dot{Y}T_3 = \dot{Y}_3 / \dot{Ja}_{-1} * 100$	базага (1990 й.) нисбатан $\dot{Y}T_b = \dot{Y}_b / \dot{Jb} * 100$	1%лик ўсиш 0,01* \dot{Ja}_{-1}	$\dot{Y}K = \dot{Y}T_3 / \dot{Y}T_{3-1}$
1990	88 155	-	-	100	100	-	-
1991	88 630	808	808	0,9	0,9	882	-
1992	93 926	5 296	5 771	6,0	6,5	886	5,1
1993	90 028	-3 898	1 873	-4,1	2,1	939	-10,1
1994	73 561	-16 467	-14 594	-18,3	-16,5	900	-14,2
1995	67 026	-6 535	-21 129	-8,9	-24,0	736	9,4
1996	65 980	-1 046	-22 175	-1,6	-25,1	670	7,3
1997	66 982	1 002	-21 173	1,5	-24,0	660	3,1

⁷³ С.Г.Ольков.Аналитическая юриспруденция.Учебник.Сургут.СурГУ.2012.55-60-б

Йил лар	Жиноят сони, та Жа – абсолют жиноят	Абсолют ўсиш, та		Ўсиш темпи, %		Ўсиш коэффициенти	
		занжирилли $\bar{Y}_3 = \bar{J}a - \bar{J}a_{-1}$	базага (1990.) нисбатан $\bar{Y}_0 = \bar{J}a - \bar{J}b$	занжирилли $\bar{Y}_{T3} = \bar{Y}_3 / \bar{J}a_{-1} * 100$	базага (1990.) нисбатан $\bar{Y}_{T0} = \bar{Y}_0 / \bar{J}b * 100$	1%лик ўсиш $0.01 * \bar{J}a_{-1}$	Ўсиш коэфф. $\bar{Y}K = \bar{Y}_{T3} / \bar{Y}_{T3-1}$
1998	68 953	1 971	-19 202	2,9	-21,8	670	1,4
1999	75 423	6 470	-12 732	9,4	-14,4	689	6,5
2000	73 904	-1 519	-14 251	-2,0	-16,2	754	-11,4
2001	74 314	410	-13 841	0,6	-15,7	739	2,6
2002	77 199	2 885	-10 956	3,9	-12,4	743	3,3
2003	78 925	1 726	-9 230	2,2	-10,5	772	-1,7
2004	79 129	204	-9030	0,3	-10,2	789	-1,9
2005	79 883	754	-8272	0,9	-9,4	791	0,6
2006	82 352	2 469	-5803	3,1	-6,6	799	2,2
2007	83 905	1 553	-4250	1,9	4,8	839	0,61
2008	88 007	4 102	-148	4,9	-0,2	823	3,8
2009	89 388	1 381	1233	1,6	1,4	880	-5,3
2010	90 050	662	1895	0,7	2,1	894	-0,9
2011	90 617	567	2462	0,6	2,8	900	-0,1
2012	90 660	43	2505	0,05	2,8	906	-0,55
2013	90 152	-508	1997	-0,6	2,3	907	-0,65
2014	89 360	-792	1205	-0,9	1,4	901	-0,3
2015	87 946	-1414	-209	-1,6	-0,2	894	-0,7
2016	87 412	-534	-743	-0,6	-0,8	879	1
2017	73 692	-13720	-14463	-15,7	-16,4	737	-15,1
2018	<u>49 011</u>	-24681	-39 144	-33,5	-44,4	-	-17,8
жами	2 250 665	-38 811					
<i>Қаторларнинг ўртача</i>		$K_{\text{ўрт}} = \frac{1}{28} \sum \bar{J}a$	$K_{\text{ўрт}} = 2 250 665 / 28 = \mathbf{80 381}$				
<i>кўрсаткичи</i>							
<i>Ўртача абсолют ўсиши</i>		$\bar{Y}_{\text{ўрт}} = \frac{1}{28-1} \sum \bar{Y}_3$	$\bar{Y}_{\text{ўрт}} = -38 811 / 27 = - \mathbf{1437}$				
<i>Ўртача ўсиши темпи</i> (занжирилли) ёки коэф.			$\bar{Y}T_{\text{ўрт}} = -1,71 \%$				
<i>Фарқланиши</i>		$\Phi = K_{\max} - K_{\min}$	$\Phi = 93926 - 49011 = \mathbf{44 915}$				
<i>Ўртача квадратни оғизи</i> (дисперсия)		$D = \frac{1}{28-1} \sum (\bar{J}a - K_{\text{ўрт}})^2$	$\bar{Y}K\chi = \sqrt{D} = \mathbf{10 582}$				
<i>Осилияция</i> (оғизи) коэффициенти		$OK = \frac{\Phi}{K_{\text{ўрт}}} * 100$	$OK = 44915 / 80381 * 100 = \mathbf{55,9 \%}$				
<i>Вариация</i> (ўртача оғизи) коэффициенти		$BK = \frac{\bar{Y}K\chi}{K_{\text{ўрт}}} * 100$	$BK = 10580 / 80 381 = \mathbf{13.2 \%}$				

Динамик қаторлар – муайн вақт оралиғидан иборат бўлиб, одатда, унда бир йиллик вақт интерваллари ҳисобга олинади. Бироқ, тадқиқотнинг мақсади ва характеристига кўра улар 3, 5 йиллик ёки ойлик, ҳатто, кунлик ҳам бўлиши мумкин. Узоқ вақт интерваллари жиноятчиликдаги умумий тенденцияни кузатишга кўмаклашса, қисқа вақт интерваллари жиноятчиликдаги оғиш ҳолатларини кузатиш имконини беради⁷⁴.


Жиноятлар динамикасини таҳлил қилишда абсолют қўрсаткичларга нисбатан нисбий қўрсаткичлар, яъни фоиз қўрсаткичлар билан ишлаш ҳам қулайроқ, ҳам тушунарлироқ ҳисобланади.

⁷⁴ В.В.Лунеев. Юридическая статистика. Учебник. — М.: Юристъ, 1999. 247-б.

Шу билан бирга, динамик қаторларни жадвалли шаклга нисбатан график шаклда ифодалаш унинг презентативлигини янада ошишига хизмат қиласи.

Муайян вақт оралиғи давомида нафақат жиноятчиликнинг умумий динамикаси, балки унинг структуравий элементларининг динамикаси ҳам ўзгаради. Шу нұқтаи назардан, жиноятчилик динамикасини таҳлил қилишда унинг алоҳида турларининг динамикасини ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ саналади.

Мисол учун, қуйида 2007-2018 йилларда фирибгарлик жиноятыни содир этилиш динамикасини кўриб чиқайлик.



Мазкур график таҳлил натижалари бўйича айтиш мумкинки, мамлакатимизда 2007-2018 йиллар давомида фирибгарлик жиноятыни ўсиш тенденцияси кузатилган, хусусан, бу даврда фирибгарлик жиноятыни содир этган шахслар сонининг йиллик ўртacha ўсиш темпи 11,5%ни ташкил этган.

Гарчи, 2018 йилда фирибгарлик жиноятыни содир этган шахслар сони кескин камайиши кузатилган бўлсада, бошланғич давр қўрсаткичларини (2007 й.) инобатга олганда ўсиш тенденцияси сақлаб қолинган.

Жиноятчилик тенденцияси — (лат. *tendentia* - йўналганлик) динамик ўзгаришлар асосида жиноятчилик ва унинг алоҳида турларини ўтмишда, ҳозирда ва келажакда ривожланишининг асосий йўналишини очиб берувчи мезондир.

Дунё миқёсидаги жиноятчиликка доир глобал тенденциялардан бири – жиноятчиликнинг интенсив ўсиши ҳисобланади. БМТнинг жиноятчиликка оид нашрларида қайд этилишича дунё аҳолиси йилига тахминан 1 %дан кўпаяётган бир вақтда жиноятчилик йилига 5 %дан ўсиб бормоқда⁷⁵.

Жиноятчилик географияси — жиноятчиликни вақт ва маконда тақсимланиши бўлиб, у муайян регионлар, давлатлар ва маъмурий ҳудудий бирликларни қатор ўзига хос хусусиятлари: демографияси, ижтимоий-

⁷⁵ Результаты Четвертого Обзора ООН по вопросу о тенденциях в области пре-ступности и функционирования систем уголовного правосудия. Промежуточный доклад, подготовленный Секретариатом. A/CONF. 169/15. 1994. 20 дек.

иқтисодий турмуш тарзи, миллий анъана ва қадриятлари билан бевосита боғлиkdir.

Жиноятчиликни ҳудудий тақсимланиши дастлаб XX асрнинг 1-ярмида Францияда амалга оширилиб, криминолог А.Кетле томонидан жиноятларни ҳудудий тақсимланиш картаси тузилган эди. Кейинчалик у қатор давлатларда, хусусан, дунё миқёсида оммалашди, хусусан, БМТ ва Интерпол фаолиятида ҳам жиноятчилик ва ҳукуқбузарликлар картасини тузилиши йўлга қўйилди.

Жиноятчилик географиясини картограммалар орқали яққол намойиш қилиш мумкин. Жиноятлар уни содир этилиш жойларини (кўчалар, магазин, ташкилот, хонадон, вокзаллар ва бошқа жамоат жойлари) кўрсатган ҳолда намойиш этилган карталар, одатда *жиноятлар топографияси* деб номланади.


Жиноятчилик географияси таҳлили ҳудудий ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг самарадорлигини; аҳолининг жиноятчиликка доир муносабатини; ҳудуднинг криминоген ҳавфсизлик ҳолатини ҳамда ҳудуддаги жиноятчилик шу ҳудудга хос хусусиятлар билан қай даражада боғлиқлигини очиб беришга хизмат қиласи.

Дунё миқёсида жиноятчиликка оид умумий тенденциялар ва қонуниятлар мавжуд бўлишига қарамай, қатор давлатлардаги ва ҳатто давлатларнинг маъмурий-ҳудудий бирликларида жиноятчилик ўзининг ҳолати, структураси ва динамикасига кўра бир-биридан фарқ қиласи. Мисол учун, 1990 йилда собиқ СССРда жами 2,8 млн. жиноят қайд этилиб, жиноятчилик коэффициенти умумий ҳудуд учун 958 ни ташкил этгани ҳолда, ушбу кўрсаткич Эстонияда 1511, Россияда 1242, Ўзбекистонда 434, Озарбайжонда эса 217 (Эстониядан 7 баровар кам) ни ташкил этган⁷⁶. Мазкур тенденция хозиргача сақланган бўлиб, 2018 йил ҳолатига Озарбайжонда жиноятчилик коэффициенти 265 ни, Эстонияда 2203 ни ташкил этган.

Маъмурий-ҳудудий бирликларда жиноятчилик даражаси ўртасидаги тафовут 8-10 баровар ва ундан юқорини бўлиши ҳолати тегишли ҳудудлардаги ҳақиқий ҳолатни атрофлича ўрганиш заруратини келтириб чиқаради. Акс ҳолда, ушбу ҳолат мамлакатдаги умумий криминоген вазиятни баҳолаш, хусусан жиноятчиликни прогноз қилиш ва зарур чора-тадбирларни белгилашга тўсқинлик қиласи.

Куйида келтириладиган диаграмма орқали Ўзбекистонда 2008-2018 йилларда жиноятларни ҳудудлар кесимида тақсимланишини кўриш мумкин.

⁷⁶ Преступность и правонарушения. Статистический сборник СССР. 1991 г.



Жиноятчилик географиясини таҳлил қилишда унинг худудлар кесимидағи структураси ва динамикаси муҳим аҳамият касб этади. Жиноятчиликнинг алоҳида турларини худудий тақсимланиши асосида ҳар бир худуднинг жиноятчиликдаги улушкини аниқлаш ва жиноятчиликнинг сабабларини чуқурроқ ўрганиш мумкин. Бироқ, шуни ҳам инобатта олиш лозимки, ҳудудларда барча турдаги жиноятлар бир ҳил тақсимланмайди. Бир худудда ғаразгўйлик билан боғлиқ жиноятлар, бошқа худудда зўравонлик билан боғлиқ жиноятлар, яна бошқасида рецидив жиноятлар ёки вояга етмаганлар жиноятчилиги кўпайиши ёхуд бир худудда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар кўпайса, бошқа худудда оғир ва ўта оғир жиноятлар кўпайиши мумкин.

Латент жиноятчилик (лот. latens – яширин, кўринмас) — ҳақиқатда содир этилган жиноятларнинг реал, бироқ яширин ёки рўйхатга олинмаган қисмидир⁷⁷. Фактик жиҳатда ҳақиқатда содир этилган жиноятлар рўйхатга олинган ҳамда суриштирув ва тергов ҳаракатлари олиб борилган жиноятлардан бир неча баровар кўпроқдир. Хусусан, эксперталар томонидан мазкур тафовут 2-3-4-5 бароварни ташкил этишлиги эътироф этилади.

Ўзининг шаклланиш механизмига кўра латент жиноятчилик қўйидаги турларга бўлинади⁷⁸:

хабар (ариза) берилмаган жиноятлар, яъни жиноят содир этилганлиги маълум бўлсада жабрланувчи, гувоҳлар ва бошқа шахслар томонидан

⁷⁷ С.М.Иншакова. Латентная преступность в РФ: 2001—2006 годы.

⁷⁸Р.М.Ақутаев.Криминологический анализ латентной преступности [Электронный ресурс] : Дис. ... д-ра юридические науки : 12.00.08. - М.: РГБ, 2007. - (Из фондов Российской государственной библиотеки)

хукуқни муҳофаза қилувчи органларга бу ҳақда маълум қилинмаган жиноятлар;

рўйхатга олинмаган жиноятлар, жиноят ишини қўзғатиш ва рўйхатга олиш учун асослар мавжудуд бўлсада, хукуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан рўйхатга олинмаган ва тергов олиб борилмаган жиноятлар;

фоши этилмаган жиноятлар, жиноят ҳақида хабар берилган, ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари олиб борилган, бироқ, тергов ва тезкор-қидирув органларининг масъулиятсизлиги ёки малакаси етарли бўлмагани боис жиноят ҳодисаси ёки жиноят таркиби аниқланмаган ҳолатлар.

Бироқ, амалиётда, латент жиноятлар деганда, одатда, статистик ҳисоботларга кирмай қолган, яъни қайд этилмаган жиноятлар тушунилади.

Латент жиноятчиликнинг масштаби, одатда, аниқ бўлмайди. Фақатгина баъзи давлатларда турли социологик, статистик ва аналитик методларни қўллаган ҳолда унинг тахминий кўламини аниқлаш амалиёти йўлга қўйилган. Ушбу методлар қаторига: айрим жиноий-статистика қўрсақчиларини ўзаро таққослаш; жиноятлар ҳисобини бошқа ҳукуқбузарликлар ҳисоби билан ўзаро таққослаш; тиббиёт муассасаларига етказилган тан жароҳатлари бўйича мурожаатларни таҳлил қилиш; жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқилишини таҳлил қилиш; фуқаролар ёки судланганлардан сўров қабул қилиш; эксперт баҳолари кабиларни киритиш мумкин.

Халқаро миқёсда латент жиноятчиликни аниқлашга доир методикаларни ишлаб чиқишига уринган криминолог олимлар кўп бўлган. Хусусан, криминолог С.Г.Ольков ва Э.Г.Юзихановалар латент жиноятчиликни аниқлашнинг математик моделини ишлаб чиқканлар. Унга кўра, латент жиноятчилик қуидаги математик формула асосида ҳисобланади⁷⁹:

$$L = \frac{\beta l}{C} * 100 \% ,$$
 бу ерда L – латент жиноятчилик даражаси, βl – латент жиноятлар мультиплатори, C (real crime) – ҳисобга олинган ва ҳисобга олинмаган (латент) жиноятчилик йигиндисидан иборат бўлган ялпи жиноятчиликдир.

Ўз навбатида, $\beta = \frac{R}{W}$; $C=R*\beta l$ ва $l=C-R$ га teng бўлиб, бу ерда R (*registered crime*) – рўйхатдан ўтган жиноятлар сони, W – судланган шахслар сони, l – латент жиноятлар сонини ташкил этади.

⁷⁹ Ст. С.Г.Олькова. Основное криминологическое тождество, измерение латентной преступности в мире и России . УзЛит. 2019. №4. 4-14 с.

Ушбу формула орқали, мамлакатимизда 2019 йил учун латент жиноятчилик даражасини кўриб чиқамиз, бу даврда жами 46 089 та жиноят рўйхатга олинган ва 36 845 нафар шахс судланган:

$$\beta = \frac{46089}{36845} = 1.25$$

$$C = R * \beta l = 46089 * 1.25 = 57\,611$$

$$l = C - R = 57\,611 - 46089 = 11\,522$$

$$L_{2019} = \frac{11\,522}{57\,611} * 100 \% = 20 \%$$

Демак, ҳисоб натижалари бўйича айтиш мумкинки, 2019 йилда мамлакатимиздаги латент жиноятчилик даражаси 20 %ни ёки 11 522тани ташкил этиб, ялпи жиноятчилик 57 611 тадан иборат бўлганлиги эҳтимол қилинади.

Хусусан, ўғирлик жинояти жами рўйхатдан ўтган жиноятлар таркибида 11,4 фоиз улушни (5367тани) ташкил этганлигини инобатга олсан, ялпи ўғирлик 6568 тадан (5367+5367*0,114), латент ўғирлик 1201 тадан иборат бўлган деб таҳмин қилиш мумкин бўлади.

Жиноятчиликда ўзаро боғлиқлик, корреляцион таҳлил. Маълумки, жиноятчиликнинг детерминантлари бўлиб қатор криминоген ва антикриминоген факторлар ҳисобланади. Криминологлар жиноятчиликни келтириб чиқарувчи сабабларни чуқур ўрганишга ва ҳатто рўйхатини тузишга ҳам уринганлар. Бироқ, жиноятчиликка таъсир этувчи омилларнинг аниқ рўйхатини тузишнинг имкони йўқ, сабаби, улар комплекс ҳолда жиноятчилик ҳолатига у ёки бу таъсирни кўрсатади.

Криминоген омилларни шартли равишда: табиий (табиат билан боғлиқ), психофизиологик (шахс билан боғлиқ) ва ижтимоий (жамиятдаги ижтимоий муҳит билан боғлиқ) омилларга бўлиш мумкин. Давлат жиноятчиликка таъсир этувчи ижтимоий омилларни назорат остига олиши ва шу орқали жиноятга мойил шахсларга ҳам таъсир кўрсатади.

Жиноятчиликка таъсир кўрсатувчи ижтимоий криминоген омилларнинг салмоқли қисми – ижтимоий девиациялар (оғиш) ҳисобланади. Улар жумласига, жамиятда ўрнатилган ҳар қандай нормалардан, хусусан ҳукуқий нормалар, ахлоқий нормалар, касбий талаблар, маданий меъёрлардан чекиниш ҳолатлари киради. Мисол учун, ҳукуқбузарликлар, спиртли ичимликларни суистеъмол қилиш, гиёҳвандлик, фоҳишалик, дайдилик, тиламчилик, қиморбозлик ва бошқалар. Бундай девиациялар жиноятчиликка яқин бўлиб, бири-бирига ўтиш ҳолатлари кўп кузатилади.

Корреляцион таҳлил орқали муайян криминоген факторларни маълум бир вақт ва макон оралиғидаги жиноятчиликка таъсир кучини ўрганиш мумкин бўлади.

Жиноятчиликни таҳлил қилишдан мақсад, албатта, криминоген факторларни аниқлаш билан бир вактда, жиноятчиликни келгусида қандай кечишини прогнозлашдан ҳам иборатдир.

Жиноятчиликни прогнозлаш. Ҳар қандай фаолиятнинг муваффақияти у билан боғлиқ воқеа-жараёнларни ишончли прогноз қила олишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Прогностик хулосалар орқали биз юз бериши мумкин бўлган жараёнларга олдиндан тайёргарлик кўриш, куч ва воситаларни рационал тақсимлаш, оптимал қарорлар қабул қилиш ва фаолиятни тўғри режалаштириш, кўзланган мақсадларга эришиш имкониятига эга бўламиз.

Прогнозлаш (грек. prognosis - олдиндан кўра билиш) – ўрганилаётган объекти үтмишдаги ва ҳозирги эволюцион ҳаракатланиш ва ривожланиш қонуниятлари, тенденцияси асосида унинг келажаги ҳақида фикр юритиш демакдир⁸⁰.

Криминологик прогнозлаш, ўз навбатида, мавжуд тенденция ва қонуниятларни инобатга олган ҳолда келажакда жиноятчиликни ривожланишидаги ўзгаришларни кўра билишдан иборатдир.

Жиноятчилик прогнози: криминализациялашни талаб этадиган янги ижтимоий хавфли қилмишни прогнозлаш; ўз ижтимоий хавфлилигини йўқотадиган ва декриминализацияни талаб этадиган қилмишларни прогнозлаш; жиноят қонунчилигининг алоҳида нормалари ёки профилактик чоралар самарадорлигини прогнозлаш кабилардан иборат бўлиши мумкин.

Криминологик прогнозлашдан келажакда содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг аниқ кўрсаткичи, ёки муайян шахсларнинг аниқ ҳулқатворини кутиш тўғри бўлмайди. Криминологик прогнозлаш кўп ҳолларда жиноятчиликликни тенденция ва қонуниятларини ўрганиш, жиноятларни олдини олиш ва оқибатларини минимизация қилиш мақсадида амалга оширилади.

Прогноз ҳамма вақт тахминий, исталмаган (негатив характерда) ҳамда криминоген ва антикриминоген факторларнинг кечишига кўра кўп вариантли бўлади.

Криминологик прогнозлашда энг кўп қўлланиладиган метод экстраполяция бўлиб, у динамик қаторларни тенглаштириш орқали амалга ошириладиган статистик услублар асосида жиноятчиликка хос тенденцияларни тўғри аниқлаш имконини беради.

⁸⁰ Афанасьев В.Н. Анализ временных рядов и прогнозирование: учебник / В.Н. Афанасьев, М.М. Юзбашев. – М.: Финансы и статистика, 2001. 21-б.

Мисол учун, 2011-2018 йилги жиноятчилик кўрсаткичлари асосида 2019-2020 йиллар учун гиёхвандлик билан боғлиқ жиноятлар прогнозини амалга ошириб кўрамиз:

№	Йиллар	Гиёхвандлик билан боғлиқ жиноятлар сони	Абсолют ўсиш сурати $\bar{Y}_3 = \bar{X}_a - \bar{X}_{a-1}$	Қаторларни тенглаш $K_{тенг} = A + \bar{Y}_{\text{прт.}} * K$
1	2011	5581	-	$K_1 = 5736 - 279 * 1 = 5457 \quad (124; 2,2\%)$
2	2012	5339	-242	$K_2 = 5736 - 279 * 2 = 5178 \quad (161; 3\%)$
3	2013	5017	-322	$K_3 = 5736 - 279 * 3 = 4899 \quad (118; 2,3\%)$
4	2014	4504	-513	$K_4 = 5736 - 279 * 4 = 4620 \quad (-116; -2,6\%)$
5	2015	4361	-143	$K_5 = 5736 - 279 * 5 = 4341 \quad (20; 0,5\%)$
6	2016	4209	-152	$K_6 = 5736 - 279 * 6 = 4062 \quad (147; 3,5\%)$
7	2017	3539	-670	$K_7 = 5736 - 279 * 7 = 3783 \quad (-244; -6,9\%)$
8	2018	3172	-367	$K_8 = 5736 - 279 * 8 = 3504 \quad (-332; -10,5\%)$
9	2019	3347	175	$K_9 = 5736 - 279 * 9 = 3225 \quad (122; 3,6\%)$
10	2020			$K_{10} = 5736 - 279 * 10 = 2946$
11	2021			$K_{11} = 5736 - 279 * 11 = 2667$
	жами	39069	-2234	
	ўрта номустақил аъзо	$\bar{X}_{\text{прт.}} = 4341$	$\bar{Y}_{\text{прт.}} = -279$	
	ўрта боғловчи аъзо			$K_{\text{прт.}} = (1+2+3+4+5+6+7+8+9)/8=5$
	Мустақил аъзо			$A = \bar{X}_{\text{прт.}} - \bar{Y}_{\text{прт.}} * K_{\text{прт.}} = 4341 - (-279) * 5 = 5736$
	ўрта эластиклик			$\bar{E}_{\text{прт.}} = \bar{Y}_{\text{прт.}} * K_{\text{прт.}} / A \quad \bar{E}_{\text{прт.}} = 0,24 \%$
	Хатолик ўрта аппроксимацияси			$X_{\text{прт.}} = \sum \frac{(\bar{X}_{\text{ка}} - \bar{X}_{\text{прт.}}) * 1}{9} \quad X_{\text{прт.}} = 3,9 \%$

Ушбу жадвалдан кўринадики, 2011-2019 йиллардаги гиёхвандлик билан боғлиқ жиноятлар сонини кўрсатувчи динамик қаторларни текислаш орқали, бу тоифадаги жиноятларнинг абсолют кўрсаткичи 2020 йилда 2946 та ($\pm 10\%$), 2021 йил учун 2667 та ($\pm 10\%$)га тенг бўлишини прогнозлаш мумкин.

Индивидуал жиноий ҳулқни прогнозлаши – суд-тергов органлари ва жазони ижро этиш муассасалари, худуд профилактика инспекторлари томонидан жиноят ёки хуқуқбузарлик содир этган ёхуд профилактик ҳисобда турган шахсларнинг келгусида жиноят содир этишини олдини олиш мақсадида амалга оширилади.

Юқорида келтирилган технологиялар асосида жиноятчиликни таҳлил қилиш мамлакатда, худуд ёки муайян соҳадаги қонунийлик ҳолатини аниқлаш имконини бериши билан ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Қолаверса, жиноятчилик таҳлили усувларидан бошқа турдаги қонунбузилиш ҳолатларини таҳлил қилишда ҳам фойдаланиш мумкин бўлади.

Қонунийлик ҳолати таҳлили

Маълумки, жамиятнинг бошқарув аппарати бўлмиш - давлат ўзининг бошқарувчилик функциясини қонунлар воситасида амалга оширади. Давлат томонидан белгиланган тартибда қабул қилинадиган қонунлар жамиятни тартибга солувчи регулятор бўлиши билан бир вақтда, ижтимоий назоратни энг такомиллашган шакли бўлиб ҳисобланади.

Бироқ, қонунчилик актининг мавжудлиги мамлакатда қонунийликни шакллантириш учун фақатгина йўлланма вазифасини ўтайди, холос. Қонунлар ишламаса, қабул қилинган қонунлар асосида тегишли ҳуқуқий-сиёсий режим шаклланмаса, у ҳолда жамиятда қонунийлик таъминланмайди.

Шунга кўра, қонунийлик *тушунчаси остида биз, аввало, жамият аъзолари томонидан амалдаги қонунларга қатъий ва оғишмай риоя қилиши орқали жамиятда тартибот ва ижтимоий адолатни таъминланишида ифодаланадиган сиёсий-ҳуқуқий жараённи тушунамиз*⁸¹.

Бугунги ривожланган давлатчилик нуқтаи назаридан қонунийлик тушунчаси 3 аспектда кўрилади:

- давлат бошқаруви *методи* сифатида;
- ҳуқуқ субъектлари фаолиятидаги *принцип* сифатида;
- ижтимоий муносабатлар асосини ташкил этувчи ҳуқуқий *режим*, яъни ҳуқуқий *тартибот* сифатида⁸².

Ҳуқуқий давлатда ушбу уч аспект комплекс равишда намоён бўлиши лозим бўлсада, улар ичида энг бирламчиси, яъни *етакчиси – давлат ҳокимиятини қонунийлик услубида амалга оширилиши* ҳисобланади.

Қонунийликни принцип ёки ҳуқуқий режим шаклидаги кўринишлари давлатнинг қонун қабул қилиш жараёнида қай даражада халқнинг иродасини аниқ ва тўлиқ ифода эта олганлиги ҳамда жамият ва шахс манфаатларини қай даражада мутаносиблаштирилганлигидан келиб чиқади.

Шунга кўра, мамлакатда қонунийлик мавжуд бўлиши учун қуйидаги талабларга риоя этилиши муҳим саналади⁸³:

- ҳар қандай ҳуқуқ ижодкорлиги шахсларнинг табиий ҳуқуқ ва эркинларини эътироф этиши ва уларни таъминланишига хизмат қилиши;
- қонун устувор бўлиши учун унда халқнинг тўлиқ иродаси ва умумхалқ манфаати акс этиши, зиддиятлар ва бўшликлар бўлмаслиги, қонунчилик мукаммал бўлиши;
- қонун нормаларига барча ҳуқуқ субъектлари сўзсиз риоя этишлари;
- амалда қонун талабларини бузиш ҳолатларининг олди олинганлиги ва бартараф этилганлиги;
- ҳуқуқбузарликлар учун юридик жавобгарлик муқаррарлигини таъминланиши.

⁸¹<https://lawbook.online>

⁸² "Анализ состояния законности и правопорядка в Российской Федерации: методы сбора и анализа эмпирической информации" (М.: Академия Генеральной прокуратуры РФ, 2010).

⁸³ Настольная книга прокурора (под общ. ред. С.Г. Кехлерова и О.С. Капинус). - М.: Академия Генеральной прокуратуры Российской Федерации, Издательство Юрайт, 2010

Мазкур талабларга бирдай амал қилиниши мамлакатда қонунийликни тұлақонли таъминлашга хизмат қиласы. Бирок, бу үринде қабул қилинаётган қонунлар қай даражада мақсадға мувофиқлиги, яғни жамиятнинг устувор талаб ва эхтиёжларини қондиришга хизмат қилиши билан боғлиқ масала ҳам майдонга чиқады.

Хуқуқий-давлат — унда давлат бошқаруви шундай шаклда ташкил этилади-ки, давлат ва унинг фуқаролари ўртасида муносабатлар ўзаро масъулликни ҳис этиш ҳамда қонун устуворлиги ва барчанинг қонун олдида тенглигини сўзсиз тан олиш асосига қурилади.

Хуқуқий давлатда унинг аъзолари қонунларга унинг аҳамияти ва заруратини англаған ҳолда ихтиёрий риоя этади. Юридик адабиётларда хуқуқий давлатнинг белгилари сифатида қуидагилар кўрсатиб ўтилади:

- ҳуқуқ устуворлиги;
- қонуннинг устунлиги;
- шахснинг ҳуқуқ ва эркинлари устуворлиги;
- шахс ва давлат ўртасида ўзаро жавобгарликни мавжудлиги;
- давлат ва унинг идоралари олдидаги функциянинг аниқлиги ва чегараланганлиги.

Хуқуқий тартибот — бу жамият ҳаётини ҳуқуқ ва қонунчилик асосида ташкил этилиши ва тартиибга солиниш ҳолатидир. Мамлакатда хуқуқий тартибот қуидаги принциплар асосида таъминланади⁸⁴:

- ҳуқуқий тартиботни давлат томонидан ўрнатилиши;
- тартибот мустаҳкам ва барқарор бўлиши;
- аниқ ва расмий шаклга (идеал моделига) эга бўлиши;
- тизимли амалга оширилиши.

Ўзбекистон хуқуқий демократик инсонпарвар давлат қуришни мақсад қилиб қўйган экан унда қонунийлик ва қонун устуворлигини, ва умуман хуқуқий тартиботни таъминлашга масъул давлат органи сифатида, аввало, прокуратура майдонга чиқади. Сабаби, мамлакатда қонунийлик (қонунларга аниқ ва бир хилда риоя этилиши)ни таъминлаш функцияси конституциявий норма асосида айнан прокуратура органлари зиммасига юклатилгандир.

Шунга кўра, прокуратура органларидаги аналитик фаолиятнинг чўққисини – мамлакатда ёки муайян ҳудуд ёки соҳадаги қонунийлик ҳолатини таҳлил қилиш ташкил этади.

Айтиши мумкинки, қонунийлик ҳолати таҳлили – муайян ҳудуд ёки соҳада қонунларга риоя этилиши даражасини ўрганиши, шунингдек, прокуратура

⁸⁴ Аналитическая работа прокуратуры субъекта Российской Федерации: монография / [А.Н. Ларьков и др.; рук. авт. кол. А.Н. Ларьков]; Акад. Ген. прокуратуры Рос. Федерации. – М., 2016. – 292 с.

органлари фаолиятининг самарадорлигини аниқлашига қаратилган таҳлил туридир.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддасида қайд этилганидек, Бош прокурор Президентга қонунийлик ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида мунтазам равишда ахборот тақдим этади.

Қонунийлик ва хуқуқий тартибот ҳолатини таҳлил қилиш икки босқичда амалга оширилади:

1) Қонунийлик ҳолати ҳақидаги маълумотларни (фактларни) тўплаш;

2) Ушбу маълумотларни прокурорлик фаолияти, қонунчилик ва хуқуқни қўллаш амалиётини, қолаверса, давлат хуқуқий сиёсатини коррекциялаш мақсадида таҳлил қилиш.

Шуни инобатта олиш лозимки, қонунийлик ҳолати ҳақидаги маълумотлар асосини – прокуратура органлари, шунингдек, давлат (назорат) органлари томонидан аниқланган барча қонунбузилиш ҳолатлари ташкил этади.

Сабаби, биз юқорида қонунийлик тушунчасини барча хуқуқ субъектлари томонидан қонун талабларига риоя этилиши билан изоҳлаган эдик, ўз навбатида, қонунбузилиш ҳолатларини қонунийлик ҳолатидан далолат берувчи асосий мезон сифатида қабул қилишимиз тўғри бўлади.

Бироқ, бугунги кунда мамлакатимизда қонунбузилиш ҳолатларини ҳисобга олишнинг ягона тизими мавжуд эмаслиги боис, қонунбузилишларнинг умумий суратини ҳосил қилишнинг имкони бўлмай келмоқда.

Айни вазият, қонунийлик ҳолатини тўлиқ ва сифатли таҳлил қилиниши, ўз навбатида мамлакатда қонунийликни таъминлаш чора-тадбирларини тўғри ташкил этилишини таъминлаш мақсадида хуқуқбузарликларни ҳисобга олишнинг марказлашган тизимини жорий этиш заруратини келтириб чиқаради.

Худуддаги ёки соҳадаги қонунийлик ҳолатини тавсифловчи маълумотлар қаторига қонунбузилиш ҳолатлари билан бир вақтда, фуқароларнинг давлат органларига мурожаатлари таҳлили ҳамда ОАВ хабарлар таҳлили натижаларини ҳам киритиш мумкин бўлиб, айни давр мурожаатлар ва ОАВ хабарларини қонунийлик нуқтаи назаридан таҳлил қилишнинг аниқ ва самарали усулларини ҳам ишлаб чиқиши ҳамм тақозо қиласди.

Прокуратура органлари фаолиятида қонунийлик ҳолатини таҳлил қилишга доир таҳлилий ҳужжатлар 2 та катта қисмни ўз ичига олади:

1) мамлакатдаги (худуддаги) қонунийлик ҳолати таҳлили;

2) прокуратура органлари фаолиятининг самарадорлиги таҳлили.

Гарчи, қонунийлик ҳолати қайсиdir маънода прокуратура фаолияти самарадорлигидан далолат берсада, уларни бир вақтни ўзида ҳам умумийликда, ҳам яккаликда таҳлил қилиш прокуратура органларининг ўз фаолиятига тўғри баҳо бериш ҳамда тизимда оптимал бошқарув қарорларини қабул қилишга хизмат қиласди.

Прокуратура органлари фаолиятида прокурорлик фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш асосан Бош прокурорнинг тегишли буйруғи билан тасдиқланадиган “П” шаклли ҳисоботлар кўрсаткичлари, жиноятчилик ҳолатига доир 1; 1.1; 1.2; 2; 2.1; 6; 3; 7 шаклли бирламчи статистик карточкалар асосида шакллантириладиган жиноий-хуқуқий статистик маълумотлар асосида, назорат қилувчи органларнинг маълумотлари, умумий статистика, мурожаатлар, судда кўрилган ишлар таҳлили асосида амалга ошириб келинмоқда.

Прокуратура органларининг муайян соҳадаги назорат фаолиятининг самарадорлиги қуидагилар асосида баҳоланмоқда:

- прокурор таъсир чораларнининг аниқланган қонунбузилиш ҳолатларига мутаносиблиги;
- прокурор назорати хужжатларининг таъсирчанлиги (мисол учун, киритилган ва қаноатлантирилган протестлар улуши каби);
- жиноятчилик ёки қонунбузилиш ҳолатлари, шунингдек, салбий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларда сезиларли ўзгариш, яъни ошиш ёки камайиш ҳолатлари кузатилган тақдирда ушбу жараённи сабаблари таҳлили;
- худудларни ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечими ҳамда давлат дастурлари ижросида прокуратуранинг иштироки.

Прокуратура органлари фаолиятида қонунийлик ҳолатини таҳлил қилиш, умуман аналитик фаолиятни ташкил этишда мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимига доир масалалар келгуси бобда муҳокама этилади.

Ушбу параграфга хulosса ўрнида айтиш мумкинки, прокуратура органларидаги аналитик фаолиятнинг асосий кўринишлари вазият ва қилмишни хуқуқий таҳлили, жиноятчилик таҳлили, қонунийлик ҳолати таҳлили ҳамда фаолият таҳлилидан иборат бўлиб, жиноятчилик таҳлили жараёни технологик жиҳатдан бир мунча такомиллашган, қолган турдаги таҳлил кўринишлари услубий ва технологик жиҳатдан қайта ишлаб чиқишни талаб этади.

III БОБ. ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИДА АНАЛИТИК ФАОЛИЯТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.

3.1.§ Прокуратура органларида аналитик фаолиятни ташкил этишга доир муаммолар таҳлили.

Биз диссертация ишининг биринчи бобида аналитик фаолиятнинг моҳияти, хуқуқий анализаторнинг аналитик фаолиятнинг бошқа турларидан фарқли жиҳатлари, прокуратура органларида аналитик фаолиятни шаклланиши, иккинчи бобида прокуратура органлари фаолиятида қўллаш мумкин бўлган аналитик услублар ҳамда аналитик жараённи амалга оширишга доир айrim технологиялар, хусусан, қилмиш ва вазиятни хуқуқий таҳлил қилиш, жиноятчилик таҳлили, қонунийлик ҳолати таҳлили каби масалаларга тўхталдик.

Мазкур параграфда прокуратура органларида аналитик фаолиятни ташкил этиш мавжуд муаммоларни таҳлилий жиҳатдан кўриб чиқамиз.

Муаммоларни шартли равишда З тоифага ажратиб оламиз:

- прокуратура органларида аналитик фаолиятни ташкилий таъминлашга доир муаммолар;
- прокуратура органларида аналитик фаолиятни услубий таъминлашга доир муаммолар;
- прокуратура органларида аналитик фаолиятни ахборот-технологик таъминлашга доир муаммолар.

Куйида ушбу тоғиалардаги муаммоларни бирма-бир мухокама этамиз.

1) Прокуратура органларида аналитик фаолиятни ташкилий таъминлашга доир масалалар

Прокуратура органларида аналитик фаолиятни ташкил этиш учун, биринчи галда прокуратура органларининг функцияси ва фаолият предметига аниқлик киритиб олиш лозим бўлади. Сабаби, тизимдаги аналитика энг аввало, шу тизим олдидаги мақсад ва вазифаларга бевосита боғлик ҳолда шаклланади.

Шунга қўра, энг аввало, аналитик фаолиятни ташкилий-функционал таъминлаш бирламчи аҳамият касб этади.

Ташкилий-функционал таъминот

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (118-моддаси) билан прокуратура органлари зиммасига – *республика ҳудудида қонунларни аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш функцияси юклатилган*.

Бироқ, бу ўринда олдимизга прокуратура органлари бугунги кунда ушбу функцияни қай даражада бажара оляпти эмас, балки, уни бажара олиши мумкинми деган саволни қўйиб кўрсак ўринли бўлар эди.

Аввало, конституциявий нормадаги “*бажариши*” сўзи эътиборимизни тортади. Биламизки, қонунлар бутун халқимизнинг эрки-иродасини ифодалаши, фуқаролар ва умумжамият манфаатларига хизмат қилиши, жамиятимизнинг ҳар бир аъзосини ҳимоя қилиши зарур. Шунга қўра, қонунларни худди ташқаридан елкамизга юкланганд мажбурият сифатида бажариш эмас, балки, нормал турмушимизни таъминлаб берувчи меъёрлар сифатида уларга *инон-ихтиёrimiz билан риоя этишишимиз* лозим бўлади.

Демак, бундан кўринадики, қонунларни бажариш ибораси ўрнига қонунларга риоя этиш иборасини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Қолаверса, қонунларга риоя этиш тушунчasi нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, у ўз ичига шахснинг ўз ҳукуқларини амалга оширишда қонунлардан фойдаланиши, қонун билан зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариши, яъни қонун талабларини бажариш кабиларни қамраб олади.

Ўз навбатида, қонунларни ҳаётга тўғри тадбиқ этилишини таъминлаш ва уларга риоя этиш жараёнини осонлаштириш учун ваколатли шахслар томонидан *тегишили тартибда қонунларни қўллаш* чоралари кўрилади.

Прокуратуранинг эътибори, одатда, кўп жиҳатдан қонунни қўлловчига қаратилади.

Конституциявий нормадаги “*аниқ ва бир хилда*” ибораси ҳам алоҳида изоҳлашни талаб этади. Биламизки, реал ҳаётда қонунларни аниқ ва бир хилда бажаришнинг ҳам, уларга аниқ ва хилда риоя этишнинг ҳам иложи йўқ. Бу бир қатор объектив ва субъектив омиллар билан боғлиқ. Хусусан, бу жараёнда қонун нормасининг ўзи аниқ бўлмаслиги, қонунга риоя этиши лозим бўлган шахслар доирасини турлича тақсимланиши, айрим шахслар тоифаси учун алоҳида имтиёзларни берилиши, қонунларни қўллаш вақтида муайян қийинчиликларни юзага келиши билан боғлиқ қатор муаммоли саволлар юзага келиши мумкин.

Прокурорнинг назорат фаолияти унинг асосий функцияси сифатида эътироф этилган қатор постсовет мамлакатларида прокурорнинг совет даврида шаклланган “*қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этилишини назорат қилиш*” вазифаси давр талабидан келиб чиқиб, янгича шакллантирилган.

Хусусан, Россия Федерациясида прокуратура зиммасига конституцияга риоя этилиши ва қонунларни ижроси устидан назоратни, Қозогистон Республикасида қонунлар, президент фармони ва бошқа норматив

хужжатларни аниқ ва бир ҳилда қўлланилиши устидан давлат номидан олий назоратни амалга ошириш функцияси юклатилган.

МДҲ давлатлари парламентларо ассамблясининг 16.11.2006 йилда бўлиб ўтган 27-ялпи мажлиси №27-6-сон қарори билан маъқулланган “Прокуратура тўғриси”ги Намунавий қонунда ҳам прокуратура органлари конституция, қонунлар ва миллий ҳуқуқ тизимининг таркибий қисми бўлган халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя этилишини назорат қиласидаган давлат ҳокимиятининг мустақил маҳсус органи сифатида эътироф этилган.

Шу боис, прокуратура органлари функциясини белгилаб берувчи конституциявий нормани қайта кўриб чиқиш лозим бўлади.

Қолаверса, ушбу конституциявий нормани қайта кўриб чиқиш ва унга аниқлик киритиш орқали бугунги кунда мамлакатимизда “Янги Ўзбекистон” шиори остида амалга оширилаётган давлат-ҳуқуқий ислоҳотлар жараёнида юзага келган прокуратура жамиятда қандай функцияни бажариши лозимлигига доир мунозараларга барҳам беришга ҳам эришилади.

2. Айни вақтда, прокуратуранинг *фаолият предмети* ҳам аниқлик киритиши талаб этади. Прокуратуранинг фаолият предмети аввало, унинг давлат бошқарувидаги функциясидан келиб чиқади.

Прокуратура фаолиятининг асосини назорат фаолияти ташкил этгани боис, фаолиятимизда назорат предмети ва назорат обьекти деган ибораларни кўп учратамиз. Ҳатто, уларни баъзида чалкаштириб юборамиз. Сабаби, назорат предмети деганда биз кўпроқ муайян соҳани, назорат обьекти деганда эса маълум бир идорани тушунамиз.

Шу ўринда, прокуратуранинг фаолият предмети ёки назорат предмети нима бўлиши керак деган саволга жиддийроқ жавоб топиб кўрайлик.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг қатор (20, 24, 27, 30-модда) моддаларида прокурорнинг назорат предмети сифатида – вазирлик, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳамда ...mansabdor шахслар томонидан қонунларни ижро этилиши, ...улар қабул қилаётган ҳужжатларни Конституция ва қонунларга мувофиқлиги, ...улар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши, шунингдек, улар фаолиятида тегишли қонун ҳужжатларига риоя этилиши кабилар кўрсатилган.

Бироқ, бу ерда қонунларга риоя этиш, шу жумладан қонун талабларини бажариш (ижро қилиш) тегишли ташкилот ёки унинг мансабдор шахсининг бевосита вазифаси эканлиги, ҳар бир ташкилот ва унинг мансабдор шахси томонидан ўз вазифасини бажариш жараёнини прокуратура алоҳида мустақил орган бўла туриб, назорати остига ололмаслиги, бунинг имкони

ҳам йўқлиги, борди-ю шундай назорат ўрнатилган тақдирда ҳам бу ички идоравий назорат мақомига эга бўлиши эътибордан четда қолдирилган.

3. Шу ўринда, қонунларимиз қай даражада мукаммал, улар шахс ва жамиятни тўлақонли ҳимоя қилишга, қилмишимизга объектив баҳо беришга қодирми деган ҳақли савол туғилади.

Давлатимизда қонун чиқаришга масъул бўлган ва биз профессионал бўлишини истаган парламент бугунги қунда том маънода қонун яратиш билан эмас, балки, ҳукумат ва қонунчилик ташаббусига эга бошқа субъектлар томонидан тайёрланган қонун лойиҳаларини “маъқуллаш” билан шуғулланаётганлиги, қонунчилик тармоқларининг умумхуқуқий таснифлагичи фақат техник жараён (асосан рўйхатга олиш) учун хизмат қилиб, қонунчиликни тизимлаштириш ишлари оқсаётганлиги, оқибатида ҳуқуқни қўллаш амалиётида кўплаб муаммоларга дуч келинаётганлиги ҳолатлари бизни юқоридаги саволга ижобий жавоб топиш имкониятидан бир мунча йироқлаштиради.

Бундай вазият ўз навбатида, миллий қонунчилигимиз таснифлагичини қайта кўриб чиқиши, ушбу таснифлагич асосида прокуратура органларида азалдан мавжуд бўлган қонунчиликни тизимлаштириш ишларини йўлга қўйиш ҳамда тизимлашган қонунчилик асосида соҳалардаги прокурор назоратини ташкил этишни, соҳаларга оид қонунчиликни қўллаш амалиётини мунтазам таҳлил қилиш асосида қонунларни такомиллаштириб боришнинг самарали механизмларини йўлга қўйишни тақозо қиласди.

4. Сўнгти вақтларда, давлатимиз раҳбари, парламент ёки ҳукумат аъзолари, прокуратура раҳбариятидан “тизимли ишлашимиз, ...тизимли камчиликларни бартараф этишимиз лозим”, “бизда тизим ишлаши керак” деган ўринли ибораларни кўп эшитяпмиз.

Биз юқорида прокуратуранинг функциясини мухокама қилдик, аммо, ҳар қандай тизим функцияси унга ташқаридан берилиши лозимлигини инобатга олиб, айнан тизимли ёндашув нуқтаи назаридан прокуратуранинг давлат олдидаги функциясини белгилаш тўғри бўлишлигини бир мунча кейинроққа қолдирган эдик.

Давлатимизни бир тизим деб олсак, конституциявий асосларга кўра прокуратура унда қонунийликни таъминлаш юзасидан назорат функциясини амалга оширувчи мустақил элемент бўлиб ҳисобланади.

Бироқ, амалий фаолиятда прокуратура ҳам давлат тизими доирасида, ҳам унинг элементи бўлган ижро ҳокимиятининг таркибида назорат функциясини амалга ошириб келаётган мураккаб элемент бўлиб қолмоқда.

Тизимлар назариясига кўра, бир тизим бир вақтни ўзида ҳам катта тизим, ҳам унинг таркибидаги кичик тизимнинг элементи бўлиши мумкин

эмас. Яъни, прокуратура ижроия ҳокимияти элементлари учун бир вақтда ҳам ички ва ҳам ташки назоратни амалга ошира олмайди.

Ўз-ўзидан, прокуратура назоратнинг қайси шаклини амалга ошириши тўғри бўлади деган савол туғилади.

Ҳар қандай тизимда, шу жумладан давлат тизимида назорат функциясини амалга оширувчи элемент бўлиши лозим, бу ўзгармас аксиома. Қонунийлик соҳаси нафақат ҳукумат, балки давлат структурасининг барча элементларига алоқадор соҳа. Прокуратура азалдан давлат миқёсида қонунийликни таъминлашга масъул орган сифатида тайин этилган. Агарда уни ҳукумат таркибидаги назорат элементига айлантириб қўйсак, давлат миқёсидаги назорат органига барҳам берган бўламиз, ижро ҳокимияти таркибидаги бир-бирини такрорловчи идоравий назорат шаклларини яна биттага кўпайтирамиз. Бундай ҳолатда, прокуратура давлат миқёсидаги назорат органи мақомида қолгани мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

6. Тизимлли ёндашув нуқтаи назаридан яна шу нарса муҳимки, ҳар қандай тизим ўзининг аниқ функциясига эга бўлиб, тизим структураси унинг функциясидан келиб чиқиб ташкил этилади. Тизим структурасига киритилган ўзгартириш ўз навбатида, унинг функцияси, яъни мақсад ва вазифаларини ўзгаришига олиб келади.

Сўнгги йилларда давлатимиз структурасида жуда тез ва кенг ўзгаришлар рўй бермоқда, прокуратура органларининг таркибий тузилмаларида ҳам қатор ўзгартиришлар кузатилмоқда. Ислоҳотлар албатта ижобий мақсадларни кўзлаб амалга оширилмоқда. Бироқ, тизим барқарор бўлиши учун унда асосий мақсад ва асосий структуралар ўзгармас бўлиши зарурдир. Мисол учун, мамлакатда қонунийлик билан боғлиқ структураларни кўриб чиқайлик:

Қонунни яратиш тузилмаси – Олий Мажлис		Қонунни қўллаш тузилмаси – Ҳукумат	Қонунийлик ҳолатини таъминлаш тузилмаси – Бош прокуратура	Қонунчилик тармоқлари умумхуқуқий класификатори
Сенат	Қонунчилик палатаси			
Таркиби: Кўмиталар: 1. Халқаро муносабатлар, ташки иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм 2. Бюджет иқтисодий ислоҳотлар 3. Суд-хукуқ масалалари коррупцияга	Таркиби: Кўмиталар: 1. Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар 2. Коррупцияга карши кураш ва суд- хукуқ 3. Мехнат ва иҷтимоий масалалар 4. Мудофаа ва хавфсизлик 5. Халқаро парламентлараро ишлилар 6. Саноат, курилиш	Таркиби: Вазирликлар: 1.Молия 2.Адлия. 3.Ички ишлар 4.Ташки ишлар 5.Иқтисодиёт ва саноат 6.Бандлик ва мехнат муносабатлари 7.Инвестиция ва ташки савдо 8.Энергетика 9.Уй-жой, коммунал хизмат	Таркиби: 1.Вояга етмаганлар ҳақидали қонунчилик 2.Ижтимоий соҳадаги қонунчилик 3.Фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини ҳимоя килиш 4.Иқтисодий соҳадаги қонунчилик	Таркиби: 01.Конст.тузум 02.Давлат бошқаруви асослари 03.Фуқаролик қонунчилиги 04.Оила 05.Мехнат, бандлик 06.Ижтимоий таъминот, ижтимоий сугурта, ижтимоий ҳимоя

қарши кураш 4. Мудофа ва хавфсизлик 5. Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш 6. Хотин-қизлар ва гендер тенглик 7. Ёшлар, маданият ва спорт 8. Аграр, сувхўжалиги экология	ва савдо 7. Аграр ва сувхўжалиги 8. Фан, таълим, маданият ва спорт 9. Демократик институтлар, ННТ, ўзини-ўзи бошқариш органлари 10. Информацион тараққиёт, сиёsat ва информацион технологиялар 11. Соғлиқни сақлаш 12. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш	10. Маданият 11.Ахборот технологиялари 12.Курилиш 13.Фавқулодда ҳолатлар 14. Транспорт 15.Олий ва ўрта маҳсус таълим 16. Халқ таълими 17.Мактабгача таълим 18. Сув хўжалиги 19.Қишлоқ хўжалиги 20.Спорт ва жисмоний тарбия 21.Инновацион тараққиёт 22.Соғлиқни сақлаш 23.Маҳалла ва оилани кўллаб қувватлаш Кўмиталар: 23. Ветеренария 24. Божхона 25. Солиқ 26. Геология 27. Ер русурлари 28. Ўрмон хўжалиги 29. Экология 30. Саноат хавфсизлиги 31. Мудофа саноати 32. Статистика	4.Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунчилик 5.Жиноий ишларини юритишида прокурор ваколатини таъминлаш 6.Иқтисодий ишларини юритишида прокурор ваколатини таъминлаш 7.Фуқаролик ишларини юритишида прокурор ваколатини таъминлаш 8. Маъмурий ишларини юритишида прокурор ваколатини таъминлаш 9.Ички ишлар органларида қонунчилик ижроси 10.Уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш 11.Ўта оғир жиноятлар тергови 12.Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда қонунлар ижроси утсидан назорат 13.Куроллик кучлар ва ДХХ органларида қонунлар ижроси утсидан назорат 14.Халқаро-хукуқий 15.Қонунийлик ва хукуқ-тартиботни таъминлаш муаммоларини таҳлил қилиш ва бошқалар...	07.Молия, кредит, банк 08.Уй-жой, коммунал хужалик 09.Тадбиркорлик, хўжалик фаол. 10.Ташки иқтисодий фаолият, божхона 11.Атроф табиий муҳит ва табиий ресурслар 12.Ахборот, ахборотглаштириш 13.Таълим, фан, маданият 14.Соғлиқни сақлаш, спорт, туризм 15.Мудофа ва хавфсизлик 16.Хукук-тартибот 17.Одил судлов 18.Прокуратура, адвокатура, нотариат, юридик хизмат, адлия, ФХДЁ 19.Халқаро муносабатлар, халқаро хукуқ
---	---	---	--	--

Мазкур жадвалли маълумотнома асосида айтиш мумкинки, қонунни яратиш, уни қўллаш ҳамда қонунийликни таъминлаш тузилмалари бир-биридан жиддий фарқ қиласди. Албатта, ҳар уччала тузилманинг функцияси

бир-биридан фарқ қилгани боис, уларнинг структуравий тузилишида муайян фарқлар бўлиши табиий, аммо фарқланиши мумкин бўлган доира ва чегарани белгилаб олиш лозим бўлади. Мисолимиздаги уччаласи тизим ягона давлатнинг қонунийлик соҳасидаги умумий мақсадига хизмат қиласи, жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олади ва бир қонунчилик тизимиға асосланади. Назаримизда, давлатимизнинг ўтмиши ва бугунидан келиб чиқиб, келажакда барқарор бўлиб қоладиган шундай асосий соҳаларни белгилаб олишимиз керакки, улар давлатимизнинг парламент, хукумат, маҳаллий ҳокимият, прокуратура каби умумқамровли тизимлари таркибида сақланиб қолиши, уларга йўналтириладиган функционал куч ва воситалар факат “сўров” асосида эмас, балки узлуксиз сарфланиб борилиши давлат тизимининг мустаҳкам бўлишига хизмат қиласи.

Ташкилий-структуравий таъминот

7. Прокуратура органларида аналитик фаолиятни амалга ошириши лозим бўлган таркибий тармоқлар масаласи яна бир муҳим масаладир.

Бош прокурорнинг буйруқлари асосида бугунги кунда прокуратура органларида бевосита аналитик фаолиятга масъул бўлган 4 та таркибий тармоқ мавжуд, булар:

- Ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси – прокуратура органлари фаолиятининг таҳлили учун масъул;
- Қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш муаммоларини таҳлил қилиш бошқармаси – ҳуқуқбузарликлар содир этилиш сабаб ва шартшароитлари, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашга таъсир этувчи омиллар, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги таҳлили учун масъул;
- Жиноий-ҳуқуқий статистика бошқармаси – жиноятчиликни статистик таҳлил қилиш учун масъул;
- Ички ишлар органларида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси таркибидаги Ахборот-таҳлилий бўлим – мамлакат конституциявий тузумига тажовуз қилиш билан боғлиқ маълумотларни ҳамда бу соҳадаги ўта оғир жиноятларга қарши курашишга бевосита масъул бўлган органлар фаолияти таҳлил қилиш учун масъул.

Бош прокуратуранинг бошқа таркибий тармоқлари ўз йўналишларидаги фаолият билан бир қаторда соҳавий фаолиятга доир таҳлилий ишларни ҳам амалга оширадилар.

Юқоридаги 4 та тармоқнинг ҳудудий тузилмалари мавжуд бўлган вилоят ва унга тенглаштирилган прокуратурларда ҳам ҳудудий-соҳавий, ҳам юқоридаги йўналишларда таҳлил ишлари олиб борилади.

Бироқ, бундай ташкилий кўриниш прокуратура органларидаги бугунги аналитик фаолиятнинг жуда тарқоқлиги ва уюшмаганлигидан ҳамда тизимда аналитик фаолиятни ташкилий мувофиқлаштириб боришга катта эҳтиёж мавжудлигидан далолат беради.

Шунга кўра, прокуратура тизимидағи аналитик фаолият учун масъул тузилмаларни қайта кўриб чиқиш лозим бўлади.

Таъкидлаш лозимки, Бош прокуратуранинг бугунги структуравий кўриниши ҳам анча тарқоқ бўлиб, унда 33 та тармоқ фаолият кўрсатмоқда, бу ҳолат нафақат тизимни бошқаришни қийинлаштиради, балки аналитик фаолиятни ташкил этишни ҳам мураккаблаштиради.

8. Маълумки, 2018 йил ноябрь ойидан буён Бош прокуратура тизимида жиноий-хуқуқий статистика бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари фаолият юритиб келмоқда. Жиноятчилик статистикаси муқаддам ички ишлар вазирлиги тизимида амалга оширилган бўлиб, у прокуратура органлари ихтиёрига ўтгач жиноятчиликни ҳисобга олиш тизими бир мунча такомиллашди ҳамда жиноятларни ҳисобдан яшириш ҳолатларини олдини олиш чоралари кўрилди.

Шунга қарамай, жиноятчиликни статистик таҳлил қилиш фаолияти ҳам такомиллашувга эҳтиёж сезади, хусусан, статистик таҳлилнинг автоматлаштирилган дастурий кўринишларини ишлаб чиқишни тақозо қиласди.

Энг муҳими, прокуратура органларида аналитик фаолиятни самарали йўлга қўйиш учун хуқуқий статистика тизимини шакллантириш зарурий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Хуқуқий статистика тармоғи қатор хорижий давлатларнинг назорат функцияси бўлган прокуратура органлари таркибида, хусусан, МДҲ давлатлари прокуратуралари тизимида мавжуд. Мисол учун, Россия Бош прокуратураси тизимида хуқуқий статистика, ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бошқармаси (2011 йилдан буён), Қозоғистон Бош прокуратураси тизимида Хуқуқий статистика ва маҳсус ҳисоблар қўмитаси (2003 йилдан буён), Армения Бош прокуратураси тизимидағи Статистика ва таҳлил бўлими бир неча йиллардан буён самарали фаолият юритиб келмоқда.

Хуқуқий статистика статистик фаолиятнинг алоҳида тури бўлсада, МДҲ давлатлари тизимида, хусусан мамлакатимизда ҳам хуқуқий статистикани амалга оширувчи алоҳида идора тузилмаган эди. Ҳолбуки, хуқуқий статистика хуқуқий фаолият натижаларини тизимли таҳлил қилиб бориш учун хизмат қилган, шунингдек, хуқуқий амалиётида мавжуд муаммоларни аниқлашга кўмаклашган бўлар эди.

9. Прокуратура органлари фаолиятида қонунбузилиш ҳолатларини аниқлашнинг асосий усули – прокурорлик текширувлари ҳисобланади.

Бироқ, текширувлар бугунги кунда прокурорлар учун мамлакат ёки муайян бир соҳада мавжуд бўлган ялпи қонунбузилиш ҳолатларини ҳисобга олиб таҳлил қилиб бориш имконини бера олмаслик билан бир вақтда, қонунбузилиш ҳолатларини тўлиқ фош учун ҳам етарли ҳисобланмайди.

Қолаверса, текширувлар олдиндан режалар тузиш, тайёргарлик кўриш, текширув объектига чиқиш, тегишли материалларни сўраб олишни, текширув жараённида турли хил объектив ва субъектив тўсиқларга, ҳатто баъзида коррупциоген вазиятларга дуч келишни тақозо қиласди.

Шунга кўра, ахборот технологияларининг имкониятлари ривожланиб бораётган айни даврда прокуратура органлари томонидан қонунбузилиш ҳолатларини аниқлаш, ҳисобга олиш ва таҳлил қилиб боришнинг инновацион усулларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

10. Бугунги давр кишилари, шу жумладан катта-катта давлатлар ва тизимлар глобал ахборот майдонида турли ахборот хуружлари таъсири остида кун кечирмоқда. Ушбу ахборот майдони илму-маърифат воситаси бўлиш ўрнига кўпроқ сиёсий куролга, оммани турли мақсадларда манипуляция қилиш воситасига, дезинформация ва лоббизм авж олган маконга, вақти келганда ахборот террорига айланиб улгурди.

Биз бугун кези келганда, расмий фаолият мақомини қўлга киритмаган, мақсад ва истаклари номаълум бўлган, жамиятда фитна ва фисқу-фасод чиқаришга сабаб бўлаётган, бироқ «камчиликларимизни очик ойдин айта олаётган» блогерларга «раҳматлар» айтяпмиз. Бироқ, давлат аталмиш қудратли тизимга ўз камчиликларини билиши учун блогер аталмиш «шахслар» чиндан ҳам зарурми? Ўз-ўзини тафтиш қилиш ва ўз ишини таҳлил қилишга наҳот давлат аппарати ва унинг тузилмалари қодир эмасми? деган саволлар бизни кўпроқ қийнаши керак назаримизда.

Бугунги кунда прокуратура органлари мамлакатда қонунийликни, яъни тартиботни, жамият тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашга масъул тизим сифатида ахборот майдонида қонунийликни таъминланишини ўз назорати остига олиши лозим.

Бу ўринда Бош прокуратуранинг жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими фаолиятини қайта кўриб чиқиш, унинг ваколатларини кенгайтириш, хусусан, ҳудудий прокуратуралардаги тегишли тармоқлар фаолиятини ҳам жадаллаштириш, ОАВда кузатилаётган мамлакатдаги ҳуқуқий-тартибот ҳолатига доир хабарларни таҳлил қилиш методикасини ишлаб чиқиш, ОАВларнинг қонунбузилиш ва жиноятчиликка доир ахборотларни аҳолига етказишга доир масъулияти ва жавобгарлигини

ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқий тарбиясини тўғри шакллантиришда ОАВ имкониятларидан фойдаланиш усулларини яратиш бугунги даврнинг талаби десак тўғри бўлади.

Ташкилий-меъёрий таъминот

11. Айни вақтда прокуратура органларида аналитик фаолият меъёрий тартибга солишини ҳам тақозо қиласди. Хусусан, Бош прокуратура раҳбариятининг таҳлилий фаолиятни ташкил этиш ва тартибга солишига доир буйруғи ёки кўрсатмалари мавжуд эмаслиги, прокуратура органларида аналитик фаолиятни тўғри ташкил жараёнини мураккаблаштиради.

12. Шу ўринда, прокуратура органлари иш юритувига оид хужжатлар турлари ва уларнинг қай бирини таҳлилий хужжат сифатида баҳолаш масаласига ҳам ойдинлик киритиш лозим бўлади.

Маълумки, Бош прокурорнинг 05.12.2017 йилги 172-сон буйруғи билан тасдиқланган Бош прокуратура Регламентига кўра, хизмат хужжатлари қуидаги тўрт турга бўлинади: ташкилий-бошқарув йўналишидаги хужжатлар, умуммажбурий хужжатлар, ахборот-услубий ва таҳлилий хужжатлар ҳамда ёзишма хужжатлар.

Аналитик хужжатлар ахборот-услубий ва таҳлилий хужжатлар туркумига киради. Бироқ, ахборот-услубий хужжатлар муайян жараённи ташкил этиш ва амалга ошириш услублари ҳакида тавсия (йўналиш) беришга йўналтирилганлиги боис, улар таҳлилий хужжатлардан фарқ қиласди.

Хужжатларни туркумлашдан аввал, ҳар бир хужжат нимага хизмат қилишини билиб олишимиз лозим бўлиб, бу борада қуидаги жадвал қўл келади:

Хужжатнинг мазмуни	Хужжатни тувишдан мақсад (хужжатни йўналиши)	Хужжатнинг номланиши
бирорта ҳодиса ҳакида	бошқаларга маълум қилиш	Хабар
	ходисага муносабат билдириш орқали маълум қилиш	Хабарнома
	ходисага муносабат кутиш орқали маълум қилиш	мурожсаат, сўров хати
	ходисани ҳам муносабат билдириш, ҳам муносабат кутиш орқали маълум қилиш	мурожсаатнома, таклиф, шикоят
бирорта факт ҳакида	ходиса ҳакиқатда юз берганлигини тасдиқлаш	баённома, далолатнома
	ходисанинг ҳакиқий ҳолатларини исботлаш йўли билан аникланганлигини кўрсатиш	Қарор
	бошқаларга маълум қилиш	Маълумот
	фактга муносабат билдириш орқали маълум қилиш	маълумотнома
	фактни ҳам муносабат билдириш, ҳам муносабат кутиш орқали маълум қилиш	бидирги, эътиroz хати (шу жумладан протест)
ходисалар ҳакида	бошқаларга маълум қилиш	Ахборот
	ходисаларга муносабат билдириш орқали маълум қилиш	ахборотнома
	ходисаларга муносабат кутиш орқали маълум қилиш	сўровнома, мурожсаат
фактлар ҳакида	фактларга муносабат билдириш	Таҳлилнома
	фактлар бўйича муносабат кутиш	ҳисобот
	фактларга муносабат билдириш ва муносабат кутиш	тақдимнома, таҳлилий ҳисобот

Биламизки, хуқуқий-таҳлилий фаолият учун фактлар, яъни воқеа-ходисалар ҳақидаги тасдиғини топған хабарлар мұхим аҳамият касб этади. Шунга кўра, юқоридаги жадвалдан келиб чиқиб, алоҳида фактни унга муносабат билдириш орқали таҳлил қилишга доир ҳужжатни – *таҳлилий маълумотнома* деб, бир туркум фактларни уларга муносабат билдириш орқали таҳлил қилишга доир ҳужжатни – *таҳлилнома* деб номлаш масаласини номлаш масаласини кўриб чиқиш лозим бўлади.

Аналитик фаолиятни кадрлар билан таъминлаши

15. “Барча нарсани ҳал этувчи куч – кадрлардир” деган ибора бежизга ҳам машхур бўлиб кетмади. Биз ишлаб чиқариш соҳаларидан инсон омилини ҳар қанча йироқлаштиришга уринмайлик, ишлаб чиқаришдаги етакчи куч инсонлар эканлигини, ижтимоий муносабатлар инсонларсиз кечиши мумкин эмаслигини, қолаверса, борликдаги барча табиий, ижтимоий ва технологик жараёнлар инсонлар манфаати учун хизмат қилишини тан олмай иложимиз йўқ. Фикримизча, масъулиятли жараёнлардан инсонларни йироқлаштириш эмас, уларни бу жараёнга тўғри йўналтириш мухимроқ саналади.

Шундай экан, прокуратура органлари тизимидағи кадрлар хуқуқий аналитик фаолият учун қай даражада лаёқатли деган савол туғилади. Афсуски, аналитик фаолиятни ташкил этиш ва амалга ошириш жараёни етарлича шакллантирилмаган ушбу тизимда мазкур саволга ижобий жавоб топиш мушкул ҳисобланади.

Қолаверса, прокуратура тизими кадрларни тайёрлашни эмас, балки қайта тайёрлашни амалга оширади. Соҳага кадрларни тайёрлаб берувчи умумтаълим ва олий таълим тизимида эса кадрларда аналитик қобилияtlарни шакллантиришга доир инструментлар камроқ топилади.

Хуқуқий аналитиканинг фундаментал асосини математика ва бошқа ҳисоб фанлари ташкил этади. Бу йилдан давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан математиканинг ривожи учун катта эътибор қаратила бошланганлиги ижобий ҳолат ҳисобланади. Математика фани ҳақиқатан ҳам кишиларни аниқ ва тизимли фикрлашга ўргатади, у ҳам табиий, ҳам ижтимоий фанлар учун фундаментал асос бўлиб, моҳиятига кўра обьектлар ўртасидаги муносабатларни тадқиқ қилишга қаратилганлиги билан изоҳланади.

Шу боис, нафақат прокуратура органларида хизмат қилаётган кадрларда, балки, юридик кадрларни тайёрлаш тизимида аниқ математик тафаккур ва аналитик кўнималарни шакллантиришга доир ўкув предметларини мавжуд бўлиши айни муддао ҳисобланади.

2)Прокуратура органларида аналитик фаолиятни услубий таъминлашга доир масалалар

Биз юқорида прокуратура органларидағи аналитик фаолиятнинг ташкилий масалалари ҳақида сўз юритдик. Хўп, аналитик тузилмаларни ташкил этдик ҳам дейлик ва мазкур фаолиятнинг асосини белгиловчи Бош прокурорнинг тегишли буйруғини ҳам қабул қилдик. Бироқ, тизимда аналитик фаолиятни лозим даражада йўлга қўйиш учун булар камлик қиласди, сабаби мазкур фаолият узлуксиз услубий ва технологик таъминлаб боришни талаб этади.

Шунга кўра, прокуратура органларидағи аналитик фаолиятнинг мақсади ва ундан кутилаётган натижалардан келиб чиқиб прокурор-аналитик фаолиятнинг ҳар бир тури учун қўл келадиган методикаларни ишлаб чиқишимиз лозим бўлади.

3)Прокуратура органларида аналитик фаолиятни ахборот -технологик таъминлашга доир масалалар

16. Прокуратура органларидағи аналитик фаолият қулай усул ва шартшароитларда, қулай воситалар ёрдамида маромли ва сифатли кечиши учун, албатта, унинг ахборот-технологик таъминоти муҳим аҳамиятга эгадир.

Бу ерда энг аввало, дастурий таъминот масаласи, техник таъминот масаласи долзарб бўлиб, прокуратура органларида юқори даражада профессионал дастурчиларни доимий фаолият олиб бориш эҳтиёжини келтириб чиқаради.

Шунингдек, зарур хуқуқий маълумотларни жамлаш, гуруҳлаш ва статистик таҳлилини йўлга қўйишида малакали статистлар иштирокини йўлга қўйиш, хусусан, хуқуқий статистика бошқармасида прокурор-статист лавовозимини жорий этиш зарурати ҳам туғилади.

Мазкур тадқиқот ишининг аввалги бобларида таъқидлаганимиздек, жиноятчилик ва қонунбузилиш ҳолатлари оммавий тус олган жараён бўлиб, уларнинг таҳлили статистик таҳлилсиз кечмайди.

Таклиф этилаётган хуқуқий статистика тизимида хуқуқий-статистиканинг бугунги кунда мавжуд бўлмаган фуқаролик-хуқуқий статистика ва маъмурий-хуқуқий статистика турларини йўлга қўйиш мамлакатдаги қатор давлат органлари базаларини интеграциялашни, йирик платформани ишга туширишни тақозо қиласди.

17. Ҳозирги амалий фаолиятда прокуратура органларида юритилаётган статистика, хусусан жиноий-хуқуқий статистика ва прокурорлик фаолияти статистикаси йиллар оша ҳар қанча такомиллашган бўлишича қарамай, бугунги давр талабидан келиб чиқиб қайта кўриб чиқишини тақозо қилмоқда.

Хусусан, амалдаги “П” шаклли ҳисоботимиз бир мунча мураккаб шаклга эга бўлиб, фикримизча, прокурор фаолиятининг асосий кўрсаткичлари акс этадиган қисқа шаклни ҳамда асосий кўрсаткичларни изоҳлайдиган ёйма шаклни жорий этиш, шунингдек, дастурий ойнада тармоқ, ҳудудий ёки маҳсус прокуратурага хос шакл акс этадиган вариантларни яратиш статистик ҳисоботлар билан ишлаш жараёнини енгиллаштирган бўлар эди.

Маълумки, жиноий-ҳуқуқий статистика маълумотларни жамлаш учун қуйидаги бирламчи ҳисобга олиш электрон статистик карточкалар хизмат қиласди:

шакл “1” – аниқланган ва содир этилган жиноятлар учун ягона статистик карточка;

шакл “1.1” – аниқланган ва содир этилган жиноятнинг очилганлигини ёки тергов ҳаракатларининг бошқа натижаларини ҳисобга олишнинг ягона карточкаси;

шакл “1.2” – уюшган груп томонидан содир этилган жиноянинг очилиши ва тергов ҳаракатларининг бошқа натижаларини ҳисобга олиш қўшимча статистик талони;

шакл “2” – жиноят содир этган шахсни ҳисобга олиш ягона статистик карточкаси;

шакл “2.1” – уюшган групда жиноят содир этган шахсни ҳисобга олишнинг қўшимча статистик талони;

шакл “3” – жиноят ва ижтимоий хавфли қилмиш натижасида жабрланган шахсга оид ягона статистик карточка;

шакл “6” – ишни судда кўриб чиқиши натижалари бўйича;

шакл “7” – маҳкум тўғрисида хабарнома.

Бироқ, ушбу статистик карточкалар шаклан ноқулай бўлиб, тўлдириш жараёнида қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Қолаверса, статистик карточкалардаги параметрлар кўп бўлсада, тўлиқ тизимлашмаганлиги кўзга ташланади. Хусусан, жиноят содир этган шахснинг ижтимоий ҳолати, жиноятнинг характер-хусусияти, усул ва воситалари, мотиви билан боғлик параметрларни такомиллаштириш талаб этилади.

3.2.§ Прокуратура органларида аналитик фаолиятни тақомиллаштиришга доир айрим масалалар

Аввалги параграфда прокуратура органларида аналитик фаолиятни ташкил этишда мавжуд муаммолар таҳлил қилинган бўлса, мазкур параграфда юқорида қайд этилган муаммолар ечими юзасидан таклиф ва мулоҳазалар илгари сурилади.

1)Прокуратура органларида аналитик фаолиятни ташкилий таъминлаши юзасидан

Ташкилий-функционал таъминот борасида

1. Прокуратура органларидаги аналитик фаолиятни тўғри йўналтириш мақсадида, прокуратуранинг давлат тизимидағи функциясини белгилаб берувчи конституциявий норма, яъни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасини қуидаги таҳрирда баён этиш:

“Мамлакатда қонунийликни таъминланиши юзасидан давлат назоратини Бош прокурор ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.

Шахс ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминланиши, умумжасамият манфаатларининг устуворлигини эътироф этилиши ва ҳимояланиши ҳамда ижтимоий адолатни ўрнатилиши қонунийликни таъминланиши ҳолати сифатида баҳоланади.”

Ушбу таклиф этилаётган таҳрирда “қонун” эмас, “қонунийлик” ибораси ишлатилди. Сабаби, қонуннинг мавжудлиги эмас, балки бу ўринда қонунларни амалда ишлиши ва уларга риоя этиладиган қонунийлик мухитини юзага келишида ифодаланадиган провард натижа муҳим ҳисобланади. Қолаверса, юқоридаги таҳрирда қонунийлик қачон таъминланган ҳисобланади деган саволга ҳам аниқлиб киритилиб, қонунийлик таъминланганлигини билдирувчи мезонлар кўрсатиб ўтилди.

“Давлат назорати” ибораси эса, – давлат структурасининг барча элементларида, яъни алоҳида давлат органлари тизимида қонунийликни таъминланиши юзасидан ички назоратнинг мавжуд бўлиши, прокуратура органлари давлат структурасининг алоҳида таркибий тузилмалари учун умумдавлат миқёсидаги ташки назоратни амалга ошириши лозимлиги нуқтаи назаридан қўлланилди.

Демак, прокуратуранинг мақсади – қонунийликни таъминлаш, ушбу мақсадни амалга оширишга бевосита хизмат қиласидиган вазифалари эса:

– шахс ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш;

– умумжамият манфаатларининг устуворлигини эътироф этиш ва химоялаш;

– ижтимоий адолатни ўрнатишдан иборатдир.

2. Прокурорнинг функцияси умумдавлат миқёсида қонунийликни таъминлаш деган нуқтаи назардан келиб чиқадиган бўлсак, *фаолиятимиз предмети – жами қонунлар, обьекти – мамлакатда ва унинг барча соҳаларидағи қонунийлик ҳолати бўлиши лозим деб ҳисоблаймиз*.

Ушибу қонунийлик ҳолати асосан масофадан қонунбузилиши ҳолатларини узлуксиз мониторинг қилиб бориши, зарурат туғилган тақдирда прокурорлик текширувларини ташкил этиш орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Бу бир тарафдан прокурорни у ёки бу идора ёхуд мансабдор шахс устида “назоратчи” бўлиб туриш, давлат структурасидаги айрим ташкилотлар қонунийликни таъминлашга доир ўз зиммаларидағи вазифаларни бажармаган тақдирда, улар учун масъулиятни “ўз бўйнига олиш” муаммосидан холос этса, иккинчи тарафдан прокурорни ҳақиқий ва холис қонун ҳимоячисига айланишига сабаб бўлади.

Фикримизча, қонунлар – прокурор фаолиятининг ҳам асоси, яъни таянч манбаси, ҳам предмети, ҳамда жамиятдаги ҳодиса ва жараёнларни хуқуқий баҳолаш мезони бўлиб қолиши зарурдир.

3. Прокурорнинг таклиф этилаётган конституциявий функциясидан келиб чиқиб, амалдаги Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозим бўлади.

Хусусан, Қонуннинг 1-моддасини қўйидаги таҳрирда баён этиш:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар мамлакатда қонунийликни таъминлаши юзасидан давлат назоратини амалга оширадилар.

Қонуннинг 2-моддасини қўйидаги таҳрирда баён этиш:

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларининг асосий вазифаси мамлакатда шахс ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминланишига, умумжамият манфаатлари ҳимояланишига ҳамда ижтимоий адолатни ўрнатилишига эришии ҳисобланади.

Қонуннинг 4-моддасини қўйидаги таҳрирда баён этиш:

Прокуратура органлари ўз фаолиятини қўйидаги асосий йўналишилар бўйича амалга оширади:

мамлакат ҳаётининг етакчи соҳаларида қонунийлик ҳолати юзасидан назорат олиб бориши;

жиноятларни фоши этиши ва судга қадар юритиш жараёнида қонунийликни таъминланиши устидан назорат олиб бориши;

жиноятларни тергов қилиши;

қонунбузилишлар ва жиноятчиликка қарши кураши фаолиятини мониторинг қилиши ҳамда мувофиқлаштириб бориши;

судларда ишлар юритилишида прокурор ваколатини таъминлаши ва одил судловга кўмаклашиши;

ҳуқуқни қўллаши амалиётини мониторинг қилиб, натижалари ҳақида қонунчиликни такомиллаштириши чораларини кўриши юзасидан Олий Мажлисга ахборот берабор бориши, шунингдек, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришида иштирок этиши.

Қонуннинг 5-моддасини қўйидаги таҳрирда баён этиш:

Прокуратура органлари фаолияти бирлик, қонунийлик, одиллик, мустақиллик ва ошкоралик принципларига асосланади.

Бирлик принципи – прокуратура органларининг мамлакатда қонунийликни таъминлашга доир ягона мақсадга йўналтирилган мустаҳкам яхлит тизим бўлишига хизмат қиласди.

Кўйи турувчи прокурорлар Бош прокурор олдида ҳисобдор бўлиб, унинг қонуний кўрсатмаларини бажаришига масъулдорлар.

Қонунийлик принципи – прокуратура органлари қонунлар асосида ташкил этилиши, қонунларга таяниб иши кўриши ҳамда ҳодиса ва жараёнларга қонун талабларидан келиб чиқиб ҳуқуқий баҳо беришида ифодаланади.

Адолатлилик принципи – прокурор фаолиятини амалга оширишининг боши тамоили бўлиб, мамлакатда қонунларни тўғри тадбиқ этиши орқали ижтимоийadolatни таъминланишига эришишини кўзлади.

Мутақиллик принципи – прокурор ходимларнинг ўз фаолиятларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашимлари ва мансабдор шахслардан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширишларини таъминлайди.

Прокуратура органлари фаолиятига аралашиши тақиқланади ва ушибу ҳолатга йўл қўйилган тақдирда жавобгарликни келтириб чиқаради.

Ошкоралик принципи – прокуратура органлари томонидан қонунийлик ҳолати ҳақида Президентни, вакиллик органларини ва жамоатчилликни мунтазам хабардор қилиб борилишида ифодаланади.

Бу ўринда амалда Қонунда мавжуд бўлган марказлашганлик принципи бирлик принципи билан уйғун эканлигини инобатга олиб, уни принциплар қаторидан чиқариш ҳамда прокуратура органлари фаолиятида етакчи принцип сифатида “адолатлилик” принципини киритиш тавсия этилмоқда.

Қонуннинг 10-моддаси 1-қисмини қўйидаги таҳрирда баён этиш:

Прокуратура органлари Бош прокурор ва Прокурорлар Олий ҳайъати боишчилик қиласидаги тизимдан иборат:

Қонуннинг 14-моддаси 1-қисмини қўйидаги таҳрирда баён этиш:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Президент ва халқ олдида ҳисобдордир.

Қонунга прокурор назорати шакллари деб номланган янги III.-бўлимни киритиш ҳамда амалдаги III.-бўлимни прокурор фаолияти йўналишлари деб номланган IV.-бўлим сифатида ифодалаш.

Прокурор назорати шакллари деб номланган бўлимда прокуратура фаолиятида қонунбузилишларни аниқлашнинг 2 шакли: қонунбузилиш ҳолатларини мониторинг қилиш ҳамда прокурор текширувларини ўтказиш тартиби ва шартларини белгилаш жоиз ҳисобланади.

Қонуннинг V.-бўлимини “Прокурор назорати ҳужжатлари эмас”, балки, “Прокурорнинг қонунийликни таъминлаш чоралари” деб номлаш ҳамда ушбу бўлимнинг ilk моддаси (37-моддаси)ни қўйидаги таҳрирда баён этиш:

Қонунийлик таъминлаш мақсадида прокурор ходимлар томонидан қўйидаги чоралар кўрилади:

Қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиши юзасидан:

- содир этилиши бошланган қонунбузилишини бартараф этиши ва унинг оқибатларини олдини олиши юзасидан – талабнома тақдим этиши;

- содир этилган қонунбузилишида айбор бўлган шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал этиши учун - жиноий, маъмурий ёки интизомий ҳуқуқбузарликка оид иши қўзгатиши;

- қонунбузилиш ҳолатлари оқибатларини бартараф этиши, жумладан шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ҳамда давлат ва умумжамият манфаатларини ҳимоялаш юзасидан судларга ариза, шунингдек, бу борада масъул органларга талабнома киритиши;

- судларнинг ва бошқа давлат идораларининг қонунчилик талабларига зид бўлган, шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузилишига олиб келадиган ёхуд бошқа йўсинда давлат ва умумжамият манфаатларига номувофиқ келадиган қарорларига протест билдириши;

Қонунбузилиш ҳолатларини олдини олиши юзасидан:

- юз берии эҳтимоли бўлган қонунбузилиш ҳолатларини олдини олиши юзасидан – огоҳлантирув эълон қилиши;

- қонунбузилиш ҳолатларининг сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф юзасидан бу борада масъул органлар ва мансабдор шахсларга – тақдимнома киритиши;

- қонунчиликни тақомиллаштириши ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги камчиликларни бартараф этиши юзасидан Олий Мажлис ва Ҳукуматга, шунингдек, маҳаллий вакиллик ва ҳокимликларга ахборотнома киритши;

- қонун нормаларини тўғри қўллаш ва қонунийликка риоя этилишини таъминлаш юзасидан фуқаролар ва юридик шахсларга тушунтириши бериши, хусусан фаолияти прокуратура томонидан мувофиқлаштириладиган идораларга кўрсатма бериши;

Маълумки, амалдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда прокурорнинг назорат ҳужжатлари сифатида 5 турдаги ҳужжат: протест, тақдимнома, қарор, ариза ва огоҳлантирув назарда тутилган.

Бироқ, прокурорнинг ўз зиммасига юклатилган функцияни тўлақонли ва лозим даражада амалга оширишини таъминлаш мақсадида таъсир чораларига янада аниқлик киритиш, хусусан уларни қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ҳамда олдини олиш каби гурухларга ажратиб олиш, шунингдек, прокурор назорати таъсирчанлигини ошириш учун хизмат қиласидиган – “талабнома” шаклидаги таъсир чорасини киритиш ҳамда прокурорлар амалда қўллаб келаётган “ахборотнома”, “кўрсатма” ва “тушунтириш бериш” каби воситаларни қонунийликни таъминлаш чоралари рўйхатига киритиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

“Талабнома” шаклидаги ҳужжат мамлакатимиздаги қатор назорат органлари (мисол учун, солиқ органлари) фаолиятида ҳамда прокурорнинг назорат функцияси мавжуд бўлган қатор постсовет давлатларида (“предписание”, “указание” кўринишида) шаклланган бўлиб, назаримизда, ушбу чора содир этилаётган қонунбузилиш ҳолатлари ва уларнинг оғир оқибатини кечиктирмай олдини олишга хизмат қиласиди.

Ташкилий-структуравий таъминот борасида

Айни вақтда, прокуратура тизимидағи жиноий-ҳуқуқий статистика тармоғини ҳуқуқий статистика тармоғи сифатида қайта ташкил этиш ҳамда унинг фаолиятида нафақат жиноятчилик статистикаси, балки қонунийлик ҳолатини баҳолаш учун хизмат қиласидиган маъмурий-ҳуқуқий статистика (маъмурий амалиёт, маъмурий ҳуқуқбузарликлар), фуқаролик-ҳуқуқий статистика (ФҲДЁ, нотариат, иқтисодий ва фуқаролик судлари, кўчмас мулк кадастри, автомашиналар реестри, хўжалик юритувчи субъектлар реестри, хорижга кириш-чиқиш хизмати маълумотлари кабилар)ни ҳам босқичма-босқич шакллантириб бориш, ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси томонидан юритиладиган прокурор фаолияти статистикасини ҳам ҳуқуқий статистика тармоғи зиммасига ўтказиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бугунги кунда маъмурий-хуқуқий статистика қисман ички ишлар вазирлиги тизимида юритиб келинаётганлиги боис, уни такомиллаштирган ҳолда Баш прокуратуранинг хуқуқий статистика тармоғига интеграциялаш лозим деб ўйлаймиз.

9. Қонунбузилиши ҳолатларини мониторинг қилиши прокуратура органлари фаолиятига киритиш тавсия этилаётган янги тизими бўлиб, у прокурор назоратини масофадан туриб объектив ва тизимли ташкил этиш имконини беради.

Қонунбузилиш ҳолатларини мониторинг қилишнинг электрон тизими орқали эса, интернет тармоқларида дастурий таъминланадиган платформа яратиш орқали қонунбузилиш ҳолатларини таҳлил қилиб бориш ва уларга баҳо бериш имконияти яратилади.

Мазкур платформага қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан қарор қабул қилиш мумкин бўлган, яъни маъмурий амалиёти мавжуд барча давлат (назорат) органлари киритилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолати ва шахсларга кўрилган хуқуқий таъсир чораларни электрон қайд этиб бориш амалиёти йўлга қўйилади.

Давлат назорат органлари томонидан аниқланган қонунбузилишлар ва улар бўйича кўрилган чораларни таҳлил қилиш йўли билан прокуратура органлари:

- биринчидан, мамлакатда, худуд ёки соҳада аниқланадиган қонунбузилишлар ҳолатини, мазмуни ва характерини ҳамда динамикасини аниқлай олади;

- иккинчидан, тегишли давлат органининг фаолияти (хуқуқий таъсир чораларини қўллашга доир қарорлари) қонунийлигини таҳлил қиласди ва баҳолай олади;


- учинчидан, давлат органи томонидан ноқонуний қарор қабул қилиш оқибатида шахсларнинг хуқуқлари бузилиши, шунингдек, давлат ва жамият манфаатларига путур етиши ҳолатларини аниқлаб, уларни бартараф этиш чораларини кўриши мумкин бўлади.

Албатта, таклиф этилаётган ушбу қонунбузилиш ҳолатларини мониторинг қилиш тизими пухта ўйланган ва такомилига етказилган электрон платформани яратиш ва уни муваффақиятли ишга туширишни талаб этади. Аммо, бу борада сарфланган куч ва воситалар прокуратура органлари, қолаверса давлатимиз олдида турган мамлакатда қонунийликни таъминлашга доир олий мақсадни оқлайди.

10. Прокуратура органларида аналитик фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида унда таҳлилий фаолият учун бевосита масъул орган бўлган тузилмаларни қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ саналади.


Хусусан, мазкур диссертация иши доирасида Бош прокуратура тизими учун аналитик фаолиятнинг қуйидаги структуравий схемаси таклиф этилади.

Аналитик түзилмалар ва аналитик фаолият схемаси



11. Айни вақтда, *Бош прокуратуранинг ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармасини прокуратура тизимидағи аналитик марказга айлантириши* масаласи қўтарилимоқда. Бу ўринда, амалдаги қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш муаммоларини таҳлил қилиш бошқармасининг функциясини тўлиғича, жиноий-ҳуқуқий статистика бошқармаси ҳамда ахборот-таҳлилий бўлимдаги таҳлилга оид функцияларни ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармасига ўтказиш мақбул деб қаралмоқда.

Ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси тизимдаги аналитик марказ сифатида майдонга чиқар экан, ўз навбатида унинг таркибий структураси ҳам такомиллаштириши талаб этади. Хусусан, ушбу бошқарма таркибида қуйидаги шуъбаларни тузиш таклиф этилади:



Баъзи йирик ташкилотларда аналитик тармоқ ва ташкилий-назорат тармоғи бир-биридан ажратилади, оқибатида ишларни ташкил этиш, хусусан режалаштириш ва баҳолашда аналитик фаолият натижалари инобатга олинмай қолади. Шундай вазиятни олдини олиш, яъни аналитика аввало тизимнинг ўзи учун хизмат қилишини таъминлаш мақсадида ташкилий-

назорат тармоғи, бир вақтни ўзида тизимдаги аналитик марказ бўлиши, шунингдек, тизимдаги бошқа тармоқларни таҳлилий-услубий таъминлаб бориши лозим деб топилмоқда.

Шу билан бирга, прокуратура органларига хос бўлган таҳлилий фаолиятнинг турларидан келиб чиқиб, ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармасининг таркибида юқоридаги схемада кўрсатилган тегишли бўлимларни ташкил этиш, жумладан тизимдаги фаолиятни режалаштириш ва назорат функцияларини бир-биридан ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

12.Бугунги кунда мурожаатлар оқимининг кўплиги, «халқ билан мулоқот» барча давлат идораларининг фаолият мезонига айланганлиги, қолаверса, шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири эканлигини инобатга олиб, Бош прокуратуранинг мурожаатлар билан ишлаш бошқармасида «мурожаатларни таҳлил қилиш шуъбаси»ни ташкил этиш ғояси илгари сурилмоқда.

Прокуратура органларида мурожаатлар таҳлилини тўғри йўлга қўйиши мурожаатларнинг асл сабаблари, мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий ҳаётида ечим топмаётган тизимли муаммолар, қонунчиликдаги бўшликлар ва коллизиялар, ҳукуқни қўллаш амалиётидаги нуқсонларни аниқлашга имкон беради ҳамда фаолиятни келгусида тўғри режалаштиришга қўмаклашади.

13.Шунингдек, Бош прокуратуранинг Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлимини бошқарма сифатида, яъни тизимдаги етакчи тармоқлардан бир сифатида қайта ташкил этиш, унинг зиммасига қуйидаги вазифаларни юклаш лозим саналади:

- аввало, амалдаги қонунчиликни (*соҳаси, юридик кучи, мазмuni, хронологиясига кўра*) тизимлаштириши ва соҳавий фаолиятлар кесимида таснифлаб, тармоқларга етказиб бориш;
- янги қабул қилинаётган норматив меъёрий ҳужжатлар асосий мазумоҳиятини ходимларга етказиш;
- ахборотлаштириш соҳасидаги қонунийлик ҳолатини назорат қилиб бориш;
- *OAB ва интернет тармоқлардаги кунлик хабарларни танқидий, яъни шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, умумжамият манфаатларини ҳимоялаш нуқтаи назаридан таҳлил қилиши.*

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, мазкур бошқарма таркибида қонунчиликни тизимлаштириш, ОАВ ва интернет хабарларини кунлик таҳлил қилиш, ахборот хавфсизлиги ва матбуот хизмати каби тузилмаларни ташкил этиш тавсия этилади.

Ташкилий-меъёрий таъминот

14. Прокуратура органларида аналитик фаолият сифатли ва маромли йўлга қўйилиши учун *Бош прокурорнинг “Прокуратура органларида ҳуқуқий аналитик фаолиятни ташкил этиши ҳақида”ги буйрузи лойиҳасини ишлаб чиқиши* ҳамда уни оптимал ҳолатда қабул қилиниб, ижрога қаратилишини таъминлаш зарур ҳисобланади.

Кадрлар таъминоти

15. Прокуратура ходимларида аналитик қобилиятларни шакллантириш олдидан бу борда юридик кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш жоиз бўлади.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг ташабbusларини қўллаб-қувватлаган ҳолда юридик кадрларда аналитик фикрлашни шакллантиришга хизмат қиласиган математика ва ҳисоб билан боғлиқ қуидаги ўқув-таълим тадбирларини ташкил этиш тавсия этилади:

- юридик таълимга ихтисослашган ўрта махсус (коллеж) ва олий таълим муассасаларида қабул имтиҳонлари қаторига математика фани бўйича топшириладиган имтиҳонларни киритиш;
- юридик коллеж тизимида “алгебра”, “аналитик геометрия”, “математик мантиқ”, “математик таҳлил асослари” каби фанларни ўқитилиши;
- юридик олий таълим тизимида “олий математика” етакчи фанлардан бири сифатида, шунингдек, “эҳтимоллар назарияси ва математик стаститика”, “тизимлар назарияси ва тизимли таҳлил асослари”, “танқидий фикрлаш ва танқидий таҳлил асослари”, “далиллар назарияси ва герменевтика”, “ҳуқуқий аналитика” каби фанлар асосий фан сифатида ўтилиши;
- юридик таълим тизимида ўтиб келинаётган “ҳуқуқий соҳада тизимли таҳлил”, “ҳуқуқий статистика ва бугалтерия ҳисоби” фанлари мазмунини қайта кўриб чиқиш, улар юзасидан малака талабларини кучайтириш ҳамда таълим берувчи мураббийларнинг профессионаллигини ошириш.

16. Айни вақтда, Бош прокуратура Академиясининг бирламчи касбий қайта тайёрлов курси ҳамда магистратура курсининг ўқув дастурига “прокуратура органларида ҳуқуқий аналитик фаолият асослари” модулини, раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш курсининг дастурига “прокуратура органларида ҳуқуқий аналитик фаолиятни такомиллаштириш масалалари” модулини, малака ошириш курслари дастурига “прокуратура органлари фаолиятида тизимли таҳлил”, “ҳуқуқий соҳада танқидий таҳлил”, “жиноятчилик таҳлили”, “қонунийлик ҳолати таҳлили”, “вазият ва

қилмишнинг ҳуқуқий таҳлили” каби тренинг машғулотларини киритиш мақсадга мувофиқ саналади.

2)Прокуратура органларида аналитик фаолиятни услубий таъминлаши юзасидан

17.Юқорида келтириб ўтилган функционал-структуравий таҳлилдан келиб чиқиб, яқин келажакда прокуратура органларидаги аналитик фаолиятнинг қуйидаги турлари учун услубият (методика) яратилиши зарур деб ҳисоблаймиз:

- жиноятчилик ва унинг сабабларини таҳлил қилиш методикаси;
- қонунбузилиш (хуқуқбузилиш) ҳолатлари ва уларнинг сабабларини таҳлил қилиш методикаси;
- мамлакатда ёки ҳудуддаги қонунийлик ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолаш методикаси;
- прокурор фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш методикаси;
- алоҳида соҳавий фаолият, яъни тармоқлар фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш методикаси;
- мурожаатлар ва улар билан ишлаш фаолиятини таҳлил қилиш методикаси;
- ОАВ ва интернет тармоқлари орқали узатилаётган ҳуқуқий-тартибот ва жиноятчилик билан боғлиқ хабарларни таҳлил қилиш методикаси.

Мисол учун, туман прокуратуралари фаолияти мисолида прокурор фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг қуйидаги баллик методикасини тавсия қилган бўлар эдик, яъни ходим (ёки туман прокуратураси ходимлари) томонидан:

- қонунбузилиш ҳолати фош этилган ҳар бир ҳолат учун – 0,5 балл;
- қонунбузилишлар бўйича шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган ёхуд бузилиш хавфи бўлган ҳуқуқлари ҳимояланган ҳар бир ҳолат учун – 1 балл;
- қонунбузилиш ҳолати олди олинган, бартараф этилган ва умумжамият манфаатлари ҳимояланган ҳар бир ҳолат учун – 1,5 балл.

Ушбу методикани электрон дастурлаш орқали қўллаш янада қулайроқ. У асосда ҳатто, туман прокуратураларининг фаолият рейтингини юритиш ҳам мумкин бўлади.

Шу тариқа, юқори турувчи прокуратураларнинг ҳам фаолият самарадорлигини баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш мумкин.

Мазкур методикаларни ишлаб чиқишда аналитик фаолият, хусусан, ҳуқуқий аналитик фаолият турлари учун аниқ талқин қилиш имконияти

бўлган, яъни аниқ интерпретацияга эга бўлган математик ва статистик усуслардан кенг фойдаланиш тавсия этилади.

18. Методикаларни ишлаб чиқиш жараёнига соҳанинг малакали мутахассислари, таҳлилчилар, математиклар ва статистларни жалб этиш фойдадан холи бўлмайди.

Албатта, ҳар бир методика лойиҳаси яратилгач, уни дастлаб синов тариқасида қўллаб кўриш ва такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Методикалар ишлар чиқилгач, уларни қўллаши лозим бўлган ҳодимларни ушбу методикалардан унумли фойдаланишга ўргатиш учун ўқув курслари ва тренинг машғулотлари ташкил этиб бориш талаб этилади.

19. Юқоридагилар билан биргаликда прокуратура фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳар бир ҳодим фаолиятида хуқуқий анализик фикрлашни ривожлантириш учун хизмат қиласидан “аргументлаш техникаси”, “кўрсатувларни ҳаққонийлигини баҳолаш методикаси”, “шахс ҳулқ-атворини комплекс таҳлил қилиш методикасини” ишлаб чиқиб, амалий фаолиятга тадбиқ этиш, прокурор фаолиятини янада самарали бўлишига хизмат қиласиди.

3)Прокуратура органларида анализик фаолиятни ахборот-технологик таъминлаш юзасидан

20. Аналитик жараённинг ахборот-технологик таъминоти ишончли статистик маълумотларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ етказиб берилишида ифодаланиб, хуқуқий статистика бошқармаси томонидан даврий (қунлик, ҳафталиқ, ойлик, ярим йиллик, йиллик каби) статистик кўрсаткичлар, ҳисботлар, нашрларни чоп этиб бориш, заруратга ёки сўровга кўра ахборот базаларининг имкониятларидан келиб чиқиб, статистик тадқиқот натижаларини анализик тузилмаларга тақдим этиш кабилар намоён бўлиши мумкин.

Ўз навбатида, анализик тузилмалар статистик маълумотларни қайта ишлаб, анализик тадқиқотлар олиб боришлари ва натижалари бўйича таҳлилий ҳужжатлар тузишлари, таҳлил натижаларидан прокуратура органларида ишларни тўғри режалаштириш ва ташкил этилишда унумли фойдаланишлари, шунингдек, тармоқлар ва ҳудудий прокуратуралардаги анализик фаолиятни ташкилий-услубий таъминлаб боришлари керак бўлади.

21. Биз юқорида қонунбузилиш ҳолатларини мониторинг қилиш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳақидаги фикрларни билдириб ўтган

эдик. Ўз навбатида, мазкур мониторинг жараёни ҳам дастурий-услубий таъминлаб боришни тақозо қиласи.

22. Прокуратура тизимида “П” шаклли ҳисоботни тузиш ҳамда жиноятчиликни бирламчи ҳисобга оид 1; 1.1; 2; 2.1; 3; 6; 7 шаклли карточкалар билан ишлаш жараёнининг дастурий такомиллашган, содда ва оптимал вариантларини ишлаб лозим бўлади.

Хусусан, жиноятчиликка доир кўрсаткичларни электрон дастурга киритиш орқали нафақат ҳисоботларни шакллантирилиши, балки процессуал қарор лойиҳаларини тузишга ҳам хизмат қиласиган технологик воситаларни йўлга қўйиш прокуратура органларида тергов фаолиятида инновацион ёндашувларни шакллантиришга хизмат қиласи.

ХУЛОСА

Мазкур диссертация иши доирасида ўтказилган тадқиқотлар прокуратура органлари тизимида аналитик фаолиятни тўғри ташкил этиш муҳим аҳамиятга эканлигини таҳлил қилиш имконини берди.

Тадқиқотлар орқали бугунги кунда прокуратура органлари фаолиятига кириб келаётган сиёсий соҳадаги аналитикани ҳуқуқий аналитикадан фарқлаш лозимлиги англаб етилди.

Диссертация ишида ҳуқуқий соҳадаги аналитиканинг ўзига хослиги, унинг прокуратура органлари фаолиятида қўллаш мумкин бўлган услублари ҳамда миллий прокуратура тизимида аналитик фаолиятни шаклланиши ва бугунги кунда мавжуд бўлган қўринишлари имкон қадар ёритилди.

Шу билан бирга айни даврда прокуратура органларида ҳуқуқий аналитик фаолиятни тўғри ташкил этишга оид муаммолар таҳлил этилиб, уларнинг ечими юзасидан муайян фикр-мулоҳазалар илгари сурилди.

Прокуратура органларида аналитик фаолиятни самарали ташкил этишга доир таклиф ва мулоҳазалар тегишли бобларда, хусусан, бевосита прокуратура тизимида ҳуқуқий аналитик фаолиятни такомиллаштириш масалаларига бағишлиланган З-бобда аниқ баён этилди.

Диссертация ишининг ушбу хулоса қисмида эса, магистрлик тадқиқот иши натижаларини умумлаштирган ҳолда қуйидагиларни алоҳида эътироф этиш лозим деб топилди:

1. Аналитик фаолиятнинг бир қўриниши бўлган ҳуқуқий аналитикани алоҳида бир институт сифатида шакллантириш масаласи нафақат прокуратура органлари фаолияти учун, балки мамлакатимиздаги бутун юриспруденция соҳаси учун муҳим аҳамият касб этади.

Шунга кўра, юридик кадрларни тайёрлашда уларда аналитик қобилият ва кўнимкаларни шакллантиришга доир аниқ мақсадли ўқув тадбирларини ишлаб чиқиши ҳамда тизимли равишда йўлга қўйиш зарур бўлади.

2. Ўқув тадбирлари жараёнида ҳуқуқий соҳадаги аналитиканинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, юридик кадрлар, хусусан, прокуратура ходимларида тизимли ва танқидий тафаккур ҳамда аниқ математик фикрлашни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

3. Бугунги кунда прокуратура органларида аналитик фаолият такомиллашувга эҳтиёж сезиб, у қатор ташқи ва ички омилларга боғлиқ ҳисобланади.

Ташқи омиллар сифатида – прокуратуранинг давлат бошқаруви органлари тизимида тутган ўрни ҳамда мамлакат олдидаги функциясини аниқ белгиланиши, ушбу аниқ мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб,

прокурорлар томонидан жамиятда қонунийликни таъминлашга доир таъсирчан ва самарали усул ҳамда воситаларни (назорат шакллари ва таъсир чоралари) белгилаб олинишини келтириб ўтиш мумкин.

Ички омиллар сифатида эса – прокуратура органлари зиммасига юкланган аниқ вазифалардан келиб чиқиб, ушбу тизимда мавжуд аналитик тузилмаларни қайта кўриб чиқиш, хусусан, Бош прокуратуранинг Ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармасини тизимдаги таҳлилий фаолиятни мувофиқлаштириб ва услубий таъминлаб борадиган аналитик марказга айлантириш кабиларни кўрсатиб ўтиш лозим бўлади.

4. Мамлакатимизда ҳуқуқий статистика соҳасини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан шакллантириш ҳуқуқий соҳадаги аналитикани ахборот билан таъминлаб беришга хизмат қиласиган мухим омиллардан ҳисобланади.

Хусусан, Бош прокуратура тизимида Ҳуқуқий статистика тармоғини ташкил этилиши, унда ҳуқуқий соҳада интеграциялашган статистик маълумотларни жамлаб борилиши ва ҳуқуқий статистик-таҳлилий нашрларни чоп этиб борилишини йўлга қўйиш бу борадаги зарурий чоратадбирлардан ҳисобланади.

5. Тадқиқот иши доирасида таклиф этилаётган прокуратура органлари фаолиятида Қонунбузилиш ҳолатларини мониторинг қилиш институтини йўлга қўйилиши прокурор назоратининг аниқ манзилли ва самарали бўлишини таъминлаш билан бир вақтда, қонунбузилишлар ҳамда уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини тизимли равишда кенг қамровли ўрганиб, таҳлил қилиб бориш учун имконият яратади.

6. Ўз навбатида, прокуратура органларида аналитик фаолиятни тўғри йўлга қўйишнинг зарурий шарти сифатида – ундаги ҳуқуқий таҳлилнинг алоҳида кўринишлари бўйича услубий қўлланмаларни ишлаб чиқилиши ҳамда ахборот-технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда юқори савиядаги компьютер дастурларини яратилиши ва ишга тушилиши кабилар майдонга чиқади.

7. Диссертант ушбу тадқиқот ишини олиб бориш олдидан белгилаб олган қўйидаги вазифаларни амалга оширишга эришди, яъни:

- аналитик фаолиятнинг моҳияти ва ҳуқуқий соҳадаги аналитиканинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилди, шунингдек, ҳуқуқий соҳадаги аналитик фаолиятни лозим даражада йўлга қўйиш учун унинг назарий асосларини яратиш, яъни ҳуқуқий аналитикани фан сифатида шакллантириш лозимлиги эътироф этилди;

- мустақил мамлакатимиз прокуратураси органларида 1992-2019 йилларда таҳлилий фаолиятни шаклланишини ўрганилди;

- прокуратура органлари фаолиятига қўллаш мумкин ва лозим бўлган аналитик услублар ҳамда ҳуқуқий аналитик фаолият кўринишлари тадқиқ этилди;

- прокуратура органлари тизимидағи бугунги аналитик тузилмалар ҳамда таҳлилий жараёнлар ҳолатидан келиб чиқиб, ундаги ҳуқуқий аналитик фаолиятни такомиллаштиришга доир аниқ таклиф ва мулоҳазалар (чора-тадбирлар) илгари сурилди.

Шундай бўлсада, диссертант келгусида ушбу мавзудаги тадқиқот ишларини давом эттириш, хусусан, прокуратура органларидағи ҳуқуқий аналитик фаолиятни алоҳида кўринишлари ҳамда ҳуқуқий прогнозга оид тадқиқот ишларини олиш бориши лозим топади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Норматив ҳуқуқий хужжатлар ҳамда Бош прокурорнинг буйруқлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Электрон ресурс. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни. Электрон ресурс. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.03.2004 йилги «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 3406-сонли Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.05.2005 йилги «Давлат вазирликлари, қўмиталари, ҳукукни муҳофаза қилувчи органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ахборот-таҳлилот хизматлари фаолиятининг самарадорлигини оширишни ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.07.2014 йилги «Қонунчилик ижросини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4636-сонли Фармони.

6. Бош прокурорнинг буйруқлари тўплами (электрон ресурс). Бош прокуратура Академияси – 2019й.

Монография, диссертация ишлари ва илмий мақолалар

7. В.Ю.Курносов. П.Ю.Конопотов. Аналитика: методология, технология и организация информационно-аналитической работы.-Москва.Русаки.2004

8. С.С.Алексеев. Восхождение к праву. Поиски и решения. Москва. Норма. 2001

9. Ю.В.Курносов. Азбука аналитики – Москва.: Русаки. 2013

10. Берталанфи Л. фон. Общая теория систем: критический обзор – Москва.: Прогресс. 1969

11. Ю.В.Ямашкин. О.А.Новокрещенова. Системный подход к организации. Учебное пособие – Москва.:Саранск. 2016

12. Низомулмулк. Сиёсатнома – Тошкент.: Янги аср авлоди. 2008

13. В.Петров. Основы ТРИЗ. Теория решения изобретательских задач – Москва.2019 О.С.Анисимов. Стратегическое управление и государственное мышление – Москва. 2006

- 14.Методы информационно-аналитической деятельности. Науч.-практ. сб. / науч. ред. И.С. Пилко. – Кемерово: КемГУКИ, 2010.
- 15.Тилле А.А., Швеков Г.В. Сравнительный метод в юридических дисциплинах. М., 1978.
- 18.В.Н.Кудрявцев.Популярная криминология: монография. – М.: Норма, 2018.
- 19.С.П.Щерба и др. Прокуратура в странах СНГ: правовой статус, функции и полномочия. Экзамен. М. 2007
- 20.С.М.Иншакова. Латентная преступность в РФ: 2001—2006 годы.
- 21.Р.М.Акутаев.Криминологический анализ латентной преступности [Электронный ресурс] : Дис. ... д-ра юридические науки : 12.00.08. - М.: РГБ, 2007. – (Из фондов Российской государственной библиотеки)
- 22.В.В.Лунеев.Преступность XX века. Мировые, региональные и российские тенденции.–М:Норма.1997
- 23.Н.Ф.Федотова ва бошқалар. Учебная и исследовательская работа журналиста. 2010
- 24.В.В.Лунеев. Курс мировой и российской криминологии :Учебник. В 2 т. Т. I. Общая часть. — М. : Издательство Юрайт, 2011
- 25.В.И.Добреньков.А.И.Кравченко. Методы социологического исследования. Учебник.–М.:ИНФРА-М, 2009
- 26.В.Н.Кудрявцев. Популярная криминология: монография. – М.: Норма, 2018
- 27.В. В. Лунеев. Мотивация преступного поведения. М., 1991
- 28.Преступность и правонарушения. Статистический сборник СССР. 1991 г.
- 29.Ст.С.Г.Олькова. Основное криминологическое тождество, измерение латентной преступности в мире и России. УзЛит. 2019. №4. 4-14 с.
- 30.Афанасьев В.Н. Анализ временных рядов и прогнозирование: учебник / В.Н. Афанасьев, М.М. Юзбашев. – М.: Финансы и статистика, 2001
- 31.Анализ состояния законности и правопорядка в Российской Федерации: методы сбора и анализа эмпирической информации (М.: Академия Генеральной прокуратуры РФ, 2010)
- 32.Настольная книга прокурора (под общ. ред. С.Г. Кехлерова и О.С. Капинус). – М.: Академия Генеральной прокуратуры Российской Федерации, Издательство Юрайт,2010
- 33.Аналитическая работа прокуратуры субъекта Российской Федерации: монография / [А.Н. Ларьков и др.; рук. авт. кол. А.Н. Ларьков]; Акад. Ген. прокуратуры Рос. Федерации. – М., 2016

34.Ст. В.Н.Фадеев. Причинность в криминологии и детерминация преступности.//Криминология: вчера, сегодня и завтра. 2017. №3 (46) С. 21–27

35.Ст. Т.В.Раскина. Теоретические аспекты аналитической деятельности прокуроров о профилактике преступности и правонарушаемости.//Криминологический журнал Байкальского государственного университета экономики и права. 2016. Т. 10, № 1. С. 170–178

36.Я.И.Гилинский. Криминология: теория, история, эмпирическая база, социальный контроль. 3-е издание, переработанное и дополненное. СПб: Алеф-Пресс, 2014

37. Ст. А.А.Давыдов. Социология управления и системная социология. Сравнительный анализ.

38. Шевелев В.Н. Социология управления. М.: Феникс, 2004.

39.Ст. Э.Б.Хатов. Информационно-аналитическая деятельность российской прокуратуры: генезис и эволюция.// Российский журнал правовых исследований. 2018. №2 (15)

Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

40.С.Г.Ольков.Аналитическая юриспруденция.Учебник. Сургут.СурГУ. 2012

41.С.Г.Ольков.Аналитическая криминология (курс лекций).Учебное пособие. Казань. Познание. 2013

42.В.Б.Исаков.Правовая аналитика.Учебное пособие.Норма.Инфра – М.Москва.2017

43.И.Н.Андрюшечкина и др. Правовая статистика: учебник и практикум для академического бакалавриата — М. : Издательство Юрайт, 2017

44.И.Н.Кузнецов. Информация: сбор, защита и анализ. Учебник по ИАР.Москва.Язуа.2011

45.Ф.Гордукалова. Анализ информации: методы, технологии и организация. Ўқув услубий қўлланма.-СПб.:Профессия.2009

46.В.В.Лунеев. Юридическая статистика. Учебник. М. Норма. 2019

47. Бош прокуратура Академияси Маркази нашри. Қорақалпоғистон Республикасида жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида жорий этилган ўзига хос тажриба ва янги методика.2019 й.

48.А.Э.Юлдашев ва бошқалар. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари. Ўқув қўлланма. Т.: "Lesson press" нашриёти. 2017

49.А.С.Расулов ва бошқалар. Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика. Дарслик.–Т.:Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти. 2006

50.Информационно-аналитическая деятельность прокуратуры города (района). Учебное пособие. Авторский коллектив НИИ Академии Генеральной прокуратуры.–М.: 2013

Интернет манбалари

www.lex.uz.

<https://ru.m.wikipedia.org>

<https://stat.uz>

<https://www.un.org>

<https://www.unodc.org>

[https://crimestat.ru.](https://crimestat.ru)

<https://knoema.ru>

<https://prokuratura.uz>

<https://mvd.uz>

<https://cyberleninka.ru>

www.dslib.net

www.diss.natlib.uz

www.tadqiqot.uz

www.uz.a

www.animalkingdom.su/books/item

www.ksgp-cis.ru

<https://lawbook.online>

www.ziyouz.com

<https://criticalthinking.org>

<https://elibrary.ru>

[www.diss.rsl.ru.](http://www.diss.rsl.ru)

ДИССЕРТАЦИЯ ИШИГА ИЛОВАЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1992-2019 йиллардаги буйруқлари таҳлилига доир жадвалли маълумотнома.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларга доир жадвалли маълумотнома.
3. Жиноятчиликни таҳлил қилишга доир ўқув-услубий қўлланма.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатда қонунийликни таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони лойиҳаси.